Рис. 3б Графические зависимости изменения размаха колебаний перемещений и скорости от увеличения коэффициента жесткости.

Для нашего случая, при $m_n = 4,3 \cdot 10^{-2}$ кг, размах перемещения изменятся в пределах $0,67 \cdot 10^{-3}$ м до $2,08 \cdot 10^{-3}$ м, а размах скорости $\Delta \dot{y} = 0,44 - 1,76$ м/с при возрастании средней нагрузки от 1,2 Н до 2,5 Н. Согласно данных эксперимента размах колебаний упругой пластины в пределах $(2,96 - 3,12) \cdot 10^{-3}$ м обеспечивается необходимая очистительная эффективность хлопка. Поэтому для обеспечения значений Δy в указанных пределах наиболее

приемлемы значениями массы пластины $(0,34 - 0,37) \cdot 10^{-2}$ кг.

где a - при $M(Q)=1,2 \cdot \text{Н}$; $\delta Q=(0,12-0,13) M(Q)$; b - при $M(Q)=1,5 \cdot \text{Н}$; $\delta Q=(0,12-0,13) M(Q)$;
 v - при $C=1,4 \cdot 10^3 \cdot \text{Н/м}$; z - при $C=2,5 \cdot 10^3 \cdot \text{Н/м}$;
 где $1,2 - \Delta y = f(Q_6)$; $1,3$ - при $m=3,1 \cdot 10^{-2} \text{ кг}$;
 $3,4 - \Delta \dot{y} = f(Q_6)$; $2,4$ - при $m=4,3 \cdot 10^{-2} \text{ кг}$;
 где $1,2 - \Delta y = f(C)$; $1,3$ - при $M(Q)=1,5 \cdot \text{Н}$;
 $3,4 - \Delta \dot{y} = f(C)$; $2,4$ - при $M(Q)=1,2 \text{ Н}$.

На рис. 3б приведены кривые, характеризующие колебания пластины при вариации его коэффициента жесткости. С увеличением жесткости упругой пластины амплитуда колебаний перемещений пластины уменьшается.

Из рис. 3б видно, что уменьшение размаха колебаний перемещений и скорости с возрастанием значений коэффициента жесткости имеют нелинейный характер. Следует отметить, что на характер зависимостей $\Delta y, \Delta \dot{y}$ при вариации коэффициента жесткости ощутимое влияние оказывает значение нагрузки от хлопка-сырца. Так при значении коэффициента жесткости упругой пластины $0,5 \cdot 10^3 \text{ Н/м}$ при нагрузке $1,5 \text{ Н}$, размах колебаний $\Delta y = 4,15 \cdot 10^{-3} \text{ м}$, и $\Delta \dot{y} = 2,14 \text{ м/с}$. При




Рис. 3а Графические зависимости изменения размаха колебаний перемещений и скорости упругой пластины от увеличения нагрузки хлопка-сырца.

значении коэффициента жесткости $2,25 \cdot 10^3 \text{ Н/м}$ значения $\Delta y = 1,28 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ и $\Delta \dot{y} = 0,71 \text{ м/с}$ при нагрузке $1,2 \text{ Н}$. (см. рис. 3б кривые 1-4). Отклонения полученных значений параметров за счет влияния случайной составляющей нагрузки не превышают $8,0 - 10,0 \%$. Для обеспечения необходимых значений амплитуды колебаний упругой пластины $(1,48 - 1,56) \cdot 10^{-3} \text{ м}$ рекомендуемыми значениями коэффициента жесткости упругой пластины являются $(1,5 - 2,0) \cdot 10^3 \text{ Н/м}$.

Наиболее важными является исследования колебаний упругой пластины сетчатой поверхности очистителя хлопка при использовании материалов с различными диссипативными свойствами. Известно, что увеличение коэффициента диссипации приводит к быстрому гашению колебаний пластины, особенно собственных [2]. При увеличении коэффициента диссипации от $12,5 \text{ Нс/м}$ до $18,5 \text{ Нс/м}$ амплитуда колебаний перемещений уменьшается в среднем от $1,13 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ до $0,64 \cdot 10^{-3} \text{ м}$, а амплитуда колебаний скорости пластины уменьшается от $1,8 \text{ м/с}$ до $0,98 \text{ м/с}$. Приемлемыми значениями коэффициента диссипации упругой пластины являются $10,0 - 13 \text{ Нс/м}$. При этом в некоторой степени сохраняются собственные колебания, позволяющие повышению встряхивания летучек хлопка, тем самым увеличению очистительного эффекта.

Выводы: Получены законы колебаний упругой пластины сетчатой поверхности очистителя мелкого сора при случайном возмущении от хлопка – сырца. Получены графические нелинейные зависимости изменения размаха колебаний перемещения и скоростей упругой пластины от увеличения случайной возмущающей силы хлопка, коэффициентов жесткости и диссипации при вариации массы упругой пластины сетчатой поверхности очистителя хлопка. Рекомендуемые значения параметров при случайном возмущении от хлопка: $c = (1,5 - 2,0) \cdot 10^3 \text{ Н/м}$; $m_n = (0,34 - 0,37) \cdot 10^{-2} \text{ кг}$; $v = 10,0 - 13,0 \text{ Нс/м}$.

Список литературы

- [1] Джураев А., Бобоматов А. и др. Очиститель волокнистых материалов Патента Республике Узб. № IAP

02871 Бюл. № 5 31.10.2005.

- [2] Я.Г.Пановко. Основы прикладной теории колебаний и удара. Изд. Машиностроение, М., 1976, 320 с.
- [3] С. П. Стелков. Введение в теорию колебаний, изд. Наука, М., 1984, 437с.
- [4] Джураев А., Бобоматов А. Экспериментальной исследования активизирующий пластины сетки очистителя мелкого сора Тезисы РНПК молодых ученых и студентов «Участие молодых ученых в решении проблемных задач по совершенствованию техники и технологии хлопкоочистительной, текстильной, лёгкой и полиграфической промышленности» 2011. с 13.

МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШДА ШИША ЮЗАЛАРИ СИФАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ МУАММОЛАР

Б.Н. Файзиматов¹, Ю.Ю. Хусанов¹, Д.М. Эргашев²

¹Фаргона политехника институти, ²Андижон машинасозлик институти

yunusali1987@mail.ru

(Қабул қилинди 13.10.2017 й.)

Ушбу мақолада шиша юзаларига механик ишлов беришда юза сифатини шакллантириш муаммолари келтирилган.

Таянч иборалар: ёриқлар, микроёриқлар, ғоваклар, кертиклар, чизилишлар, пуфакчалар, кукун, мўртлик, қаттиқлик, кремний оксиди, қўрғошин оксиди, олмос-абразив.

В этой статье обсуждается проблема формирования качества поверхности при механической обработке стеклянных поверхностей.

Ключевые слова: трещины, пузыри, вмятины, пузырьки, порошок, хрупкость, твердость, оксид кремния, оксид свинца, алмаз-абразив.

This article discusses the problem of shaping the surface quality in mechanical processing of glass surfaces.

Keywords: cracks, bubbles, dents, bubbles, powder, brittle, hardness, silicon oxide, lead oxide, diamond-abrasive.

Ойнада ҳар доим турли туман нуқсон ва камчиликлар бўлади. Улардан баъзилари фақат косметик характерга эга, бошқалари ойна листининг бутунлигига таъсир қилиши мумкин. Кўп нуқсонлар одатда ойнани тоблашгача пайдо бўлади. Бу нуқсонлар пайдо бўлиш характери бўйича қуйидагича гуруҳланади:

Ёриқлар- бу энг жиддий нуқсонлардир. Ёриқлар одатда ойнанинг кесилган чеккасида бошланиб, лист ойна ичига қараб интилади. Ёриқлар ҳар доим лист кўринишидаги ойналарнинг совутиш зонасида ёки тоблаш зонасида синади.

Микроёриқлар- ойнага нотўғри ишлов беришда (кесишда, жилвирлашда, пармалашда) пайдо бўлади. Шунингдек бундай нуқсонлар ойнани нотўғри ташишда ва тахлашларда пайдо бўлиш эҳтимоли кўп. Бир қарашда улар кўринишмайди, аммо тоблаш печидан сифатли маҳсулот чиқишига салбий таъсир кўрсатади.

Ғоваклар ва синган жойлар- одатда ойналарни ташишда ва тахлашда пайдо бўлади. Ойна чеккаларида юқори босим остида таъсир етувчи кучлар остида ва ойна қалинлигига йўналган кучлар остида пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси юқори механик зўриқишлар зонасини пайдо бўлишига олиб келади. Мисол учун катта лист ойналарни мойлашда, олдида кичик лист ойналар бўлса, кичик ойналарда синиқ жойлар, катта лист ойналарда ўйиқлар ҳосил бўлади. Ҳар қандай ҳолатда сиртларнинг туташган жойларида лат ейишлар ҳосил бўлади.

Ғоваклар- ойна чеккаларига бўладиган босимда ва силкинишларда, ойна текисликларига йўналган куч таъсирида пайдо бўлади. Ойна бурчакларидаги тоза ғоваклар муҳим муаммоларни келтириб чиқармайди. Агар ойна чеккасида ёриқлар ва кемтиклар пайдо бўлса, улар тоза ғоваклар ҳисобланмайди.

Кертиклар- бу кесилган ойна чеккасидаги тўлқинли паст баланд ўйиқлардир. Бунга одатда ойнани нотўғри кесиш технологияси сабаб бўлади.

Майда чизилишлар- одатда ойна текисликлари бўйлаб, қаттиқ буюмларни ишқаланишидан пайдо бўлади. Одатда бундай буюмлар бўлиб бошқа кесилган ойналарнинг

чеккалари ёки ойнанинг майда парчаларининг битта пачкадаги ойналар орасига тушиб қолишидан ҳосил бўлади.

Майда пуфакчалар ойнада узунасига тортилган чизик йўл кўринишида кузатилиши мумкин. Агар улар кўринса тоблашпайтида ойнани бузилишига олиб келиши мумкин.

Жилвирлаш жараёнига, асосан абразив, унинг дондорлиги ва дондорликнинг бир жинслиги абразивларни айрим махсус хоссалари қаттиқлик ва ғоваклиги таъсир қилиш мумкин.

Кукунларининг алоҳида навлари ўзларининг физик-механик хусусиятлари билан биридан фарқ қилади, бу эса жилвирлашда ҳар хил самарадорликни ва жилвирланган юзаларда турли сифатни беради. Жилвирлашда қаттиқлик, мўртлик, эзилишга мустаҳкамлик ва жилвир доналари шакли аҳамиятга эга [1]. Ушбу хоссаларнинг мажмуи абразив моддаларни қуйидаги тартибда саралаш имконини беради: қум, корунд, ёқут, кремний карбиди, бор карбиди, олмос. Агар қумнинг абразивлигини бир бирликка тенг деб олсак, у ҳолда электркорунднинг 20 мк. дондорликдаги имконияти 2,5, кремний карбиди - 3,5 ва бор карбиди - 4 га тенг. Материалнинг абразивлик имконияти қанчалик катта бўлса, унинг мақбул сарфи шунча кам бўлади.


Шишанинг юза сифати сайқалланишига тескари пропорционал: ушбу абразив қанчалик фаол бўлса, жилвирланган юзада шунча кўп чуқур ўйиқлар пайдо бўлади. Жилвирланган шиша юзалари ғадир-будирлиги абразив кукунларнинг қаттиқлигига боғлиқ равишда камаяди. Таъсирига кўра уларни қуйидаги пасайиш тартибида жойлаштириш мумкин: олмос, бор карбиди, кремний карбиди, корунд, ёқут ва қум. Охириги жилвирлашда энг юқори сифатни беради.

Жилвирлаш тезлигига абразивнинг дондорлиги катта аҳамият эга. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики [2], дондорлик ўлчамининг ўсиши билан жилвирлаш тезлиги ошади. Ушбу боғлиқлик 3 дан 20 мкм оралиғида чизикли ҳисобланади. Жуда катта дондорлар билан ишланганда жилвирлаш секинлашади.


Юза ғадир-будирлиги h дондорлик ўлчамига тўғри пропорционал $D - H = k \cdot D$. k доимийлигининг қиймати абразив кўринишига боғлиқ: қум учун 0,17, ёқут учун - 0,22, корунд учун - 0,27 га тенг.

Йирик кукунли жилвирлашдаги тезлик ва дағалликнинг ошиши сабаби йирик жилвирлаш зарралари мустаҳкамроқ ва қийин бузилиши билан боғлиқ. Шу сабабли улар шишага анча чуқур ёрилишга олиб келадиган катта босим беришлари мумкин.

Бириккан абразив билан шишага ишлов беришда бириккан абразив қаттиқлиги ва ғоваклиги катта аҳамиятга эга. Карбокорундли шайба билан кўрғошинли биллур шишага ишлов бериш тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, катта абразивли юмшоқ шайбалар энг юқори жилвирлаш лаёқатига эга. Аммо дондорлик ишларида юмшоқ яроксиз, чунки улар ўткирлик шаклни тез йўқотади ва осон бўялади. Уларни доимий равишда тўғрилаш зарур, бу эса вақт сарфига ва абразив дискнинг хизмат муддатини қисқаришига олиб келади.



1-расм. Ойнани жилвирлашга жадалликни боғлиқлиги: а-силликловчи доналар миқдоридан. 1-қум, 2-корунд, 3-ёқут, 4-кремний карбиди, б-микро кукун дончалари миқдоридан. 1-қум, 2-корунд, 3-кремний карбиди, 4-бор карбиди [2].



2-расм. Ойнани жилвирлаш жадаллигини боғланган абразивлар билан ишлов бериш давомийлигига боғлиқлиги. 1-оқ қизил корунд, дондорлиги 320; оқ корунд, дондорлиги 320 [2].


Бириккан абразивнинг намунавий хоссаси бўлиб вақт оралиғида унинг жилвирлаш лаёқатини ўзгариши ҳисобланади [1]. У ҳолда муайян вақт оралиғида эркин абразив билан шишани жилвирлаш бир хил бўлади, иш қанчалик кўп давом этса, бириккан абразивнинг иш унумдорлиги жилвирлаш давомийлигига пропорционал равишда камаяди. Жилвирлаш чамбарагининг иш имкониятининг камайиш сабаби асбобнинг сиртидаги зарраларнинг ўтмаслашиб қолишидир. Жилвирлаш чамбарагидан ўтмас зарраларни мустаҳкамлик ва ғоваклик сабабли олиб ташлаш ўта секин кечади, чунки ишчи юза ўзини-ўзи тозалашга улгурмайди ва жилвирлаш унумдорлиги камаяди.



а)



б)



в)

3-расм. Ойналарни жилвирлашда фойдаланиладиган кесувчи асбоблар: а- абразив ленталар ; б- абразив дисклар; в- Ойналарнинг тўғри чизиқли кирраларига ишлов берувчи станоклар учун косасимон жилвирловчи олмосли тошлар (сегментлашган ва узлуксиз) .

Бир хил ишлов бериш шароитларида жилвирлаш, аввало, шишанинг кимёвий таркибига боғлиқ. Турли таркибли шишлар ҳар хил жилвирланиш хусусиятларига эга [1]. Умумий қоида қуйидагича: таркибда кремний оксиди (SiO_2) ва бор оксиди (B_2O_3) улушининг ошиши билан шишанинг қаттиқлиги ошади, натижада жилвирланиш тезлиги камаяди. Калций оксиди (CaO), натрий оксиди (Na_2O), айниқса, кўрғошин оксиди (PbO) каби металл оксиди қаттиқликни камайтиради ва жилвирланишни тезлаштиради.

Эркин абразив билан ишланганда босим ва тезлик фақатгина ишлов бериш жараёнигагина таъсир кўрсатади. Жилвирланаётган юза сифати ушбу омилларга боғлиқ эмас. Босимнинг ортиши билан шишанинг жилвирланиш сони ўсади. Аммо босим $700-900 \text{ г/см}^2$ дан юқори бўлганда жилвирлаш самарадорлиги шиша ва жилвирловчи орасидаги бўшлиққа

абразивнинг кириш қийинлиги сабабли камаяди.

Ишчи босимга тўғри пропорционал бириккан абразив билан ишланганда шишанинг жилвирланиш жадаллиги ортади. Маълумки, иккала усулда ҳам юқори босимда жилвирланиш тезлигининг ўсиши - асбоб ва заготовкани анча зич ёпишиши натижасида контакт соҳасида деформациянинг ҳосил бўлишидир. Деформация эса шиша бирлик юзасига таъсир қилаётган самарали зарраларнинг сонининг ўсишига олиб келади.



а)



б)

4-расм. а) Ойналарнинг эгри чизиқли кирраларига ишлов берувчи станоклар учун косасимон жилвирловчи олмосли тошлар; б) Ойналарнинг тўғри чизиқли кирралари бўйича ишлов берувчи дастгоҳлар учун ҳар хил профилдаги (ёй, трапеция) олмосли тошлар.

Жилвирлаш тезлигига жилвирланишнинг боғланиши умуман бошқача кўринишга эга. Ҳар бир жилвирланиш тури учун маълум мақбул жилвирлаш тезлиги мавжуд бўлиб, уларга риоя қилинганда жилвирланиш энг юқори бўлади. Мақбул тезлик шунингдек шиша турига ҳам боғлиқ. Тадқиқотлар натижасига кўра [1] мақбул тезлик чегараси 8 дан 12 м/с атрофида ўтади.

Пастроқ ёки юқорироқ тезликда шишани жилвирлаш жадаллиги камаяди. Тезликнинг ошиши юза ғадир-будирлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Бириккан абразив билан жилвирлашда мақбул тезликнинг мавжудлиги жилвирлаш жараёнидаги иссиқлик эффекти билан ифодаланади. Шиша билан шайбанинг ишқаланиши натижасида ишқаланиш юза ҳароратини кўтарадиган иссиқлик ажралади. Муайян тезликдан

ошгандан сўнг иссиқликнинг ажралиши шундай кўпаядики, ишлов берилаётган соҳада шиша юмшайди, мўртлиги камаяди ва шу сабабли жилвирлаш жадаллиги пасаяди.

Жилвирлашда мойлаш совитиш суяқлиги муҳим функцияни бажаради: ишқаланиш натижасида ҳосил бўлган жилвирлаш маҳсули (шиша ва абразив зарралари) ни ювади ва иссиқликни олиб кетади. Бундан ташқари, у ишлов бериш соҳасига физик-кимёвий таъсир кўрсатади, контакт соҳасидаги кучланиш-деформация ҳолатини камайтиради, жилвирлаш жараёнини тезлатади ёки секинлаштиради, ишлов бериш юзаси сифатини ўзгартиради.



5-расм. а) Шаклдор юзаларга ишлов берувчи ва суриш қўлда амалга оширилувчи дастгоҳлар учун тошлар; б) Кесувчи олмосли тошлар.

Шакллантирилаётган юзалар нуқсонлигига технологик жараённинг таъсирини ўрганишда жилвирлашдан сўнг сиртки қатлам нуқсонлигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Алоҳида зарраларнинг жилвирлаш таъсирини микроскопик тадқиқ қилиш дастлабки текис шишанинг сиртки ва сирт ости юзаларида қандай зарраларни қолдиришини кўрсатади.

Сиртки юзада ўзига хос рельеф остида бўртиқ ва ботиклар ҳосил бўлади ва ушбу рельеф ёриқ ва дарзлар шишанинг ичкараси томон йўналган бўлади. Рельеф қатламидаги (дарзлар соҳасидаги) микро ғадир-будирликлар ўлчами кўринаётган ёруғлик тўлқинидан узун. Ушбу микро ғадир-будирликларда ёруғлик сочилиб кетади ва жилвирланган шиша юзаси жилосиз ва шаффоф бўлмай қолади.

Маълумки, абразив таъсири сиртки қатламни ёрилиши билан чегараланиб қолмайди, балки унинг ички қисмига ҳам чўзилиб кетади. Рельеф қатламнинг кўринарли қатламидан ташқари жилвирлаш натижасида сирт ости қатламда дарзлар - “дарзли қатлам” пайдо бўлади, у рельеф қатламнинг остида жойлашади, аммо унга нисбатан уч маротаба калин бўлади (1.6-расм). Рельеф қатламдам ҳам, дарзли қатламда ҳам шишанинг бутунлиги бузилади. Шу сабабли ушбу қатламлар баъзан “бузилган қатлам” деб аталади.

Илмий ишларнинг кўпчилиги ишлов берилаётган материалда пайдо бўладиган ва нуқсонли қатлам ривожланишини келтириб чиқарадиган физик ҳодисаларни четда қолдирган ҳолда абразивнинг дондорлигини нуқсонли қатлам чуқурлигига таъсири билан боғлиқ. Нуқсонлик параметрлари ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилиги эса материал сиртки қатламни ўрганиш учун қўлланиладиган усулларга боғлиқ.

Олиб борилган изланишларни тартибга солиш ва натижалар билан бойитиш шакллантирилаётган юзадаги нуқсонлик ҳақида хулоса қилишга имкон беради, бинобарин техник шишадан ясалган буюмларга ишлов бериш сермехнатлиги ишлов берилаётган материалга таъсир кучини даражасига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида энергия сиғими икки тоифадаги омиллар билан аниқланади: ишлов берилаётган материалнинг физик-механик хусусиятлари (қаттиқлик, мустаҳкамлик, мўртлик, дастлабки нуқсонлиги, кўриниши ва аввалги ишлов беришнинг ўзига хос хусусиятлари); ишлов бериш жараёнларининг технологик параметрлари (кесиш схемаси ва маромлари, қўлланилаётган асбобларнинг технолгик ва эксплуатация характеристикалари, технологик муҳит хоссалари). Булар ўз навбатида шакллантирилаётган юза нуқсонлик параметрларига таъсир кўрсатади.

Ишлов берилаётган соҳадаги юзанинг кучланиш-деформация ҳолатини тушириш, масалан, самарали мойлаш совитиш технологияси воситаларни қўллаш ёки эластик асбобларни қўлланиш ҳисобига унинг нуқсонлигини камайтиришнинг асосий йўли ҳисобланади.



6-расм. Кўп вазифали РДБ дастгоҳлар учун фреза ва бошқа асбоблар.

Олмос-абразив асбобларни қўллаш ишлов беришда юқори сифат кўрсаткичлари ва аниқлигига эришиш имконини беради. Олмос-абразив асбобларнинг технологик имкониятларини очиш учун ишлов берилган юза сифатига ишлов бериш маромлари таъсирини ва ушбу таъсирнинг модел тасаввурини кўриб чиқиш лозим.

Юза сифатига, бинобарин юза ғадир-будирлигига аввало ишлов бериш маромлари: кесиш тезлиги (V , м/с), кесиш чуқурлиги (t , м/с), суриш (S , м/с) га таъсир кўрсатади. Ишлов бериладиган юзага нисбатан олмос зарраларининг ҳаракатланиш хусусияти ва тезликка таъсир ўтказиб, кесиш параметрлари бир зарра билан олинадиган элементар қирқим қалинлиги h_z ўлчамларини, натижада жилвирлаш жараёни самарадорлиги ва ишлов бериш сифатини аниқлайди.

Ойналар чеккаларига жилвирлаб ишлов беришда абразив асбоб сифатида ленталардан ёки дисклардан фойдаланилади. Улар ўз хусусиятидан келиб чиққан холда турли хил шароитларда фойдаланилади.

Абразив дисклар абразив ленталарга қараганда меҳнат унумдорлиги юқори ҳисобланади, шу сабабли кўп серияли ва ялпи ишлаб чиқариш шароитларида кенг қўлланилади. Қуйида ойналарга ишлов бериш учун фойдаланиладиган абразив дисклар турлари келтирилган.

Автомобил ойналарига жилвирлаб ишлов беришда асосан диаметрлари 150мм ва 250мм бўлган дисклардан кўпроқ фойдаланилади. Дискларнинг ён сиртида ойна профилига мос келувчи ариқча бўлади ва бу ариқча абразив материал билан таъминланади. Автомобил ойналарининг ён сирти ёй кўринишида бўлгани учун диск ариқчалари ҳам шундай кўринишда тайёрланади. Ариқча баландлиги ойна қалинлигига мос қилиб тайёрланади.

Ишлов бериш жараёнида ойнадан кесиб олинаётган қатлам ёй профили бўйлаб турлича тақсимланади. Сабаби жилвирлашгача бўлган жараёнда ойнанинг ён сирти тўғри тўртбурчак кўринишида кесилган бўлади. Шунинг учун кесиш чуқурлиги ёй марказидан сирт бўйлаб узоклашган сари катталашиб боради. Шунга кўра диск кесувчи қисмининг бу қисмлар марказий қисмдан эртароқ ва тезроқ ейилади. Ойналарнинг юқори ва паст қисми кўпроқ қатламни кесади ва кўпроқ иш бажаради. Натижада ён сиртларида юзага келаётган сифат бузилишлари ҳам айнан шу қисмларда ишлов берилган юзаларда ҳосил бўлади.

Абразив асбобларни тайёрлашда табиий материаллардан ёки сунъий абразив моддалардан фойдаланилади. Ойнани боғламли абразив билан жилвирлашга қараганда металл боғламдаги олмосли тошлар билан жилвирлаш афзалликларга эга.

Адабиётлар

- [1] Гетц И. Шлифовка и полировка стекла. Перевод с чешского. Л.: Стройиздат, 1967. 280 с.
- [2] Качалов Н.Н. Технология шлифовки и полировки листового стекла. АН СССР. М.-Л., 1958.
- [3] Дорожкин Н. Н., Епифанов В. И., Жорник А. И. К оценке температурных полей и температурных напряжений при распиливании кристаллов // Трение и износ, 1983. Т. 4, № 2. С. 286-295.
- [4] Бердичевский Е.Г. Смазочно-охлаждающие технологические средства для обработки материалов: Справочник. М.: Машиностроение, 1984. 224 с.
- [5] Д.М. Эргашев. “Механик ишлов беришда шиша юзалари сифатини шакллантиришдаги муаммолар” «Машинасозликда замонавий материаллар, техника ва технологиялар» Халқаро илмий- техникавий анжуман тўплами. Андижан-2016

УЎТ: 628.83

НАСОС СТАНЦИЯНИНГ СУВ ОЛИШ ИНШООТЛАРИНИ ГИДРАВЛИК ИШ ШАРОИТИ

М. Мамажонов, Б.М. Шакиров

Андижон қишлоқ хўжалик институти, bshokirov61@mail.ru, ilmiy@andqxi.uz
(Қабул қилинди 27.12.2017 й.)

Мақолада сугориш тизимидаги насос станцияларнинг сув олиш иншоотини босим исрофини аниқлаш масалалари ёритилган. Аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмаларининг гидравлик қаршилик коэффициентларини аниқлаш бўйича лаборатория тадқиқотларини натижалари келтирилган.

Таянч сўзлар: насос станция, сув келтириш канали, кесим, аванкамера, сув қабул қилиш бўлинмаси, босим исрофи, гидравлик қаршиликлар, қаршилик коэффициенти, тезлик, оқим, юза, босим, сув сарфи.

В статье рассмотрены вопросы определения потери напора в водоприёмных сооружениях насосных станций оросительных систем. Приводятся результаты лабораторных исследований по определению гидравлических коэффициентов сопротивлений аванкамеры и водоприёмных камер.

Ключевые слова: насосная станция, подводящий канал, сечение, аванкамера, водоприёмная камера, потери напора, гидравлические сопротивления, коэффициент сопротивлений, скорость, поток, площадь, напор, подача воды.

The paper deals with the definition of loss of pressure in the water inlet structures pumping stations of irrigation systems. There are given the results of laboratory tests on determining the coefficient of hydraulic resistance forebays and water inlet chambers.

Keywords: pump station, supply channel, cross section, fore-chamber, water intake chamber, head loss, hydraulic resistance, coefficient of resistance, speed, flow, area, head, water supply.

Аванкамерадаги оқимни структураси ва ҳолати сув қабул қилиш бўлинмаларининг ишлаш шароитини белгилаб беради. Ўтказилган лаборатория тадқиқотлари шуни кўрсатадики, насослар биргаликда ишлаганда ўртадаги ва чеккадаги насосларнинг сув қабул қилиш бўлинмаларини иш тартиблари турлича бўлади.

Сув олиш иншоотидаги босим исрофлари аванкамерадаги $h_{ав}$, сув қабул қилиш бўлинмаларига тўғри киришдаги $h_{кир}$, бўлинмага қийшиқ киришдаги $h_{бур}$ ва сув қабул қилиш бўлинмаси узунлиги бўйича $h_{\ell,б}$ йиғиндиларидан иборат бўлади:

$$\Sigma h = h_{ав} + h_{кир} + h_{бур} + h_{\ell,б}; \quad (1)$$

Буларни ҳар бир ташкил этувчисини алоҳида кўриб чиқамиз. Аванкамерадаги босим исрофлари:

$$h_{ав} = h_{кен} + h_{\ell,ав}; \quad (2)$$

бу ерда $h_{кен}$ -аванкамерада оқимни кенгайиши ҳисобига босим йўқолиши; $h_{\ell,ав}$ - аванкамерани узунлиги бўйича босим йўқолиши.

Оқимни кенгайишидаги босим йўқолишини тезликдан ҳосил бўлувчи босимга нисбати қуйидагича ёзилади:

$$\xi_{кен} = \frac{h_{кен}}{V_k^2 / 2g}; \quad (3)$$

бу ерда V_k -каналдаги ўртача оқим тезлиги.

Агар сув сатҳи кенгайиш участкасида горизонтал ҳолда деб қабул қилинса, кенгайишдаги қаршилик коэффициентини қуйидагича ифодалаш мумкин [2]:

$$\xi_{кен} = \left(1 - \frac{1}{n}\right)^2; \quad (4)$$

бу ерда $n = B_{фр} \cdot h_{фр} / \omega_k$ -аванкамеранинг кенгайиш даражаси; $B_{фр}$ - сув қабул қилиш бўлинмаларининг умумий узунлиги; $h_{фр}$ -сув қабул қилиш бўлинмаларидаги сувнинг чуқурлиги; ω_k -каналнинг кесим юзаси.

Ҳисоблар шуни кўрсатадики, кенгайиш даражаси $n \geq 1,4$, бошланғич чуқурликни унинг кесим юзасига нисбати $0,3 \dots 0,4$ ва оқим тезлиги $V_k = 0,25 \dots 0,3$ м/с га тенг бўлса, яъни бизни лаборатория андозамиз шартларига мос келса, (4) формула билан $\xi_{кен}$ кенгайиш коэффициенти 2...3 % дан кам бўлган ҳатоликда аниқлаш имкониятини беради.

А.Г.Соловьева ўзани чуқурлиги катта ва эни кичик бўлганда, яъни биздаги шароитларга мос келувчи ҳолатда тубидаги ишқаланиш кучларини ҳисобга олмаса ҳам бўлишини таъкидлайди, яъни (2) ва (3) ифодаларни қуйидаги кўринишга келтиради [3]:

$$\xi_{ав} = \xi_{кен} ; \quad h_{ав} = h_{кен} \quad (5)$$

Юқоридаги (4) формула билан топиладиган $\xi_{кен}$ қиймати аванкамера узунлиги оқимни “эркин” кенгайиш узунлиги (уюрмалар узунлиги) ℓ_2 га тенг бўлган шароитда тўғри бўлади (яъни $\ell_2 = L_{ав}$ бўлган ҳолда).

Агар $L_{ав} < \ell_2$ бўлса яъни оқимни сув олиш фронти бўйича мажбурий кенгайиш содир бўлса, сув уюрмалари ва транзит оқим майдонларининг ажралиш юзалари аванкамера узунлигини ўзгаришига пропорционал равишда камаяди. Демак тахмин қилиш мумкинки, сув уюрмаларини транзит оқимга қаршилиги аванкамера узунлигини сув уюрмалари узунлиги нисбатига пропорционал камаяди, яъни:

$$\xi_{кен} = \left(1 - \frac{1}{n}\right)^2 \frac{L_{ав}}{\ell_2} ; \quad (6)$$

Узунлиги қиска аванкамерада сув қабул қилиш бўлинмаларига киришда ўртадаги ва чеккадаги бўлинмаларда оқимни кесим юзаси бўйича энергияни тақсимланиши тенг бўлмайди.

Агар сув келтириш каналидаги ва сув қабул қилиш бўлинмаларидаги тўла босимлар айирмасини h_i деб белгилаб, ҳамда ҳар бир бўлинмага Q_i сув сарфи киради деб ҳисоблаб яъни $Q_{ум} = n \cdot Q_i$ десак у ҳолда:

$$h_{ум} = H_{ум} - \frac{1}{n_H} \sum H_i ; \quad (7)$$

бу ерда $H_{ум}$ - сув келтириш каналидаги тўла босим; H_i - сув қабул қилиш бўлинмалардаги тўла босим.

$$h_{ум} = \frac{\sum h_i}{n_H} \quad (8)$$

Агар (8) ни тезликлардан ҳосил бўлувчи босимга бўлсак, у ҳолда

$$\xi_{сист} = \frac{\sum \xi_i}{n_n} ; \quad (9)$$

Берилган ҳолат учун системанинг қаршилиқ коэффиценти $\xi_{ав} = \xi_{кен}$ тенг, яъни:

$$\xi_{ав} = \frac{\sum_{i=1}^n \xi_{ав,кам}}{n_n} ; \quad (10)$$

бу ерда n_n - бўлинмалар (насослар) сони; $\xi_{ав,кам}$ - тўсатдан кенгайган оқимни бўлинмага киришдаги қаршилиқ коэффиценти.

Тажрибалар кўрсатадики, ҳамма насослар ишлаган ҳолда, ўрта бўлинмадаги босим йўқолиши чекка бўлинмадаги босим йўқолишини бир қисмини ташкил этади.

Биринчи ва иккинчи вариантдаги аванкамералар тўла фронт бўйича ишлаган ҳолатдаги гидравлик қаршилиқларини ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

(6) формуладаги сув уюрмалари узунлиги ℓ_2 Г.В.Восторжел томонидан таклиф этилган графикдан олиниб бажарилган ҳисоблар, тажрибада ва ҳисоблаб топилган қаршилиқ коэффицентларини қийматлари қоникарли даражада яқин келишини тасдиқлади [1].

1-жадвал

Биринчи ва иккинчи вариантдаги аванкамераларни гидравлик қаршилигини ҳисоблаш натижалари

Вариантлар	$n = \frac{\omega_{\text{фр}}}{\omega_{\text{кам}}}$	$n_p = \frac{\Phi_{\text{фр}}}{2\phi}$	$L_{\text{ав}}, \text{см}$	$\frac{\ell_2}{\Delta\phi}$	$\ell_2, \text{см}$	$a = \frac{L_{\text{фр}} - L_{\text{ав}}}{2\ell_2}$	$\left(1 - \frac{1}{n}\right)$	$\xi_{\text{ав}}$
1-вар.	3,91	2,52	81	7	228	0,504	0.554	0,279
2-вар.	2,17	1.4	33	7,8	75	0,9	0.291	0,201

Тажрибалардан олинган натижалар асосида ўрта ва чекка бўлинмаларда қаршилиқ коэффициентларини нисбатлари аниқланади.

Сув қабул қилиш бўлинмаларига оқимни тўғри киришида босим исрофлари қуйидагича топилади:

$$h_{\text{кир}} = \xi_{\text{кир}}^1 \cdot \frac{v_{\text{бўл}}^2}{2g}; \quad (11)$$

$$\xi_{\text{кир}}^1 = \frac{1}{K^2} - 1; \quad (12)$$

$$K = \frac{1}{\sqrt{1 + \xi_{\text{кир}}}}; \quad (13)$$

Оқимни бўлинмага қийшиқ киришдаги босим исрофлари қуйидагича бўлади:

$$h_{\text{бур}} = \frac{V_{\text{бўл}}^2 \cdot \text{tg}^2 \theta^0}{2g}; \quad (14)$$

Агар $h_{\text{бур}}$ бурилишдаги босим исрофларини тезликдан ҳосил бўлувчи босимга бўлсак, қаршилиқ коэффициенти ҳосил бўлади:

$$\xi_{\text{бур}}^1 = \text{tg}^2 \theta; \quad (15)$$

$$h_{\text{бур}} = \xi_{\text{бур}}^1 \cdot \frac{v_{\text{бўл}}^2}{2g}; \quad (16)$$

Бўлинманинг ҳамма кириш кесим юзасида оқимни йўналиши ва тезлиги ўзгармас бўлган ҳолда (14) формула яхши натижа беради. Лекин ҳақиқий ҳолатда бунга эришиш анча қийин.

Шунинг учун $\xi_{\text{бур}}^1$ қийматини тажриба усулида аниқланади. Унинг 1 ва 2 – вариантлар бўйича ўрта ва чекка бўлинмалар учун 5 – та насос бараварига ишлаган ҳолдаги қийматлари 2 – жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Бешта насослар ишлаган ҳолатдаги аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмаларидаги гидравлик қаршилиқ коэффициентлари ҳисоби

Вариант	Бўлинма	$\xi_{\text{ав}}$	$\xi_{\text{ав,бўл}}$	K	$\xi_{\text{кир}}^1$	$\xi_{\text{кир}}$	$\xi_{\text{бур,б}}^1$	$\xi_{\text{бур,б}}$	$\xi_{\text{бур}}$	$\Sigma \xi$	
										$\Sigma \xi_{\text{ум,б}}$	$\Sigma \xi_{\text{ум}}$
1	Чек-ка ўрта	0,279	0,536	0,976	0,05	0,004	0,505	0,421	0,425	0,967	0,514
			0,022				0,34	0,028		0,061	
2	Чек-ка ўрта	0,261	0,458	0,96	0,09	0,03	0,44	0,147	0,09	0,658	0,404
			0,063				0,10	0,033		0,149	

Ҳисоблар шуни кўрсатдики, бўлинмани узунлиги калта ва ундаги тезлик кичик бўлганлиги учун ишқаланишга сарфланадиган босим исрофларини эътиборга олинмаслик мумкин.

Бўлинмага оқимни тўғри киришида босим исрофлари $h_{кир}$ ни каналдаги тезликдан ҳосил бўлувчи босимга бўлсак:

$$\xi_{кир} = \xi_{кир}^1 \left(\frac{\omega_k}{\omega_{бул} \cdot n_n} \right)^2; \quad (17)$$

бу ерда ω_k – сув келтириш каналини кесими юзаси; n_n – биргаликда ишлаётган насослар сони.

Ўрта ва чеккадаги бўлинмаларга оқимни қийшиқ киришини эътиборга олиб, бурилиш учун қаршилиқ коэффициентни қуйидагича аниқланади:

$$\xi_{бур} = \frac{\xi_{бур,чек} + \xi_{бур,ўр}}{2}; \quad (18)$$

Гидравлик қаршилиқлар коэффициентини йиғиндиси қуйидагича ҳисобланади:

$$\Sigma \xi_{ум} = \xi_{ав} + \xi_{кир} + \xi_{бур}; \quad (19)$$

Адабиётлар

- [1] Восторжел Г.В. Приближенное решение задачи планового расширения потоков. Изв. ВНИИГ. Т. 67, 1991. с. 231-233.
- [2] Палышкин Н.А., Подласов А.В. Рекомендации по проектированию аванкамер и водоприемников мелиоративных насосных станций. // Пособия по проектированию. – Киев: УкрНИИГиМ. 1989. – 146 с.
- [3] Соловьева А.Г. Экспериментальное исследование плавного расширения потока при наличии водоворотных зон. Известия ВНИИГ: т. 46, 1977. с 241-253

УДК 664.72:621.365.5

ШОЛИ ҚУРИТИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ ЭЪТИБОРГА ОЛИНГАН ҚУРИЛМА

Б.Р. Беккулов, М.Т. Халилов

Андижон машинасозлик институти, botirali.bekkulov@mail.ru
(Қабул қилинди 22.12.2017 й.)

Шоли қуритишнинг муҳим жиҳатлари, қуритиш қурилмаларида ва табиий усулда қуритиш режимлари кўрсатилган. Шолини қуритиш параметрлари ва унда ёриқлар пайдо бўлиши ҳодисаси тўғрисида қисқача адабиётлар таҳлили келтирилган. Шолини қуритиш қурилмаси вазифаси, ишлаш принципи ва энерготежамкорликка олиб келувчи механизм баён қилинган. Қуритиш жараёнида альтернатив энергиядан фойдаланишга оид ҳисоблашлар бажарилган.

Таянч сўзлар: шоли, ёриқлар пайдо бўлиши, редуктор, муфта, нов, тасмали узатма, калорифер, солиштирма иссиқлик сизими, энерготежамкорлик.

Показаны существенные аспекты сушки риса, режимы для сушки в сушильных устройствах. Приведен краткий литературный обзор по параметрам сушки и трещиноватости риса. Изложена задача, принцип работы устройства и механизм приводящий к энергосбережению. Произведены расчёты по применению альтернативной энергии в процессе сушки.

Ключевые слова: рис, трещиноватость, редуктор, муфта, жёлоб, ременная передача, калорифер, удельная теплоёмкость, энергосбережение.

Essential aspects of drying of rice, conditions for drying in devices and a natural mode are displayed. The short literary review on parametres of drying is reduced and fissuring rice. The problem, an operating principle of the device and the gear bring to power savings is stated. It is fabricated calculations on application of alternative energy in the drying.

Keywords: rice, fissuring, reducer, muff, gutter, belt transmission, cflorifier, specific thermal capacity, power saving.

Замонавий техника ва технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, илмий-техник вазифаларни ҳал этишга

йўналтирилган амалий ва инновацион илмий изланишлар ва ишланмаларни олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вазифаси этиб белгиланган [1]. Республикамизда ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги дон маҳсулотларини қуритишнинг радиацион, яъни табиий усулда қуритиш кенг қўлланилади. Донни қуритиш жараёни тўла механизациялашмаган ҳисобланади. Ҳусусан, шолени сақлаш ва қайта ишлаш учун маълум даражада учун қуритиш лозим бўлади. Шолени қуритиш жараёни бошқа дон турларини қуритишдан қуйидаги муҳим жиҳатлари билан фарқланади:

-юқори ҳароратда қуритиш самарадорликни оширади, бироқ донда ёриқлар пайдо бўлиш ҳодисасига сабаб бўлади;

-шоленинг ҳажм бўйича бир хилда қуримаслиги ундан қайта ишлаш натижасида олинадиган сифатли маҳсулот миқдорини пасайишига олиб келади.

Қуритишда ёриқлар пайдо бўлиш ҳодисасини олдини олиш мақсадида радиацион усулда шоленинг массасининг максимал температураси 35⁰С дан ортмаслиги, тўғри оқимли қуритиш қурилмаларида бир маротаба ўтказишда намлик 3%дан ортиқ, рециркуляцион қурилмаларда эса 10%дан ортиқ туширилмаслик лозим бўлади. Кўп миқдордаги хўл шолени бузилишини олдини олиш мақсадида бир маротаба ўтказишда намлик 5%гача туширилиши мумкин. Ҳар бир ўтказишдан сўнг, фақатгина охириги ўтказишни инобатга олмаганда, тахминан икки соат вақт мобайнида ушлаб турилади. Сўнгга, шоленинг массаси совитилади ва сақлаш ёки қайта ишлаш учун юборилади. Шахтали тўғри оқимли қурилмаларда дон массасининг максимал температураси дастлабки намлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда 35⁰Сни ташкил этади. Қуритиш агентининг максимал температураси биринчи ҳудудда 70⁰С, иккинчисида эса 60⁰Сни ташкил этади. Рециркуляцион қуритиш қурилмаларида қуритиш агентининг максимал температураси 55⁰Сни, дон массаси учун эса 33⁰С ни ташкил этади. Шоленинг массаси актив вентилизацияси мавжуд омборхоналарда сақлаш учун 15,5%гача намликда қуритилади.

Биз томонимиздан таклиф қилинаётган шолени қуритиш қурилмасининг вазифаси – донни дарз кетиши ҳодисасини олдини олиш, доннинг ҳажм бўйича бир хил қуришини таъминлаш, энерготежамкорликни ошириш, ҳамда қуритиш қурилмасининг кўчма моделини яратишдир. Қурилмага бундай вазифаларнинг қўйилиши қуйидагилар билан боғлиқ:

Биринчидан, шолени ҳозирда мавжуд бўлган айрим қурилмаларда ва табиий усулда қуритишнинг асосий камчиликларидан бири қуритиш жараёнида донда пайдо бўладиган ёриқлар пайдо бўлиши ҳодисаси ҳисобланади. Бунинг натижасида шолидан олинадиган бутун донга гуруч миқдорини камайиши кузатилади. Адабиётларда шолени қуритиш жараёни ва шолени донида ёриқлар пайдо бўлиши ҳодисасига бағишланган кўплаб илмий ишлар учрайди. Ҳусусан, донда ёриқлар пайдо бўлиши ҳодисаси унинг қуритиш вақтига, қолдиқ намликка боғлиқ бўлади ва параметрлар боғлиқликларининг келтирилиши шолени сифатини қуритиш жараёнида олдиндан айтиш имкониятини беради [2]. Маълум вақт мобайнида ушлаб туриш билан қуритишда шолени донининг дарз кетиши 6-8%га камаяди, қайта ишлашда бутун доннинг олинishi маълум вақт ушлаб турмай қуритиш билан таққосланса 2,7-5%га ортади [3]. Асосий қуритиш параметрларининг ўзгариши қуритиш жараёнини бошқариш ва сифатли маҳсулотни таъминловчи режимларни аниқлашда, ҳамда қуритиш жараёни учун энергия сарфини ҳисоблашда катта амалий аҳамият касб этади [4]. Шоленинг қуритиш температураси ва қуритиш ҳавосининг тезлигини ўзгартириб кичик қалинликдаги шолени қуритишдаги тажриба натижалари келтирилган ва математик модель параметрларини бир хиллаштириш учун фойдаланилган [5];

Иккинчидан, шолени қуритилгандан сўнг, ташқи ва ички пўстлоғи механик усулда олиб ташланиб, тоза гуруч ҳосил қилинади. Шу жараёнда қуритилган шоленинг намлилиги даражаси ҳажм бўйича бир хил бўлиши олинадиган гуруч миқдорини ортиши учун муҳим аҳамият касб этади;


Учинчидан, қурилмада энерготежамкорликни ошириш учун қуриган донни ажратиб олишни таъминлашдир;

Тўртинчидан, фермер хўжаликларининг электр линиялари билан таъминланмаган худудларида қуриштиш ишларини альтернатив энергия ҳисобига бажариш.


Қўйилган вазифа қуйидаги тартибда бажарилади: Таклиф қилинаётган қурилмада шולי массасининг қуриштишдаги максимал температураси 30°C ни ташкил этади. Натижада шолининг дарз кетиш ҳодисаси камайиши кузатилади. Қуриштиш учун олинган шולי массаси (маълум миқдор) нинг ҳажм бўйича тўла аралашиши шнекда ҳамда қуриштиш барабанида содир бўлади ва бу текис, бир хил қуришни таъминлаш учун хизмат қилади. Доннинг қуриштиш жараёнининг асосий қисми калориферда ҳосил қилинган иссиқ ҳаво ёрдамида қуриштиш барабанида амалга оширилади. Қуриштиш жараёнининг маълум қисми эса, шнекда, новда ва махсус новда ҳам вентиляция ҳисобига содир бўлади, бу энерготежамкорликни қисман оширади. Қуриштиш қурилмасидаги махсус нов (саралаш механизми) қуриган донни ажратишни таъминлайди. Маълум миқдордаги дон массасидан қуриган донни ажратилиши доннинг умумий массасини камайтириб боради. Бу талаб қилинган иссиқлик миқдорини камайиб боришига олиб келади ва энерготежамкорликни ошириш учун хизмат қилади. Қуриштиш қурилмаси тиркамага (прицеп) ўрнатилган бўлиб, альтернатив энергиядан фойдаланиш кўзда тутилганлиги учун исталган худудда қуриштиш ишларини амалга ошириш имкониятини беради.

Таклиф қилинаётган шолининг қуриштиш қурилмасида конвектив усул қўлланилган [6]. Қуриштиш қурилмаси маълум миқдордаги шולי билан, яъни даврий равишда ишлайди ва кўп мартали циклга эга (1-расм).

Қурилманинг ишлаш принципи қуйидагича: Маълум миқдордаги қуриштилаётган шולי 1-таъминловчи бункер ёрдамида 2-винтли транспортёр (шнек)га ўтади, сўнгра 3-нов орқали 4-қуриштиш барабанига киритилади. Шולי қуриштиш барабанига маълум миқдорда тўлдириб бўлинганидан сўнг, 1-таъминловчи бункердан дон бериш тўхтатилади ва 4-қуриштиш барабанидаги 5-созланувчи тиркиш очилади. Шолининг қуриган қисми 6-махсус нов (донни саралаш механизми) орқали 7-тайёр маҳсулот идишига, қуримаган қисми эса кейинги қуриштиш цикли учун қайта 2-шнекка тушади ва навбатдаги қуриштиш цикли давом этади. Шолини қуриштиш барабанидаги иссиқ ҳаво оқими ёрдамида амалга оширилади. Иссиқ ҳаво 8-кўзғалмас секцияда жойлашган 9-калорифер ёрдамида ҳосил қилинади ва 10-вентилятор ёрдамида қуриштиш барабанига киритилади. Қуриштиш барабани ва шнек радиал-тиргак подшипниклар билан таъминланган. Қуриштиш қурилмасини кўчма холга келтириш учун 17-тиркамага ўрнатилган.



1-расм. Шולי қуриштиш қурилмаси.



2-расм. А-махсус нов (саралаш механизми)нинг биринчи ҳолати, Б-махсус новнинг охириги ҳолати.

Бундан ташқари, қуриштиш жараёни қисман 2-шнекда, 3-новда ва 6-махсус новда ҳам вентиляция ҳисобига содир бўлади.

Қуриштилаётган шולי массасидан қуриган шолини ажратиб олиш 18-махсус нов (саралаш механизми) орқали амалга оширилади. Натижада қуриштиш барабанидаги шולי массаси камайиб боради ва Q -талаб қилинган иссиқлик миқдорини камайиши кузатилади. Бу боғлиқни қуйидаги ифодадан кўриш мумкин:

$$Q = c \cdot m \cdot (T_2 - T_1) \quad (1)$$


бу ерда, c - дон массасининг солиштирма иссиқлик сиғими, (ж/кг·°К)

m - дон массаси, (кг), $(T_2 - T_1)$ - температуралар фарқи, (°К)

(1) - формуладан кўриниб турибдики, донни қуриштишда талаб қилинадиган иссиқлик миқдори дон массасига тўғри пропорционал бўлар экан. Қуриштиш жараёнида қуриган донни ажратиш олиш дон массасининг камайишига олиб келади. Бу эса, талаб қилинадиган иссиқлик миқдорининг камайишига, яъни энергия сарфини камайишига олиб келади, бошқача қилиб айтганда энерготехкорликни оширади. 6-маҳсус нов (саралаш механизми) икки қисмдан иборат бўлиб, 18-тебранма ҳаракат қилувчи қисми ва 19-қўзғалмас қисми ўзаро 20-шарнир билан боғланган (2-расм). 6-маҳсус нов биринчи ҳолат (2-расм) дан охириги ҳолатга ўтганда 21-қуриштиш барабанидан тушаётган дон массаси (2-расм) икки қисмга: 22-чала қуриган дон маҳсулоти (нисбатан оғир) ва 23- тўла қуриган дон маҳсулоти (нисбатан енгил)га ажрайди.

Донни саралаш 24-вентилятор (3-расм) ёрдамида ҳосил қилинган ҳаво оқими ва 18-тебранма ҳаракат қилувчи қисми юритмаси (3-расм) орқали ҳосил қилинган куч эвазига эришилади.

Қуриштиш мосламаси 17-прицеп(тиркама)га ўрнатилган бўлиб (1-расм), асосан ер ёнғоқ, кунгабоқар ва шоли каби дон маҳсулотларини қуриштиш учун мўлжалланган. Маълумки, ҳозирда мамлакатимизда ҳар учта оилага иккита енгил автомашина тўғри келади. Бу эса



3-расм. Маҳсус нов тебранма ҳаракат қилувчи қисми юритмаси.

енгил автомобиллардан альтернатив энергия манбаи сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Масалан, МАТИЗ русумли автомашинанинг ички ёнув двигатели тирсакли валидаги қувват 49 о.к. (36,1кВт) ни ташкил этади. Шундай қилиб, бу автомашина ички ёнув двигатели генератор ёрдамида 2литр бензин ёки 2,5 литр суюлтирилган газ эвазига 30 кВт·соат электр энергиясини ҳосил қилиш қувватига эга. Бу қувват мазкур қурилманинг ишлаши учун етарлидан ортиқча ҳисобланади. Ҳосил қилинган, 50Гц частотали, 380 В кучланишли уч фазаси ўзгарувчан электр токидан фойдаланиб дон маҳсулотларини қуриштиш учун иссиқлик ҳосил қилинади, қуриштиш барабани ва шнекли транспортёр электродвигателлари ёрдамида ҳаракатлантирилади.

Мослама механизмларнинг ҳаракати ва қуриштиш жараёни енгил автомашина ички ёнув двигатели тирсакли валидан олинган ҳаракат эвазига генератор орқали ҳосил қилинган электрэнергияси ёрдамида амалга ошириш имкониятини яратади. Натижада донни қуриштиш ишларини фермер хўжаликларида исталган ҳудудида бажариш мумкин бўлади.

Қуриштиш қурилмасининг тажриба-синов намунаси тайёрланди ва қуйидаги кўринишида эга (4-расм). Қуриштиш қурилмасининг габарит ўлчамлари (2000x3000x2500) мм, умумий массаси 550 кг ни ташкил этди. Қурилма истеъмол қиладиган умумий қувват $N=4,5$ кВтни ташкил этди.

Дастлабки тажриба - синов натижалари олинди. Қурилма стационар ҳолда, 50Гц частотали, 380 В кучланишли электр токидан фойдаланиб 3 соат мобайнида танафуссиз дон киритилмасдан синаб кўрилди. Сўнгра, маҳаллий шароитда етиштирилган $W=10\%$ намликка эга бўлган “Аланга” навли шолдан 150 кг олинди ва 1 соат мобайнида $W=6\%$ намликкача қурилди. Шундай қилиб, қуриштиш қурилмасининг самарадорлигининг шолни қуриштишда дастлабки(биринчи) кўрсаткичи 150кг/соатни ташкил этди. Қурилманинг ишлаш пайтидаги асосий кўрсаткичлар 1-жадвалда келтирилган.



4-расм. Тайёрланган шоли қуриштиш қурилмаси.

1-жадвал (дастлабки натижалар)									
Қурилмадаги ишлатилган қувват, кВт	Ҳаво ҳарорати, °C	Атмосфера босими, мм.с.м.уст.	Ҳавонинг нисбий намлиги, %	Қуритиш барабани ичидаги ҳарорат, °C	Шоли массасининг ҳарорати, °C	Қуритишдан олдинги шולי массаси оғирлиги, кг	Қуритишдан кейинги шולי массаси оғирлиги, кг	Қуритиш учун сарфланган вақт, мин.	Қурилманинг самарадорлиги, кг/соат
4,5	32	714	35	45	30	150	144	60	150

Олинган дастлабки натижаларга кўра, мазкур қурилма энерготежамкорлик ва габарит ўлчами жиҳатидан мавжуд бўлган айрим қурилмалардан афзалликлари аниқланди (2-жадвал). Чунки, кичик миқдордаги 500-1000 кг донни қуритиш учун соатига катта қувват сарф қиладиган СМ-1 қурилмадан фойдаланиш иқтисодий томондан мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

2-жадвал (дастлабки натижалар)						
Қуритиш қурилма тури	Эл.энергия сарфи, кВт/соат	Дизель ёнилғиси сарфи, л/соат	Самарадорлиги, кг/соат	Донни қуритиш учун сарфланадиган маблағ, сўм/кг	Габарит ўлчамлари, мм	Қуритиш самарадорлигини ошириш заҳира қувватнинг мавжудлиги
СМ-1	32	80	5000	65	8600x3120x7600	Мавжуд эмас
Синов ўтказилган қурилма (дастлабки кўрсаткич-лар бўйича)	4,5	-	150	60	3000x1500x2000	Мавжуд

Таклиф қилинган қурилмада қуритилганда шולי массасининг айрим физик хусусиятлари яхшиланди ва энерготежамкорликка олиб келди [7].

Хулоса:

1. Таклиф қилинган қуритиш қурилмасида шolini қуритишдаги муҳим жиҳатларни инобатга олинган;
2. Қурилма конструкцияси содда ва Республикамиздаги хом-ашёлардан тайёрланиши мумкин;
3. Қурилма энерготежамкорликни ва самарадорликни ошириш учун донни саралаш механизми билан таъминланган;
4. Қурилмада дон массасининг циркуляцияси яхши таъминланган;

Адабиётлар

- [1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2017 й. ПҚ-3003-сон "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори
- [2] Подгорный С. А. Моделирование кинетики сушки, деформации и минимизация трещиноватости риса. Научный журнал КубГАУ, №103(09), 2014 года. с.127
- [3] Сушка риса <https://www.prosushka.ru/1968-sushka-risa.html>.
- [4] Srikiatden J., Roberts J. S. Moisture transfer in solid food materials: a review of mechanisms, models, and measurements. International Journal of Food Properties, 10, 2007. p.739-777
- [5] Khanali M., Rafiee Sh., Jafari A., Hashemabadi S.H. et al. Mathematical modeling of fluidized bed drying of rough rice (*Oryza sativa* L.) grain // Journal of Agricultural Technology. 2012. V. 8(3). p. 795-810.
- [6] Беккулов Б.Р., Алиев Р. Решение о приеме заявки к рассмотрению АИС Республики Узбекистан от 11.10.1017 №14949 (Заявка FAP № 20170050, 02.05.17)
- [7] Bekkulov B.R. Work out of the power effective design mobile grain-dryer installations. Bulletin of Science and Practice, (11). Russian-2017. p 80-86.

УДК 677.025

УМЕНЬШЕНИЕ МАТЕРИАЛОЁМКОСТИ ЗА СЧЕТ ВВЕДЕНИЯ В СТРУКТУРУ ДВУХСЛОЙНОГО ТРИКОТАЖА УТОЧНОЙ НИТИ

Т.К. Алламуратова, М.М. Мукимов, К.М. Холиков

¹Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности, uztextile@gmail.com,

²Наманганский инженерно-технологический институт, k.holiqov@mail.ru

(Получена 3.02.2018 г.)

Хом ашё сарфини камайтириш ва арқоқли ипни асос тўқимада мустаҳкам маҳкамлаш мақсадида икки қатламли трикотаж асосида арқоқли трикотажнинг тузилишлари ва олиш усули ишлаб чиқилган. Икки қатламли трикотажда арқоқ ипининг мавжудлиги трикотажнинг қалинлигини оширади ва ҳажмий зичлигини 8-12 % га камайтиради.

Таянч иборалар: икки қатламли трикотаж, арқоқ ипи, футерли ҳалқа, трикотаж тузилиши, хом ашё сарфи, ҳажмий зичлик.

С целью уменьшения расхода сырья, улучшения качества трикотажа за счет прочного закрепления уточной нити в грунте разработаны структуры и способ получения уточного трикотажа на базе двухслойного переплетения. Наличие в структуре двухслойного трикотажа уточной нити увеличивает его толщину и уменьшает объемную плотность трикотажа на 8-12 %.

Ключевые слова: двухслойный трикотаж, уточная нить, футерные наброски, структура трикотажа, расход сырья, объемная плотность.

In order to reduce the consumption of raw materials, improve the quality of knitwear due to the strong fixing of the inlay yarn in the ground stitch, structures and knitting way of inlay two-layer knitted fabric have been developed. The presence of an inlay yarn in the structure of a two-layer knitted fabric increases its thickness and reduces the volume density by 8-12%.

Keywords: two-layer knitted fabric, inlay yarn, fleecy loops, knitted structure, consumption of raw materials, volume density.

Развитие трикотажного производства обусловлено повышающимся с каждым днем спросом на трикотажные изделия. Это объясняется тем, что трикотажные изделия гигиеничны, внешне красивы, а так же имеют высокие эксплуатационные характеристики. Для потребителей регионов Центральной Азии особое значение имеют гигиенические свойства одежды.

Однако, сегодня ассортимент верхней одежды из трикотажа производимого на предприятиях республики, весьма ограничен. Для его расширения, а также улучшения качества выпускаемых трикотажных изделий необходимо использовать новые виды сырья, применять новые структуры и способы выработки трикотажа с улучшенными гигиеническими свойствами, высокой формоустойчивостью.

В связи с этим разработка технологии получения трикотажа, исследование параметров и свойств трикотаж, качественно выбирать структуры трикотажа для изготовления

трикотажных изделий в зависимости от функциональности, увеличение ассортимента и улучшение качества трикотажных изделий, применение местного сырья и снижение себестоимости продукции, расширение технологических возможностей трикотажных машин за счет совершенствования технологии получения новых видов трикотажа является важной научно-практической проблемой текстильной промышленности.

Трикотажем уточных переплетений называют трикотаж, в котором кроме основных нитей, образующих петли грунта, постоянно или периодически подаются одна или несколько дополнительных нитей без образования ими петель. Эти дополнительные нити располагаются или между передними и задними столбиками в двойных переплетениях или между остовами петель и протяжками в одинарных переплетениях.

Уточные нити, вязанные в грунт трикотажа, существенно изменяют его свойства, уменьшая степень распускаемости, растяжимости, закручиваемости с краёв трикотажа базового переплетения. Трикотаж с уточными нитями, ориентированными в направлении растяжения, малорастяжим: с продольными уточными нитями – по длине, с поперечными – по ширине.

В трикотаже только с продольным утком или поперечным утком, проложенным под протяжки нескольких петельных столбиков, уменьшается растяжимость и при деформациях в направлениях, не совпадающих с направлением прокладывания уточной нити или её отрезков.

В трикотаже уточные нити могут выполнять роль связывающих каркасных, узорных, бахромных и подкладочных нитей [1].


При выработке ластика с уточной нитью не встречается особых затруднений, так как в этом случае имеется две фонтуры и два ряда петель, между которыми прокладывается уточная нить. Последняя зарабатывается так же, как пруток при начале работы на фанговой машине [2].

Недостатком предложенного способа выработки уточного трикотажа на базе ластичного переплетения является то, что получаемый уточный трикотаж недостаточно высокого качества, со слабым закреплением уточной нити в грунте и уточная нить выступает на поверхности полотна, ухудшая внешний вид трикотажа.

Выработка уточного трикотажа на базе переплетения гладь более затруднительна и имеет свои особенности. Поэтому такой трикотаж вырабатывают только для специальных целей, например для изготовления ортопедических изделий. В этом случае в качестве уточной нити используют обмотанную нитью резинку, которая не уменьшает растяжимость трикотажа в ширину и в тоже время придаёт трикотажу большую упругость [3].

На рис. 1 показана схема получения трикотажа уточного переплетения с расположением протяжек на одной стороне полотна. Трикотаж вырабатывается на однофонтурной машине без дополнительных элементов на базе глади.

B – сепаратор кенглиги, м; B_m – қатор оралиғи кенглиги, м.

(5) ифода номограмма шаклида 3-расмда кўрсатилган. Бу номограмма орқали $n=2$; $\epsilon_m=1.40$; $V_m=1$ м/с; $\delta=1200$ кг/м² $h=0,22$ м қийматларини ўзгартирмаган ҳолда q_{np} Q_0 қийматларининг ҳар хил миқдорида элеваторнинг узунлиги қандай бўлишини топиш мумкин.

Ёки буни элеватор узунлигини дастлабки лемех билан қовлашиб элеваторга тушаётган тупроқ массаси орқали асосламоқчи бўлсак унда [2]:



3-расм. Эловчи сепараторнинг узунлигини $L=f(q_{np})$ функция кўринишида аниқлаш номограммаси.

$$\ell = \frac{(1-\epsilon)^{1-\ell} - \epsilon^{-\epsilon}}{aB(1-\epsilon)} \quad (6)$$

ифодадан фойдаланамиз.

Бу ифода орқали элеватор узунлигини тупроқнинг эланиш даражаси бўйича аниқлаш мумкин.

бунда: Q_{max} – дастлабки тупроқ миқдори (кг/с);

Q – элеватор бошланишидан охиригача бўлган ℓ масофада эланиб тушган тупроқ миқдори (кг/с);

B – сепаратор кенглиги, м;

α – дастлабки тупроқ массасининг эланиш тезлигини кўрсатувчи коэффициент;

ϵ – даража кўрсаткичи, дастлабки тупроқ миқдорига

ва ишчи қисмини қаерда жойлашишига боғлиқ.

Эланиш даражасини кўпгина тадқиқотчилар [2, 3] $\epsilon = \frac{Q_{max} - Q}{Q_{max}}$ кўринишида ифодалашади

унда (6)ни қуйидагича ёзиш мумкин :

$$\ell = \frac{(1-\epsilon)^{1-\ell} [1 - (1-\epsilon)^{1-\ell}]}{[aB(1-\epsilon)]}, \quad (7)$$

А.А. Сорокин [1] ва Н.Г. Байбобоев [2] тадқиқотлари натижалари асосида аниқланган коэффициентларининг сон қийматларини элеватор узунлиги формуласига(6) қуйсак:

$$\ell = \frac{2^{0,28}}{aB} [1 - (1-\epsilon)^{0,28}] \quad (8)$$

бўлади.

Биз таклиф қилаётган агрегат билан утказилган лаборатория – дала тажрибаларида лемех қовлаб элеваторга узатаётган масса $Q_{max} = 200$ кг/с барабангача эланиб бўладиган тупроқ массаси $Q_i = 130$ кг/с ни эланмасдан дала юзасига элеватор орқасидан тушган масса $Q_{cx} = 70$ кг/с га тенг бўлишини кўрсатди.

Олинган натижаларни (8) ифодага қуйиб элеватор узунлигини ҳисобласак $\ell = 1,785(200^{0,28} - 70^{0,28}) = 2,8$ бўлади. Юқорида бажарилган назарий тадқиқотлар тажриба-синов натижалари асосида ўз исботини топди.

Адабиётлар

- [1]. Сорокин А.А. Расчет почвасепарирующей поверхности картофелеуборочного комбайна /Механизация и электрификация, 1983. №1. – С.17-18.
- [2]. Байбобоев Н.Г.Обоснование схемы параметров двухрядного экспериментального образца машин для подготовки почвы. /Депонированные научные работы. – М.: ЦНИИТЭИ, Автосельмаш, 1992.
- [3]. Петров Г.Д. Картофелеуборочные машины М.: Машиностроение. 1984. –С 406.

АВТОМОБИЛЛАРНИ ОРҚА ҒИЛДИРАКЛАРИНИ ОЛД ҒИЛДИРАКЛАРИГА НИСБАТАН Х-СИМОН БУРИШ ОРҚАЛИ БОШҚАРИЛУВЧАНЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.С. Хусанжонов, Н.И. Отабоев

Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 16.03.2017 й.)

Ушбу мақолада автомобилларни орқа ғилдиракларини олд ғилдиракларига нисбатан Х-симон буриш орқали бошқарилувчанлигини такомиллаштириш тавсия этилган.

Таянч сўзлар: автомобиль, бошқарилувчанлик, олд ғилдирақлар, орқа ғилдирақлар, буриш.

В данной статье рекомендовано улучшение управляемости автомобиля с Х-образным вращением его задних колес относительно передних.

Ключевые слова: автомобиль, управляемость, задних колеса, передние колеса, вращение.

The improving of steerability of automobiles with rotation of X-type of his rear wheels relatively of front wheels is recommended in this article.

Keywords: automobile, steerability, rear wheels, front wheels, rotation.

Инсоният кашфиётчилигининг неъматини бўлган автомобил бугунги кунда барча соҳаларни ривожланишида ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳозирги вақтда ҳеч бир соҳа йўқ-ки, унда автомобил транспортидан фойдаланилмаса. Хусусан, йўловчилар ва юкларни ташиш ҳамда махсус ишларни бажаришда автомобиллардан фойдаланилади.

Автомобил - қуруқликда ҳаракатланувчи транспорт воситаси бўлиб, мустақил энергия манбаига эга бўлган двигател билан жиҳозланган ҳамда катта қулайликка ва ҳафсизликка эга бўлган ҳолда релсиз йўлларда юк ва одамларни ташиш учун мўлжалланган машинадир. Автомобилни бундай таърифлаш уни бошқа транспорт воситаларидан ажратиб туради. Ҳозирги автомобилнинг пайдо бўлиши оддий тегирмон ғилдирагидан то инсон мускулидан ҳаракатга келувчи ўзиюлар аравачагача бўлган жуда узок йўлни босиб ўтди.

Бизга маълумки, 1993-йилнинг мартда «ЎзДЕУавто» Ўзбек-Жанубий Корея қўшма корхонаси ташкил этилган бўлиб, 3 йил ўтиб, 1996-йилнинг 19-июлида Асакадаги автомобил заводининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Асакадаги автомобил заводининг аҳил ва профессионал ишчилардан иборат жамоаси илк ва улкан қадамни ташлади ва 1996-йилда бир йўла 3 турдаги – «Дамас», «Нексия», «Тико» автомобилларининг линияга туширилиши амалга оширилди. Бундан ташқари, ушбу моделлар 7 та модефикацияда ишлаб чиқарилди.

Бошқарилувчанлик - транспорт воситасининг ўртача ва энг катта тезликда ҳавф-хатарсиз ҳаракатланиши таъминлаган ҳолда рул бошқармаси ва ҳайдовчи хоҳиши билан автомобилни ҳаракат йўналишини ўзгартирадиган хусусиятидир.


Бошқарилувчанлик ўлчамларига: бурилиш радиуси, ўнг ва чап олдинги ғилдиракларининг бурилиш бурчаклари, олдинги ва кейинги кўприкларининг сирпаниш бурчаклари, бурилиш марказининг жойланиши, автомобил базаси, олдинги ва орқа кўприк ўлчамлари киради.

Транспорт воситаси яхши бошқарилиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

- олдинги ғилдирақлар ёнига сирпанмасдан ҳаракатланиши лозим;

- рул юритмаси бошқарилувчи ғилдирақларнинг бурилиш бурчаклари ўртасида тўғри боғланишни амалга ошириши лозим;

- бошқарилувчи ғилдирақларнинг турғунлиги яхши бўлиши ва уларнинг ихтиёрий тебраниши бўлмаслиги керак;



1-расм. Олдинги ғилдирақлари бошқарилувчи бўлган автомобил-нинг бурилиш схемаси.

- йўлдан ғилдиракка, ғилдиракдан ҳайдовчига таъсир этувчи туртки куч оз бўлиши лозим;

- рул чамбаригининг энг қулай айланиш бурчагида олдинги бошқарилувчи ғилдираклар энг қулай бурчакка бурилиши лозим.

Автомобил ҳаракатига тегишли параметрларини кераклигича ўзгартиришга қаратилган барча ҳаракатлар тўпламини автомобилни бошқариш жараёни деб атаймиз. Бу эса автомобилда рул чамбараги орқали амалга оширилади [1].

Автомобилни ҳаракат йўналишини ўзгартириш учун бошқарилувчи ғилдиракларни, унинг бўйлама ўқига нисбатан буриш натижасида амалга оширилади.

Бошқарувчи ғилдираклар бурилганда автомобил бўйлама ўқига нисбатан параллел бўлган тезлик векторлари йўналиши, ғилдиракларнинг айланиш текислигига мос тушмай қолади. Натижада, ғилдирак билан йўл орасида айланиш текислигига нисбатан перпендикуляр ёнаки куч бошқарувчи ғилдиракларни, шунингдек, автомобилни тўғри чизикли ҳаракат йўналишидан четга чиқишга, яъни автомобилни бурилишга мажбур қилади.

Ҳозирги пайтда асосан олд ғилдираклари бошқарилувчи бўлган автомобиллар кенг қўлланилмоқда. Қуйидаги расмда олдинги ўқ қўзғалмас бўлиб, бошқарилувчи ғилдиракалари бурилувчи автомобил схемаси келтирилган.

Автомобилнинг олдинги бошқарилувчи ғилдираклари бурилишида сирпанмасдан ғилдираши учун унинг ички ва ташқи ғилдираклари турлича бучакларга бурилиши лозим, яъни ички ғилдиракнинг бурилиш бурчаги θ_i , ташқи ғилдиракнинг бурилиш бурчаги θ_t дан катта бўлиши лозим. Бу бурчаклар орасидаги боғланишни қуйидаги ифода орқали аниқлаш мумкин.

$$\text{Ctg}\theta_t = \text{Ctg}\theta_i + \frac{B}{L}$$

Бу ифодада: B – бурилиш сапфаларининг ўқлари орасидаги масофа (коллея), L – Автомобил базаси

Ғилдиракларнинг бурилиш бурчаклари орасидаги боғланишни турли хил боғловчи механизмлар орқали амалга оширилади. Бундай механизмларга занжирли узатма, кулисали узатма, ползунлар, эллиптик юлдузча ёки шарнирли тўртбурчак – трапеция механизмлари киради.

Автомобилларда кўпроқ шарнирли тўртбурчак – трапеция механизми нисбатан кенг қўлланилади. Рул трапецияси бошқарувчи ғилдиракларни бир вақтда турли бурчакларга буради.

Автомобилни бурилиши, яъни маълум кенгликдаги йўлда аниқ тизим асосида бурила олиш қобилиятини билдирувчи техник кўрсаткичлардан бири бу унинг энг кичик бурилиш радиуси ҳисобланади.

Автомобилларнинг бурилиш радиуслари қанча кичик бўлса, унда унинг эни нисбатан кичикроқ бўлган йўлларда ҳам бурила олиш қобилияти шунча яхши бўлади.


$$R_{t_{\min}} = \frac{L}{\sin\theta_{t_{\max}}}$$

Бу ерда: $R_{t_{\min}}$ - ташқи ғилдиракнинг энг кичик бурилиш радиуси,

L – автомобил базаси, $\sin\theta_{t_{\max}}$ - ташқи ғилдиракнинг энг катта бурилиш бурчаги

Кўпчилик автомобилларда ташқи ғилдиракларнинг энг юқори бурилиш бучаги 30° дан кўпроқ ва энг кичик бурилиш радиуси эса автомобилнинг базаси (L) дан икки маротаба каттароқ бўлади [2].

Кучайтирилган ва юқори ўтувчанликка эга бўлган автомобилларнинг бурилиш радиусларини камайитириш учун бошқарилувчи ғилдиракларнинг бурилиш бурчакларини 40° - 45° гача буриш мумкин [3].



2-расм. Орқа ғилдираклар олдинги ғилдиракларига нисбатан Х-симон ҳолда бошқарилувчи бўлган автомобилнинг бурилиш схемаси.

Маневрчанликни ошириш мақсадида автомобилларнинг ҳам олдинги, ҳам орқа ғилдиракларини буриладиган қилиб ишлаш мумкин.

Бунда унинг энг кичик радиусини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$R_{t_{\min}} = \frac{L}{2 \times \sin \theta_{t_{\max}}}$$

Формуладан кўриниб турибдики, бир хил базали автомобиллардан бирини ҳам олди ғилдираклари, ҳам орқа ғилдираклари бошқарилувчи қилиб ишланганда бу автомобилнинг бурилиш радиуси икки марта қисқаради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, автомобилларни ҳаракатланишида ҳаракат хавфсизлигини албатта ҳисобга олиш зарур. Чунки, автомобил тезлик билан ҳаракатланганда ва ўткир бурчак остида бурилганда ёки қайрилганда унинг ғилдиракларига таъсир этувчи ёнаки куч ва автомобилнинг массаси ҳамда тезлигига боғлиқ бўлган инерция кучи, шунингдек, марказдан қочма куч автомобилни ағдариб юбориши мумкин. Бу муаммони ҳал этишда биз автомобил ғилдиракларини вертикал текисликдан оғиш бурчакларини катталаштириш орқали эришмоқчимиз. Бу усулни қўллаганимизда автомобил бурилганда унинг ғилдираклари вертикал текисликдан оддий автомобилларга нисбатан маълум даражада каттароқ бурчакка оғиши туфайли автомобилни бурилайётган тарафга пасайтириб, иложи борица масса улушини тенг тақсимлаш эвазига марказдан қочма кучни компенсациялаш мумкин деб фараз қилишимизга имкон яралади. Бу билан биз автомобилни ағдарилиб кетишини олдини олиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашимиз мумкин.

Бундан ташқари автомобилда “Орқа ғилдираклар бурилиш режими” ёкилганини кўрсатувчи индикаторни ускуналар панелидаги таблода жойлаштириш билан ҳайдовчини огоҳлантириш мумкин.

Хулоса. Бу назарий изланишлар авваламбор, автомобилда ҳаракатланиш хавфсизлигини ошириш, уни эксплуатацион хусусиятларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, Ўзбекистоннинг ҳозирги ва яқин истиқболдаги автомобилсозлик саноатига оз бўлсада ҳисса қўшади деган умиддамиз. Бу борадаги изланишлар давом эттирилиб, худди шундай яна янги инновациялар ривожига имкониятлар яратилмоқда.

Адабиётлар

- [1]. Лысов М.И. Рулевые управления автомобилей. М., 1972. 165-бет.
- [2]. Михайловский Е.В. и др. Устройство автомобиля. М., 1981. 112-бет.
- [3]. Маматов Х.М. Автомобиллар конструкцияси асослари 1-қисм. Т., 1995. 158-бет.

БАРБОТАЖЛИ ЭКСТРАКТОРНИНГ ГАЗ ТАҚСИМЛОВЧИ ТЕШИКЛАР ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

И.Т. Каримов

Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 10.10.2017 й.)

Мақолада экстракторнинг аралаштириш зоналарига газ тақсимловчи тешиклар ўлчамларини тажрибавий аниқлаш учун ўтказилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Таянч сўзлар: тўрт хлорли углерод, бензол, аралаштириш зоналари, тешик диаметрлари, газ тезлиги, газ ёстиги.


В статье представлен анализ экспериментальных исследований для определения диаметра газораспределительных отверстий смесительной зоны экстрактора

Ключевые слова: четырёх хлористый углерод, бензол, диаметр отверстия, скорость газа, газовая подушка.

The article presents an analysis of experimental studies for determining the diameter of the gas distribution holes of the mixing zone of the extractor

Keywords: four chlorides carbon, benzol, hole diameter, gas velocity, gas blanket.

Суюқликларни интенсив режимда аралаштирувчи барботажли экстракторнинг афзаллиги, иккита яъни ички ва ташқи аралаштириш зоналарининг мавжудлиги бўлиб, иккита қўшилмайдиган суюқликлар ички аралаштириш зонасида аралаштирилиб, ташқи аралаштириш зонасига ўтади ва яна қўшимча аралаштирилади. Бу зоналарга инерт газ алоҳида алоҳида тешиклар ёрдамида узатилади [1]. Аппаратнинг газ тақсимлаш қисмидан бу зоналарга газни тенг тақсимланишида тешиклар ўлчамлари тўғри танланиши керак. Шу мақсадда экстракторнинг ички ва ташқи аралаштириш зоналарига газ узатувчи тешиклар ўлчамларини аниқлаш учун назарий тадқиқотлар асосида ҳисоблаш тенгламаси тавсия этилган [2].



1-расм. Лаборатория курилмасининг умумий кўриниши.

билан аралашмаси олинди. Бу суюқликларни зичликлари ареометр ёрдамида, қовушқоқликлари эса Стокс усули билан аниқланди.


Аппаратнинг ички барботаж патрубкисига газ узатувчи $d=1,5$ мм ўлчамли тешигидан газ берилган ҳолда газ миқдорларини аниқлашга қаратилган тажрибаларга суянган ҳолда [4] аппаратнинг газ тақсимловчи элементига $h^*=30; 40; 50$ мм баландликлардаги газ ёстигининг қийматлари ўрнатилиб [3], тажрибалар олиб борилди. Шу газ ёстиқлари орқали ички аралаштириш зонасига $w_c^u=0,021; 0,081; 0,141$ м/сек, ташқи аралаштириш зонасига эса $w_c^T=0,014; 0,05; 0,087$ м/сек тезликларда суюқлик берилди. Ташқи аралаштириш зонасига газ узатувчи қувурчаларнинг $H_1=315; 240; 165$ мм баландликларга мос келувчи $0,6, 0,8, 1,0$ мм диаметрли тешиклар кетма-кет очилиб, диаметрлар нисбати N нинг тажрибавий қийматлари аниқланди. (2-расм)

$$\frac{\rho g (1 - \phi_1) H}{\rho g (1 - \phi_0) H_0} = \frac{d_1}{d_0} = N \quad (1)$$

Тенгламадан кўриниб турибдики тешик диаметрлари нисбати N аппаратнинг аралаштириш зоналарига газ узатувчи тешиклар марказларидан суюқлик устуни баландликлари H_0 ва H га, газ миқдорлари ϕ_0 ва ϕ_1 ларнинг қийматларига боғлиқ равишда ўзгаради. (2-расм). Аппаратнинг аралаштириш зоналаридаги газ миқдорларини турли режимлардаги қийматлари биз томонимиздан олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар натижасида аниқланган [3].

Бу тенгламани текшириш учун аппаратнинг лаборатория моделида тажрибавий тадқиқотлар олиб борилди. (1-расм) Тажрибаларни қуйидаги кетма – кетликда ўтказилди.

Экстракторга берилаётган енгил суюқлик сифатида сув, оғир суюқлик сифатида эса тўрт хлорли углероднинг бензол



2-расм. Аппаратнинг аралаштириш зонаси схемаси. Ички аралаштириш зонасига газ узатувчи тешик ўлчами. Ташқи аралаштириш зонасига газ узатувчи тешик ўлчами.

Тажирибалардан олинган натижаларга дастур тузилди ва ЭХМ ёрдамида қайта ишланиб, тешиклар орасидаги масофанинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда диаметрлар нисбатини ўзгаришини аниқловчи регрессия тенгламалари олинди. Аниқланган регрессия тенгламалари куйидагича.

Ички ва ташқи аралаштириш зоналаридаги суюқлик тезликларининг қийматлари

$$w_c' = 0,021 \text{ м/сек}, \quad w_c'' = 0,014 \text{ м/сек бўлганда} \quad (2)$$

$$y_{2N} = 0,9162 - 0,0013x$$

$$w_c' = 0,081 \text{ м/сек}, \quad w_c'' = 0,05 \text{ м/сек бўлганда} \quad (3)$$


$$y_{2N} = 0,842 - 0,001266x$$

$$w_c' = 0,14 \text{ м/сек}, \quad w_c'' = 0,087 \text{ м/сек бўлганда} \quad (4)$$

$$y_{3N} = 0,767 - 0,0012x$$

Бу ерда x - тешиклар орасидаги масофа (м).

Бу регрессия тенгламалари орқали аниқланган диаметрлар нисбатини, тешиклар



3-расм. Тешиклар орасидаги масофанинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда диаметрлар нисбатини ўзгариши (таққословчи график).

орасидаги масофанинг ўзгаришига боғлиқ бўлган графиклари $N_{1,2,3}=f(H_1)$ қурилди. Газ микдорлари ϕ_0 ва ϕ_1 ларнинг назарий қийматларига таяниб, диаметрлар нисбатининг назарий қийматлари топилди. Тажирибавий қийматлар билан таққосланди. (3-расм).

Ўтказилган тажирибалар 1-тенгламани тўла тасдиқлади. Назарий ва тажирибавий қийматлар орасидаги максимал хатолик $\Delta = 7,7\%$ ни ташкил этди.

1; 1' - $w_c' = 0,021$; $w_c'' = 0,014$ м/с.

2; 2' - $w_c' = 0,082$; $w_c'' = 0,05$ м/с.

3; 3' - $w_c' = 0,14$; $w_c'' = 0,087$ м/с.

Олиб борилган назарий ва тажирибавий тадқиқотлар натижасида аппаратнинг ички ва ташқи аралаштириш зоналарига газ узатувчи тешиклар орасидаги масофанинг турли қийматларига боғлиқ

ҳолда уларнинг ўлчамларини аниқлаш учун имконият яратилди. Аппаратни лойиҳалаш жараёнида бу ўлчамларнинг қиймати асосий ўринни эгаллайди.

Адабиётлар

- [1] Алиматов Б.А., Соколов В.Н., Саъдуллаев Х.М., Каримов И.Т. Многоступенчатый барботажный экстрактор. А.С. №160785(СССР)ВИН№43,1990.
- [2] Каримов И.Т., Барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналарига газ тақсимловчи тешик ўлчамларини аниқлаш усули. Фарғона политехника институти. Илмий техника журнали. Фарғона, 2018. № 1. 202-205 б.
- [3] Каримов И.Т., Алиматов Б.А., Тожиев Р.Ж. Гидродинамика барботажного экстрактора // Науч.-техн. журн. Ферг. политехн. ин-та. Фергана, 2000. №3/4. С. 93-95.
- [4] Алиматов Б.А., Каримов И.Т., Соколов В.Н. Экспериментальное исследование газосодержания в смесительных элементах барботажного экстрактора // НТЖ.ФерПИ. Фергана, 2001. № 1.С. 75-78.

ПАХТА ЧИГИТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

А.А. Обидов, М.Э. Кабулов, Г. Хасанова

Наманган муҳандислик-технология институти
(Қабул қилинди 13.02.2017 й.)

Мақолада пахта чигитларини қайта ишлашда эътиборга олиш лозим бўлган хоссалари тадқиқ қилинди. Натижада чигитларни оғирлиги бўйича саралаш имконияти асосланди.

Таянч сўзлар. Пахта чигити, толадорлик, мустаҳкамлик, тола, регенератор, етилганлик, чигит оғирлиги, пластинка, механика қонуни, летучка, линт

В статье исследованы свойства хлопковых семян влияющих в процессе переработки. В результате обосновано возможность сортировки семян по их весу.

Ключевые слова: хлопковые семена, опущенность, прочность, волокно, регенератор, зрелость, вес семян, пластинка, закон механики, летучка, линт


The properties of cotton seeds influencing during processing are given in this article. As a result a reasonable opportunity to sort seeds on their weight is established.

Keywords: cotton seeds, omission, toughness, fiber, regenerator, ripe, seed weight, the plate, the law of mechanics, briefing, lint.

Алоҳида чигит ва чигитли масса алоҳида бир қатор, уларни қайта ишлашда технологик жараёни бориши, ташиш ва саклашга таъсир кўрсатувчи хоссаларга эга бўлиб, улар технологик хоссалар ҳисобланади. Ушбу хоссаларнинг асосий қисми физик-механик хоссаларга эга бўлиб, улар биологик характерга эга бўлган омиллар билан аниқланади, бунга уларни етилганлик даражаси технологик жаранни турли ҳолларда боришига таъсир кўрсатади. Шунга асосланган ҳолда уларни шартли равишда физик-механик, механик-технологик ва технологик турларига бўлиш мумкин. Бу ҳолда кўпчилик ҳолларда бир чигитнинг ўша физик-механик хоссалари ва чигит массаси сифат томонидан анча фарқланади. Бундан ташқари илмий тадқиқот институтлари ва ўқув юртларидан фарқли ўлароқ пахта тозалаш саноати корхоналарида ностандарт ўлчов бирликларини қўллаш давом этмоқда.

Чигитнинг физик-механик хоссаларига, унинг шакли ва ўлчамлари, зичлиги ва чигит оғирлиги, чигит ва чигитли массанинг нисбий тортиш кучини (нисбий оғирлиги) олиш мумкин. Эгилувчанлик хоссаларига, қатламнинг қаттиқлиги ва чигитнинг мустаҳкамлигини олиш мумкин.

Чигит ва чигитли массанинг физик-механик характерга эга бўлган бир қатор хоссалари алоҳида таъсир ўтказибгина қолмай, қатор технологик жараёнларнинг кечишида ҳал қилувчи роль ўйнайди, шунинг учун уларни чигит ва чигитли массанинг механик-технологик хоссалари деб аташ мумкин. Уларга: чигитнинг эгилувчанлик



1-расм. Жинланган чигитларнинг ўлчамларини аниқлаш учун қурилманинг схемаси.

хоссалари ва мустаҳкамлиги, чигит ва чигитли массанинг фрикцион хоссалари ва ниҳоят технологик жараён ва унинг натижаларини характерловчи бир қатор хоссалари киради. Уларга чигитларнинг қолдиқ толадорлиги ва уларнинг шикастланганлик даражасини олиш мумкин ва уларни чигит ҳамда чигитли массанинг технологик хоссалари деб атаймиз.

Мақолада чигитнинг шаклини эллипсоид кўринишида олинди [1]. Юқорида келтирилган тенглаштиришлар чигитнинг характеристикаларини йўқотилишига олиб келади, ҳусусан, жинланган чигитлар – чигит тўғрисида аниқ бир амалий тасаввурнинг мавжуд эмаслигидир. Шунинг учун, жинлашдан сўнг регенератордан ажралаётган фракцияларни визуал кузатишда, уларнинг ичида чигитларнинг маълум бир қисми 25 – 33 мм узунликка эга бўлган тола билан чиқаётганини ва линтерлашга узатилаётганлиги кузатилади. Уларни летучка деб ҳам чигит деб ҳам аташ нотўғри бўлади.

Шунга асосан юзасида маълум бир миқдордаги узун толага эга бўлган чигитларга ишчи органлар билан бирикишни шартларига бўйсунадиган характеристикалар бўлиши керак. Бундай тушунчага биз вибросаралашнинг турли юзасида чигитларнинг ҳаракати қонуниятларини ўрганиш натижасида келдик.

Турли толадорликка эга бўлган чигитларнинг ўлчамларини аниқлаш учун махсус услуб ва курилма ишлаб чиқилди. Ушбу параметрни ўлчаш учун махсус проектор қўлланди. Ушбу проекторнинг схемаси 1-расмда келтирилган. Курилма корпус 1, харакатли платформа 2, кронштейн 4 да маҳкамланган нур йўналтиргич 3 ва тарировка қилувчи пластиналардан ташкил топган. Ўлчамларни ўлчашни кўпкаррали юзаларда амалга оширилди, бунинг учун жинланиб, линтерланиб ва тўлиқ толасизлантирилган 200 дона ўрта ва ингичка толали пахта навларининг чигитлари танлаб олинди [2].


Тадқиқотнинг натижалари 1-жадвалда умумлашган ҳолда келтирилган.

1-жадвал

Кўп тарқалган пахта навларининг ўлчам характеристикалари

№ тр	селекция навлари	Жинланган чигитлар			
		узуңлиги (D_l) мм	диаметри (D_l) мм	100 донанинг оғирлиги, г	толадорлиги, %
1	С-6524	8,0 – 12,25	5,5 – 8,75	138,2	14,2
2	Наманган77	7,25 – 12,30	5,6 – 9,0	125,8	14,9
3	Бухара-6	8,0 – 12,1	6,1 – 8,4	126,8	14,2
4	Оқдарё	8,1 – 10,2	5,1 – 6,8	117,3	14,3
5	Омад	8,1 – 9,8	4,5 – 5,3	108,1	14,2
6	9853-И	8,2 – 9,6	5,2 – 5,8	125,25	14,4

Чигитларнинг шакл ва ўлчам характеристикаларига асосан чигитнинг оғирлик марказини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилди, масалан, халаза ёки микропилда. Ҳисобларни бажариш учун чигитларни учта шаклларни (кесик конус ва 2та ярим сфералар) бириктиридан ҳосил бўлган деб қараш таклиф этилади.



2-расм. Жинланган (а) ва ҳисобий (б) чигитларнинг схемаси.

Механика конунларини қўллаб чигитларнинг оғирлик марказини унинг ташкил этувчилари бўйича аниқлаймиз. Бунда D_l/D – қўрилаётган турли навлар учун ўртача 1,4 га тенг. У ҳолда конуснинг баландлиги $1,3R$ га тенг бўлади (2-расм). Кесик конус оғирлик марказининг координаталари $Z_k=4H/9$ бўлади, яримсфера оғирлик марказининг координаталари Z_{nc1} ва Z_{nc2} лар $Z_{nc1}=32/8$, $Z_{nc2}=H+32/8$ га, тола калавасининг оғирлик маркази координаталари эса $Z_b=l/2+H+2$ тенг бўлади, бу ерда $R=2r$.

$$Z_c = \frac{Z_{nc1} \cdot V_{nc1} + Z_k V_k + Z_{nc2} V_{nc2}}{V_{nc1} + V_k + V_{nc2}} \quad (1)$$

$V_c = V_{nc1} + V_k + V_{nc2}$ бўлганида кесик конус

ва яримсферанинг хажмини чигит хажми бўйича аниқлаймиз:

$$V_k = \pi/3(R^2 + r^2 - rR); \quad V_{nc2} = 2\pi R^3/3; \quad V_{nc1} = 2\pi r^3/3;$$

У ҳолда

$$Z_c = \frac{\frac{3}{4}R \cdot \frac{2}{3}\pi R^3 + \frac{H}{3} \cdot \frac{2R}{r+R} \cdot \frac{\pi H}{3}(R^2 + r^2 - rR) + \left(H + \frac{3}{8}r\right) \frac{2}{3}\pi r^3}{\frac{2}{3}\pi R^3 + \frac{\pi H}{3}(R^2 + r^2 - rR) + \frac{2}{3}\pi r^3} \quad (2)$$

Худди шу усул билан халазада толага эга бўлган чигитнинг оғирлик марказини аниқлаймиз:

$$Zx_c = \frac{Z_b \cdot m_b + Z_c \cdot m_c}{m_b + m_c} \quad (3)$$

(3) формуладан кўриниб турибди-ки, $Zx_c > Zn_c$, бунда $Z_b \cdot m_b$ нинг қиймати қанча катта бўлса Zx_c нинг қиймати шунча катта бўлади.

Масалан, ўрта толали пахта учун $l=31-33$ мм қабул қилинган бўлса, у ҳолда қабул қилинган H бўйича Z_b аниқланади ва $Z_b=16,5+1,3R$ бўлади.

Толали чигитлар учун уни эркин ҳолатда бурилишини таъминлайдиган тешик диаметрини аниқлаймиз. 2-расмдаги пропорция масаласини ечишда ва Zx_c нинг олинган қийматлари асосида симметрия ўқининг оғиш бурчаги $1,10D$ ни ҳисобга олган ҳолда тешикнинг диаметрини аниқлаймиз.

Чигит-летучка шартини аниқ бўлиниши етарли деб ҳисоблаймиз, бунда толали чигит тешикнинг аниқланган диаметрига сиғмаслиги керак. Бунинг учун чигитнинг марказини тола томонга силжитиш етарли бўлади. Қабул қилинган бундай чеклашлар ўлчаш тизими учун етарли эканлигини билдиради. У ҳолда Zx_c нинг қийматини (3) формула билан аниқлаб, тола оғирлигини аниқланади.

Масалан, агар чигит летучкаси оғирлигини 0,14 грамм, летука оғирлиги 0,2 грамм, чигит радиуси (R) 3 мм қабул қилинса, у ҳолда m_b нинг қиймати $m_b=0,0032$ грамм бўлади. Бу толали летучка оғирлигининг 5% ини ташкил этади. Шундай қилиб пахта чигитларини улардаги толани миқдориға қараб назорат қилиш мумкин бўлади, бунда унинг миқдори 5% дан кам бўлиб тола чигитни тешикка нисбатан йўналишини ўзгартира олмайди, 5% дан юқори бўлганида чигитлар тешикка нисбатан ўзини летучка каби тутиб, улаор устидан эркин ўтиб кетади. Солиштириш методикаси бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг олинган тажриба маълумотлари диаметри 0,5 мм қадам билан ортиб боровчи тешикларда чигит ва летучкаларга ажралишини тасдиқладилар. Хусусан, тажрибаларни кўп маротаба қайтарилиши натижасида оғирлиги 0,0040 граммдан юқори бўлган толали чигит худди шундай, лекин оғирлиги кичик бўлган чигитга нисбатан битта тешик масофаға узокроққа ҳаракатланди. Толанинг оғирлигини 0,0060 граммгача ошириш летучкаларни иккита тешикдан ўтиб кетишиға олиб келди (яъни диаметр 1 мм.ға ортади). Чигитни оғирлигини $m_b=0,0030$ кичик қийматга пасайтириш толасиз чигитлар каби худди шу тешикка тушиб кетишиға олиб келди. Шундай қилиб толали чигитларни уларни оғирлиги бўйича саралаш мумкинлиги тасдиқланди.

Адабиётлар

- [1] Ахмедходжаев Х.Т., Бойтураев У.Г., Таджибаев М.А. Вероятность выхода семян из джина с различной степенью опушенности. – Т.: 1993. – 29 с. – Деп. в УзНИИНТИ №1451-Уз.
- [2] Обидов А.А. Жинланган чигитларни тозалаш ва саралаш технологиясини такомиллаштириш. Фан номзодлик дисс. – Т.: ТТЕСИ 2007.

СУШКА ТОНКОДИСПЕРСНЫХ МАТЕРИАЛОВ В БЕЗУНОСНОЙ РОТОРНО-БАРАБАННОМ АППАРАТЕ

Р.Ж. Тожиев, А.А. Ахунбаев, Р.Х. Миршарипов

Ферганский политехнический институт
(Получена 07.04.2017 г.)

Мақолада кимё ва турдош корхоналарнинг майдадисперс материалларини контакт усулда атроф мухитни ифлослантirmасдан қуритиш усулининг технологияси ва ускунасининг тузилиши тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: контакт қуритиш, майдадисперс материаллар, ротор барабанли аппарат.

В статье рассматриваются вопросы экологически чистой сушки тонкодисперсных материалов химической и смежных отраслей промышленности. Разработана аппаратурное оформление и технология сушки тонкодисперсных материалов.

Ключевые слова: контактная сушка, тонкодисперсные материалы, роторно-барабанный аппарат.

The issues of ecologically clean drying of fine dispersed materials chemical and allied industries are considered. The equipment design and technology of drying fine-dispersed materials had been prepared.

Keywords: contact drying, finely dispersed materials, rotary-drum apparatus.

Сушку влажных дисперсных материалов осуществляют обычно в конвективных сушилках взвешенного слоя. При необходимости сушки влажных тонкодисперсных материалов, имеющих размеры частицы 5-50 мкм. Такой метод сушки оказывается не всегда эффективным. Причиной тому является то, что часть продукта уносится отходящими газами и загрязняет окружающую среду[1]. Вследствие этого, появляется необходимость очистки вторичного воздуха. При этом методе необходимо достаточно громоздкое оборудование для пылеулавливания, поскольку требуется несколько ступеней очистки. Особо нежелательна конвективная сушка, для малотоннажных производств, с широким ассортиментом выпускаемой продукции, в ряде случаев имеющей экологически вредные компоненты, потери которых влияют на экологическую обстановку, особенно при сушке токсичных материалов[2]. К числу таких производств можно отнести ряд предприятий "малой" химии, красителей, для которых требуется достаточно частая смена ассортимента и следовательно, более тщательная очистка оборудования от предшествующего продукта[3].

В таких случаях следует, использовать без уносные сушилки контактного типа, например, роторно-барабанные. Такого типа сушилки были разработаны в ряде стран, но насколько нам известно, в промышленности они широко не применяются.

На основании приведенных выводов целесообразно исследовать процесс сушки агрессивных, экологически вредных тонкодисперсных материалов в аппаратах такого типа, поскольку появилась необходимость их использования в производстве.




Рис. 1. Схема экспериментальной установки:

1 – корпус; 2 – ротор; 3 – лопатки; 4 – штуцер для подачи индикатора; 5 – шнековый питатель; 6 – штуцер вторичного пара; 7 – выгрузной порог; 8 – выгрузной штуцер.

Исследования были проведены с рядом тонкодисперсных материалов (менее 20 мкм) - для глубокой сушки (до 0,01%) фенилона С2 (пресспорошков), для сушки высоко влажного нитрата натрия и других тонкодисперсных материалов.

Аппарат (Рис.1) представляет собой неподвижный горизонтальный обогреваемый барабан ($D=180$ мм, $L=300$ мм), внутри которого расположен вращающийся ротор с лопатками; лопатками материал

отбрасывается к периферии, где образуется движущийся перемешиваемый слой, контактирующий с нагретой стенкой. Сушка материала происходит в слое, максимальная толщина которого, а, следовательно, и время пребывания частиц в аппарате, определяется величиной зазора между корпусом и лопатками (толщина слоя может быть и меньше).

При вращении ротора лопатками материал отбрасывается к периферии, где образуется движущийся перемешиваемый слой, контактирующий с нагретой стенкой. Сушка материала происходит в слое, максимальная толщина которого, а следовательно, и время пребывания частиц в аппарате, определяется величиной зазора между корпусом и лопатками (толщина слоя может быть и меньше).

Необходимый тепловой поток поддерживался постоянным или регулировался, при необходимости поддержания постоянной температуры стенки регулятором напряжения. Вторичный пар с небольшим количеством неконденсирующихся газов выводился из аппарата по его оси и конденсировался в теплообменнике, поэтому исключались потери продукта и загрязнение окружающей среды.

Кинетика сушки исследовалась в периодическом и непрерывном процессах (периодически отбирались пробы материала). Измерялась температура материала в слое, а также температура внутренней поверхности стенки барабана. На основе экспериментов были

получены кинетические кривые изменения влажности и температуры высушиваемого материала в периодическом процессе при различных числах оборотов ротора. Анализ данных показал, что с увеличением скорости вращения ротора, интенсивность сушки увеличивается, и температура материала к концу процесса приближается к температуре греющей поверхности.

Изучалось также влияние числа оборотов на коэффициент теплоотдачи при различной исходной влажности материала. С увеличением исходной влажности, существенно увеличивается коэффициент теплоотдачи и достигает больших значений - порядка $500 \text{ Вт/м}^2\text{К}$, но существенно падает при снижении влажности (менее $200 \text{ Вт/м}^2\text{К}$). Представлялось интересным выявить изменение коэффициента теплоотдачи по периметру барабана. Опыты велись с сухим материалом и локальные значения коэффициента теплоотдачи измерялись термисторным датчиком. Коэффициент теплоотдачи измеряли в 8 точках по внутреннему периметру барабана. Данные экспериментов показали, что при малых числах оборотов ротора, коэффициент теплоотдачи низкий, что объясняется плохим перемешиванием слоя, а в верхней части барабана имеет место отрыв частиц, так как при данных числах оборотов ротора центробежные силы малы по сравнению с гравитационными силами. В силу этого профиль коэффициента теплообмена неравномерен по периметру барабана. При дальнейшем увеличении угловой скорости ротора происходит увеличение коэффициента теплоотдачи, так как улучшается перемешивание частиц и число их контактов с горячей поверхностью растет, при этом также возрастают центробежные силы. С увеличением угловой скорости ротора отношение центробежной силы к силе тяжести быстро растет. Это приводит к равномерному распределению материала в зазоре по его периметру и вследствие этого увеличения поверхности контактного теплообмена за счет использования верхней части барабана при увеличении угловой скорости ротора и к выравниванию локальных коэффициентов теплоотдачи.

Анализ исследований по тепло и массообменным процессам, протекающим при сушке в роторных сушилках показывает, что на основании существующих исследований процесса сушки невозможно учесть все характерные особенности и изменения в кинетике такого процесса.

Более полной была бы такая модель, которая учитывала бы изменение температуры материала в каждой из стадий сушки, равновесие между влажным материалом, дополнительный подвод тепла от диссипации энергии за счёт быстрого движения дисперсного материала и нагретых конструктивных элементов барабана, а также эффект продольного перемешивания дисперсного материала.

На базе общих представлений о сушке и ее законах рассмотрена физическая картина процесса по стадиям, протекающим в сушильной установке, описаны разработанные математические модели и приведено их решение. В основу разработки математической модели взяты известные законы сохранения энергии и массы вещества, положения из теории сушки и законы равновесия между материалом и сушильным агентом.

Период удаления свободной влаги характерен тем, что испарение идет по законам превращения свободной жидкости в пар. В течение этого периода процесс сушки определяется, главным образом, скоростью подвода тепла от нагретой стенки к высушиваемому материалу.

Одним из важнейших параметров, определяющих режим сушки, является температура стенки. В непрерывном процессе сушки температура стенки по длине сушилки изменяется за счет отдачи тепла на испарение жидкости, на нагрев материала и лопастей ротора.

Расчет периода удаления связанной влаги отличается от расчета периода удаления свободной влаги тем, что температура поверхности материала повышается, необходимо рассчитывать с использованием измененной зависимости между стенкой и высушиваемым материалом.

В результате теплового контакта материала с горячими стенками и лопастями ротора появляется слой высушенного материала, толщина которого постепенно растет. А в

высушенном состоянии дисперсный материал по теплопроводным свойствам не так уж далек от свойств теплоизоляционных материалов. С этим связано то, что основное сопротивление теплопередаче сосредоточено в зоне материала, контактирующего с теплоотдающей поверхностью. Проходящие в этой зоне процессы существенно зависят от критерия Лыкова. При его малых значениях жидкость не будет успевать подводиться из внутренних слоев материала к поверхности контакта, появится прослойка сухого материала, разделяющая поверхность контакта и поверхность испарения. Температура этого слоя на поверхности контакта одинакова с температурой нагретой стенки, а на противоположенной стороне равна температуре испарения жидкости, определяемой величиной давления в сушильном барабане.

Результаты исследований были использованы нами, при проектировании и испытании опытно-промышленной установки в АО «КВАРЦ», в частности для тонкодисперсного материала производительностью 100 кг влаги в час. Размеры опытно-промышленной установки составили диаметр 450 мм и длина 1500 мм. Для фенилона С2 габаритные размеры опытно-промышленной установки идентичны лабораторной установки на кафедре ТМО ФерПИ.

Список литературы

- [1]. Иванов В.Е. «Сушка дисперсных материалов в сушилке кипящего слоя непрерывного действия». Диссертация кандидата технических наук : 05.17.08. Иваново, 2010г. 121 с.
- [2]. Лукьяненко В.И. Тепломассообмен процесса сушки дисперсных материалов в центробежном псевдооживленном слое: диссертация кандидата технических наук : 05.14.04. Воронеж, 2007г. 177 с.
- [3]. Измайлов М.Т. Повышение эффективности сушки дисперсных материалов за счет применения виброакустических воздействий: Диссертация кандидата техн. наук : 05.17.08 : Москва, 2004г. 172 с.

УДК 677.023.233.371.

ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ПЛОТНОСТИ НАМОТКИ ВДОЛЬ ОСИ КРУТИЛЬНОЙ ПАКОВКИ

Г.Н. Валиев¹, Ж.И. Орипов²

¹Узбекский НИИ натуральных волокон, ²Ферганский политехнический институт
(Получена 14.08. 2017 г.)

Гардиш ёнида қиялаб ўраганда ўрама зичлигини эшув (пишитув) ўрамининг ўқи бўйлаб тақсимланишини назарий боғлиқлиги олинди. Ўрама тузилиши ва сифатини яхшилаш учун, биконус шаклидаги ўрамали гардишсиз ўрам олиш афзаллиги аниқланди.

Таянч сўзлар: ўрама, ўрамлар, матолар, зичлик, тарқатиш, цилиндрсимон қисм, қалинлиги.

Получены теоретические зависимости распределения плотности намотки вдоль оси крутильной паковки при намотке со скосами у фланцев. Установлено, что для улучшения структуры и качества намотки, рациональным является получение бесфланцевой паковки с биконической формой намотки.

Ключевые слова: намотки, паковки, нити, плотность, распределения, цилиндрическая часть, толщина.

Theoretical dependences of the winding density distribution along the axis of the torsional package are obtained when winding with bevels at the flanges. It is established that in order to improve the structure and quality of the winding, it is rational to obtain a wafer-free flange with a biconical form of winding.

Key words: winding, packing, thread, density, distribution, cylindrical part, thickness.

Структура и форма намотки во многом определяют прочность паковки, массу и длину намотанной нити, способность самой паковки сохранять заданную ей форму и структуру, а также условия сматывания нитей в последующих процессах их переработки.

Плотность намотки является одним из существенных факторов, определяющих структуру и качество намотки, особенно при переработке нитей натурального шелка. При исследовании структуры паковки большое значение имеет зависимость распределения плотности намотки вдоль образующей паковки.

Совершенствование структуры намотки крутильной паковки шелковых нитей направлено на создание условий, обеспечивающих устойчивость намотки и эффективное проведение дальнейших процессов фиксации крутки и других отделочных операций. Для этой цели на некоторых типах крутильных машин слои намотки периодически недоматываются до внутреннего края фланца катушки и получают паковку со скосами у фланцев катушки [1].

На рис. 1 а и 1 б соответственно показаны схемы намотки нити на катушку и хода раскладки (условно) на бескольцевых крутильных машинах, например на этажно-крутильных машинах типа КЭ-145-ШЛ и др., где начало координат 0 соответствует центру паковки, по оси абсцисс отложена высота намотки, по оси ординат – диаметр намотки, ℓ – длина зоны скоса (величина недомота), H – высота намотки нити на паковке. Так как части намотки симметричны, для удобства анализа и расчетов приняты положительные части координат.

Известно, что удельная плотность намотки [1]:

$$\gamma = \frac{M}{V}, \quad (1)$$

где: M – масса намотки; V – объем намотки.

Плотность намотки вдоль оси паковки относительно некоторой точки представим в виде:

$$\gamma_i = \gamma_o \cdot k_1 \cdot k_2 \quad (2)$$

где γ_o – плотность намотки в некоторой точке цилиндрической части намотки; k_1 , k_2 – коэффициенты, соответственно учитывающие изменение массы и объема намотки;

i – исследуемая точка намотки.

Коэффициенты, учитывающие изменение массы и объема намотки вдоль оси намотки можно определить соответственно отношением массы и объема намотки исследуемой и некоторой точки намотки, т.е.:

$$k_1 = \frac{M_i}{M_o}; \quad (3)$$

$$k_2 = \frac{V_o}{V_i}; \quad (4)$$

где: M_i , V_i – соответственно масса и объем намотки исследуемой точки;

M_o , V_o – соответственно масса и объем некоторой точки намотки.

Рассмотрим вначале цилиндрическую часть намотки. Допустим, что нить равномерна по толщине, витки намотки в пределах одного слоя равномерно распределены по высоте намотки и занимают одинаковый объем. Тогда $k_1 = 1$ $k_2 = 1$ и плотность намотки вдоль оси паковки в цилиндрической части намотки:

$$\gamma_i = \gamma_o \quad (5)$$

при $0 \leq x_i \leq (0,5H - \ell)$,

где x_i – высота намотки в исследуемой точке относительно центра паковки.

Определим плотность намотки в зоне скоса относительно некоторой точки цилиндрической части намотки. Допустим, что нить равномерна по толщине и витки намотки в пределах одного слоя равномерно распределены по высоте намотки.

Разделив зону скоса на элементарные участки, коэффициент изменения массы намотки пропорционально можно выразить отношением длин участков, т.е.:

$$k_1 = 1 - \frac{\ell_i}{\ell}; \quad (6)$$

где: ℓ_i - длина участка в зоне скоса.

Выразив длины участков через высоту намотки, получаем:

$$k_1 = \frac{0,5H - x_i}{\ell} \quad (7)$$

Из уравнения (4), анализируя отношения объемов элементарных участков бесконечно малой высоты намотки и преобразовывая промежуточные выражения получили:

$$k_2 = \frac{d_o^2}{\left[\frac{(0,5H - x_i)(d_o - d)}{\ell} + d \right]^2}; \quad (8)$$

Подставив уравнения (7) и (8) в уравнение (2) и сделав преобразования, получаем аналитическую зависимость распределения плотности намотки по высоте паковки в зоне скоса:

$$\gamma_i = \frac{\gamma_o(0,5H - x_i) \cdot \ell \cdot d_o^2}{[(0,5H - x_i)(d_o - d) + \ell \cdot d]^2}; \quad (9)$$

при $(0,5H - \ell, \dots, 0,5H)$,

где: d_o - диаметр намотки в некоторой точке цилиндрической части намотки; d - диаметр намотки у фланца паковки.

Полученные зависимости (5) и (9) можно использовать при анализе структуры намотки нити на паковке, а также при разработке новых крутильных машин и механизмов наматывания нити.

Анализ полученных формул (5) и (9) показывает, что при $x = 0,5H - \ell$ по формуле (9) получаем $\gamma_i = \gamma_o$, что естественно соответствует цилиндрической части намотки и совпадает с результатами по формуле (5), при $x_i = 0,5H$, $\gamma_i = 0$, что соответствует точке,

касательной к фланцу паковки и при $x_i \rightarrow 0,5H$, $\gamma_i \rightarrow 0$, т.е. по мере приближения к торцу паковки плотность намотки резко снижается и стремится к нулю, образуя рыхлую намотку по краям, что естественно ухудшает структуру и качество намотки, и при наматывании под определенным натяжением верхних слоёв намотки существует вероятность продавливания в рыхлые нижние слои, нарушения структуры намотки и запутывания нитей в намотке у фланца катушки, о которых изложим в дальнейших наших работах.

Кроме того, анализ показывает, что для выравнивания плотности и улучшения структуры и качества намотки крутильной паковки, следует исключить скосы на торцах паковки или, что более рационально, намотку производить на бесфланцевую паковку с формированием биконической формы намотки.

Таким образом, можно сделать следующие выводы.

1. Получены теоретические зависимости распределения плотности намотки вдоль оси крутильной паковки при намотке со скосами у фланцев.

2. Установлено, что плотность намотки вдоль оси паковки неравномерна и в зоне скоса




Рис. 1. Схема намотки нити и хода раскладки (условно) на этажно-крутильной машине.

по мере приближения к торцу паковки она резко снижается и стремится к нулю.

3. Для выравнивания плотности и улучшения структуры и качества намотки крутильной паковки, следует исключить скосы на торцах паковки или, что более рационально, намотку производить на бесфланцевую паковку с формированием биконической формы намотки.

4. Полученные теоретические зависимости могут быть применены для решения практических задач при анализе структуры намотки нити на паковках различной формы, оптимизации процесса формирования крутильной паковки, а также при разработке новых крутильных машин и механизмов наматывания нити.

Список литературы

- [1]. Усенко В.А. Шелкокручение – М.: Легкая индустрия, 1969 – 320 с.

УДК 677.37.024.82.001

АНАЛИТИЧЕСКАЯ ЗАВИСИМОСТЬ СУММАРНОГО ЧИСЛА ЦИКЛОВ ИСТИРАНИЯ ОСНОВНЫХ НИТЕЙ НА ТКАЦКОМ СТАНКЕ ВСЛЕДСТВИЕ ПРИБОЯ

О.А. Ахунбабаев

Узбекский НИИ натуральных волокон
(Получена 19.08.2017 г.)

Тўқув дастгоҳида зарб натижасида танда ипларини ишқаланиш цикллари сонини аналитик ифодаси яратилди, у тўқиманинг арқоқ бўйича раппортига, танданинг киришини қиймати ва қатор бошқа омилларга боғлиқ, ва тўқув дастгоҳининг оптимал тахтлаш параметрларини излашда қўлланилиши мумкин.

Таянч сўзлар: тўқув машиналари, мато, тахлилиқ боғлиқлик, айланма ишқаланиш.

Получена аналитическая зависимость суммарного числа циклов истираний основных нитей на ткацком станке вследствие прибоа, которая зависит от раппорта ткани по утку, величины уработки основы и ряда других факторов, и может использоваться при поиске оптимальных заправочных параметров ткацкого станка.

Ключевые слова: ткацкие станки, ткани, аналитическая зависимость, циклы истираний.

The analytical expression number of cycles of abrasions of the main threads on a loom due to the beat was obtained, which depends on several factors such as the fabric pattern according to the weft, amount of shrinking of the warp, and it can be used to find the optimal filling parameters of the loom.

Keywords: looms, fabrics, analytical dependence, wear cycles

Повышение эффективности выработки тканей из натурального шелка на современных бесчелночных ткацких станках является одной из важных задач, стоящих перед работниками науки и шелковой промышленности. Разработка новых теоретических положений, достаточно реально описывающих процессы происходящие при формировании ткани, разработка на их основе механизмов станка и его параметров позволят получить высококачественные ткани, увеличить и расширить рынок их сбыта.

Получим аналитическую зависимость суммарного числа циклов истираний основных нитей вследствие прибоа на ткацких станках с дополнительным скалом [1, 2] при использовании ценовых прутков.

Суммарное количество истирающих воздействий на нити основы V вследствие прибоа будет

$$V = V_H + V_{ДС} + V_C + V_{П2} + V_{П1} + V_3 + V_P + V_4 + V_B + V_Y, \quad (1)$$

где V_H - число циклов истирания нити на намотке навоя;

$V_{ДС}$ - число циклов истирания нитей основы на дополнительном скале;

ν_C - число циклов истирания нитей основы на скале;

$\nu_{П2}$ - число циклов истирания нитей основы на заднем (2-ом) от опушки ткани ценовом прутке;

$\nu_{П1}$ - число циклов истирания нитей основы на переднем (1-ом) от опушки ткани ценовом прутке;

ν_3 - число циклов поперечного истирания нитей основы о соседние нити при смене зевов в зоне ценовый прутки - ремизки;

ν_P - число циклов истирания нитей основы в галеве ремизки;

ν_4 - число циклов поперечного истирания нитей основы в зоне ремизки-опушка ткани;

ν_B - число циклов истирания нитей основы бердом;

ν_Y - число циклов истирания нитей основы прибаваемыми уточными нитями.

Из условия

$$K_1 = \tau e^{f_H \gamma_H} \quad (2)$$

определим центральный угол, соответствующий деформируемому участку нити на намотке навоя

$$\gamma_H = \frac{1}{f_H} \ell \quad \frac{\kappa}{\tau} \quad (3)$$

где τ - натяжение нити основы в намотке навоя.

Учитывая (2) и (3), получаем число циклов истирания нити на намотке навоя вследствие прибоа

$$\nu_H = \frac{10P_Y \rho \gamma_H}{1 + 0,01a_0}, \quad (4)$$

где ρ - радиус намотки навоя, м.

Нити основы на дополнительном скале под действием циклически изменяющегося натяжения перемещаются за один цикл на $\eta_{ДС}$, поэтому

$$\nu_{ДС} = \frac{10P_Y (r_{ДС} \cdot \gamma_{ДС} + \eta_{ДС})}{1 + 0,01a_0}. \quad (5)$$

Соответственно получим: число циклов истирания нитей основы на скале при их перемещении за один цикл на η_C :

$$\nu_C = \frac{10P_Y (r_C \cdot \gamma_C + \eta_C)}{1 + 0,01a_0}; \quad (6)$$

число циклов истирания нитей основы на заднем (2-ом) от опушки ткани ценовом прутке при их перемещении за один цикл на $\eta_{П2}$:

$$\nu_{П2} = \frac{10P_Y (r_{П2} \cdot \gamma_{П2} + \eta_{П2})}{1 + 0,01a_0}; \quad (7)$$

число циклов истирания нитей основы на переднем (1-ом) от опушки ткани ценовом прутке при их перемещении за один цикл на $\eta_{П1}$:

$$\nu_{П1} = \frac{10P_Y (r_{П1} \cdot \gamma_{П1} + \eta_{П1})}{1 + 0,01a_0}; \quad (8)$$

На расстоянии L_3 нити основы в зоне ценовый прутки – ремизки подвергаются поперечным истирающим воздействиям между собой при смене зевов. Количество таких воздействий

$$\nu_3 = \frac{10P_y L_3}{1 + 0,01a_0} \left(1 - \frac{n}{R_y} \right), \quad (9)$$

где n - число оборотов главного вала станка, во время которых ремизка не меняет положения; R_y - число нитей утка в раппорте переплетения ткани.

Нити основы в глазке галева ремизки за один цикл перемещаются на ζ , тогда

$$\nu_p = \frac{10P_y \zeta}{1 + 0,01a_0}. \quad (10)$$

При движении от ремизки до опушки ткани элемент нити испытывает

$$\nu_4 = \frac{10P_y L_4}{1 + 0,01a_0} \left(1 - \frac{n}{R_y} \right) \quad (11)$$

поперечных истирающих воздействий о соседние нити при зевобразовании.

Нить основы испытывает трение о зубья движущегося при прибое берда. При этом

$$\nu_B = \frac{10P_y S_B}{1 + 0,01a_0}, \quad (12)$$

где S_B - ход берда.

При перемещении нити утка бердом к опушке ткани нити основы подвергаются истирающим воздействиям со стороны перемещаемой между ними уточины. Это истирание происходит в одну сторону. Число истирающих воздействий здесь зависит от переплетения ткани по утку.

- [2] Сугак. Е.В. Очистка газовых выбросов в аппаратах с интенсивными гидродинамическими режимами Е.В.Сугак., Н.А.Войнов, Н.А.Николаев – Казань: Риц и «Школа», 1999-224 с.
- [3] Плотников К.Б. Исследование эффективности пылеуловивания и массоотдачи роторном аппарате с внутренней циркуляцией жидкости. Кол дисс Кемерово – 2014, - 150 с.
- [4] Пат. № 451451 Ростая федерация. МАК ВОИД 47/06. устройства для макрой очистка газов от пвели/Б.Я.Кругляк, В.А.Мамонтовский, И.А.Палов, И.Я.Кругляк отубл. 30.11.74. Кюл. № 26-4с.
- [5] Анискин С.В. Струйный эффект очистки газа в прямоточност распылительном аппарате / С.В. Анискин// ШПХ,-2010 №6-с. 966-970.
- [6] Асломова В.С., Интенсификация процесса селарации в прямоточном циклоне и вентиляторе пылеуловителе дисс. Канд. Техн.наук:05.17.08/Асломова Вера Сергеевна, - Москва, 1987,-16с.
- [7] Гумерова. Г.Х. Динамика дисперсной фазы в вахревом аппарате с пористыми вращающимся распылителями./Г.Х.Гумерова, и др.//химическая промышленность сегодня.-2009-№5-с 47-50.
- [8] Пат.№451451 Российская федерация МПК 7 В 01 Д 47/16. роторный пылеуловитель А.Ф.Сароколуд, Н.М.Горячкина, И.Е.Бельдяев; № 2005110312/15 заявя. 08.04.05; опубл. 10.04.07. бюл. № 23-5 с.

УДК 622.276.8

ВЛИЯНИЕ ИНТЕНСИВНОСТИ УЛЬТРАЗВУКОВОГО ИЗЛУЧЕНИЯ НА КАЧЕСТВО ПОДГОТОВКИ НЕФТИ ДЛЯ ПЕРЕРАБАТЫВАЮЩИХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Р.Ж. Эшметов¹, Б.З. Адизов², Д.С. Салиханова¹, И.Д. Эшметов¹

¹Институт общей и неорганической химии АН РУз, г.Ташкент, Республика Узбекистан

²«Уз-Транс АК» ведущий научный сотрудник, г.Ташкент, Республика Узбекистан
(Получена 27.01.2018 г.)

Ўзбекистонда қазиб олинаётган нефтларнинг кўп компонентлиги нефтни қайта тайёрлаш корхоналарига тайёрлашда ноанъанавий усулларни топиши талаб этади. Адабиётлар таҳлили бу йўналишда ультратовуш ёрдамида тургун СНЭларини парчалашда қўлаш мумкинлигига қаратилди. Шубҳасиз, СНЭ ларини парчалаш жарёнида ультратовушни қўлашининг мақбул шарт-шароитлари мавжуд, бу чегардан оширилса қониқарсиз натижалар олиш мумкин. Шунинг учун СНЭ лари турига қараб, тадқиқотлар натижасида бу кўрсаткичларни аниқлаш керак.

СНЭ парчалашдан олинган нефть таркибидаги механик зўйимчалар масса улушига ультратовуш таъсирида парчаланиш интенсивлиги ўрганилди.

Нефть таркибидаги механик зўйимчалар масса улуши ультратовуш таъсирида $U=15$ Вт/см² 1,5-2,0 баробар камайиши аниқланган. Ультратовуш интенсивлигини янада оширилиши олинган нефтлар таркибида механик зўйимчалар миқдорини деярли ўзгармаслигига олиб келди

Таянч сўзлар: дезмульгатор, юқорипарафинли нефть, ультратовуш, эмульсия, глобула, газоконденсат, нефть, тузсизлантириш, СНЭ.

Многокомпонентный состав нефтей добываемых в Узбекистане и сложности их подготовки для нефтеперерабатывающих предприятий потребовало изыскания более нетрадиционных методов подготовки. Анализ литературы в данном направлении нацелил нас на использование ультразвукового воздействия при разрушении устойчивых ВНЭ. Безусловно, существуют оптимальные режимы ультразвукового воздействия на процесс разрушения ВНЭ, за пределами которых могут быть получены неудовлетворительные результаты. Поэтому, требуется экспериментальным способом определение их значения для конкретных видов ВНЭ.

Изучены изменения массовой доли механических примесей в нефти, получаемых разрушением ВНЭ в зависимости от интенсивности их ультразвукового разрушения.

Установлено, что массовая доля механических примесей в нефтях при наложении ультразвукового воздействия до $U=15 \text{ Вт/см}^2$ уменьшается по экспоненциальному закону в 1,5-2,0 раза. Дальнейшее повышение интенсивности ультразвукового воздействия (более $U=15 \text{ Вт/см}^2$) практически не изменяет достигнутые содержания механических примесей в получаемых нефтях.

Ключевые слова: деэмульгатор, высокопарафинистый нефть, ультразвук, эмульсия, глобула, газоконденсат, нефть, обезвоживание, обессоливание, ВНЭ.

The multicomponent contents of oils produced in Uzbekistan and the complexity of their preparation for oil refineries required the search for more nontraditional methods of preparation. Analysis of the literature in this direction has aimed us at using ultrasonic effects in the destruction of stable VNE. Of course, there are optimal modes of ultrasonic influence on the process of VNE destruction, beyond which unsatisfactory results can be obtained. Therefore, request by experimentally method of determination of their significance for specific types of VNE.

Changes in the mass fraction of mechanical impurities in oil, obtained by the destruction of VNE, depending on the intensity of their ultrasonic destruction, are studied.

It has been established that the mass fraction of mechanical impurities in oils with ultrasound application until $U = 15 \text{ W / cm}^2$ decreases exponentially by factor of 1.5-2.0. Further increase in the intensity of the ultrasonic action (more than $U = 15 \text{ W / cm}^2$) practically does not change the achieved content of mechanical impurities in the produced oils.

Keywords: demulsificator, emulsion, hydrophobic, globule, gas condensate, oil, destruction, dehydration, and desalting.

Многокомпонентный состав водонефтяных эмульсий (ВНЭ) добываемых в Узбекистане и сложности их подготовки для нефтеперерабатывающих предприятий потребовало пересмотр известного стандарта ГОСТ 9965-76 [1] и разработать нового O'z DST 3032: 2015 [2] с учетом особенностей получаемых нефтей.

В старом (ГОСТ 996-76) нефти классифицировали в три (I, II, III) группы, а в новом (O'z DST 3032: 2015) в четыре (0, I, II, и III) группы. В нулевой группе нефти массовая доля воды не должна превышать 0,5 %, массовая концентрация хлористых солей не должна превышать 50 мг/дм³. По содержанию сероводорода нефть подразделяют на два вида, где в первом виде массовая доля сероводорода не должна превышать 20 ppm, а во втором виде данный показатель определяется обязательно, но не нормируется.

Для получения нефти с такими жесткими показателями необходимо совершенствовать известную технологию его подготовки к промышленной переработки с использованием нетрадиционных способов и эффективных композиций адсорбентов.

Анализ литературы в данном направлении нацелил нас на использование ультразвукового воздействия при разрушении устойчивых ВНЭ и композиции из водо – и маслорастворимых деэмульгаторов.

Известно, что применение ультразвуковых колебаний приводит к развитию процесса кавитации т.е. к образованию в ВНЭ микроскопических разрывов (полостей) в оболочках глобул (капель) воды, которые захлопываются в фазе сжатия, вызывая при этом местные импульсные давления, достигающие сотен и тысяч атмосфер. Такие кратковременные мощные гидравлические удары приводят даже к разрушению поверхности бронирующих оболочек глобул и их диспергированию [3]. Поэтому, использование такого эффекта интенсификации разрушения ВНЭ на наш взгляд имеет не только научный, но и практический интерес.

Безусловно, существуют оптимальные режимы ультразвукового воздействия на процесс разрушения ВНЭ, за пределами которых могут быть получены неудовлетворительные результаты. Поэтому, требуется экспериментальным способом определение их значения для конкретных видов ВНЭ.

Нами на лабораторной установке, снабженной ультразвуковым излучателем, проведены исследования процесса разрушения ВНЭ, полученных с ННЭ «Джаркурган». Опыты проводили при 70-75 °С в течении 4 минут и в присутствии композиции из деэмульгаторов в количестве 150 г/т.

Одним из важных параметров ультразвукового воздействия на разрушение устойчивых ВНЭ считается интенсивность излучения (U), которая измеряется в Вт/см². Нами изучено влияние данного параметра на массовую долю остаточной воды, механических примесей и концентрацию хлористых солей в нефти, получаемых для нефтеперерабатывающих предприятий. Анализы полученных нефтей нами определялись согласно действующим стандартам [4-6].

Полученные результаты представлены в табл.1. При этом в качестве контрольного использован традиционный термохимический способ разрушения устойчивых ВНЭ без

применения ультразвукового воздействия.

Из данных табл.1 видно, что эффективность разрушения ВНЭ предлагаемым способом ультразвукового воздействия при интенсивности излучения $U=20$ Вт/см² выше, чем при традиционным термическом способе (контроль). Использование предлагаемого ультразвукового воздействия позволяет получить из ВНЭ ННЭ «Джаркорган» нефть, соответствующий группе 3 по стандарту O'z DST 3032: 2015, из ВНЭ УПН «Мингбулак» нефть, соответствующий группе 2 и из ВНЭ УПН – 1 «Кокдумалак» нефть, соответствующий группе 1. При традиционном термохимическом способе разрушения ВНЭ и получения из них нефтей наблюдались отклонения по их отдельным показателям групп, что требовало проведения дополнительных работ (промывку, очистку и т.п.) по их доведению до требований вышеуказанного стандарта.




Рис. 1. Изменения массовой доли воды в нефти в зависимости от интенсивности ультразвукового излучения (U) при разрушении ВНЭ: кривая 1-ННЭ «Джаркурган», кривая 2-УПН «Мингбулак» и кривая 3-УПН-1 «Кокдумалак».




Рис.2 Изменения массовой концентрации хлористых солей в нефти в зависимости от интенсивности ультразвукового излучения (U) при разрушении ВНЭ: кривая 1- ННЭ «Джаркурган», кривая 2 - УПН «Мингбулак» и кривая 3- УПН – 1 «Кокдумалак».

Таблица 1.

Физико – химические показатели нефтей, полученных путем разрушения ВНЭ ультразвуковым воздействием и с использованием композиции из водо- и маслорастворимых деэмульгаторов

Наименование пункта отбора разрушения ВНЭ	Массовая доля остаточной воды в нефти, %	Массовая концентрация хлористых солей в нефти, мг/дм ³	Массовая доля механических примесей, %
Традиционным термохимическим способом			
ННЭ «Джаркорган»	1,15	750	0,05
УПН-1 «Кокдумалок»	1,07	190	0,06
УПН «Мингбулак»	0,84	420	0,09
Предлагаемым (ультразвуковым) воздействием: (при интенсивности излучения $U=20 \text{ Вт/см}^2$)			
ННЭ «Джаркорган»	0,85	685	0,05
УПН-1 «Кокдумалок»	0,45	300	0,02
УПН «Мингбулак»	0,63	86	0,04

Диапазон интенсивности ультразвукового воздействия велик и поэтому, часто экспериментальным способом выбирают его значения для разрушения конкретного вида ВНЭ. Нами проведены такие опыты при разрушении устойчивых ВНЭ ННЭ «Джаркуррган», УПН «Мингбулак» и УПН – 1 «Кокдумалак».

На рис.1 представлены изменения массовой доли воды в нефти, полученные из ВНЭ вышеотмеченных установок в зависимости от интенсивности ультразвукового воздействия на них до 20 Вт/см^2 .

Из рис.1 видно, что повышение интенсивности ультразвукового излучения до $U=20 \text{ Вт/см}^2$ массовая доля остаточной воды в нефтях, получаемых разрушением ВНЭ ННЭ «Джаркуррган» (кривая 1), УПН «Мингбулак» (кривая 2) и УПН – 1 «Кокдумалак» (кривая 3) снижается по экспоненциальной кривой до 15 Вт/см^2 , дальнейшее повышение значения интенсивности практически не изменяет достигнутый уровень массовой доли остаточной воды в получаемых нефтях.

На рис.2 проиллюстрированы изменения концентрации хлористых солей в нефтях, получаемых из ВНЭ вышеотмеченных установок в зависимости от интенсивности ультразвукового воздействия.

Из рис.2 видно, что концентрации хлористых солей в нефтях, получаемых разрушением ВНЭ вышеотмеченных объектов с наложением ультразвукового воздействия до $U=20 \text{ Вт/см}^2$ уменьшаются, за счет кавитации последнего. Причем, более значимое снижение концентраций хлористых солей наблюдается до $U=15 \text{ Вт/см}^2$. Опыты показывают, что дальнейшее повышение интенсивности ультразвукового воздействия на ВНЭ практически не изменяет достигнутые уровни концентрации хлористых солей в получаемых нефтях.

Механические примеси (глина, песок, частицы минералов и т.п.) также являются нежелательными сопутствующими веществами нефти т.к. при его первичной перегонке они переходя в составы топлив (бензин, керосин и др.) создают опасность их применения. Поэтому, в стандарте O'z DST 3032: 2015 их содержание не допускается выше 0,05 %.




Рис.3. изменения массовой доли механических примесей в нефти в зависимости от интенсивности ультразвукового излучения (U) при разрушении ВНЭ: кривая 1- ННЭ «Джаркуррган», кривая 2 - УПН «Мингбулак» и кривая 3- УПН – 1 «Кокдумалак».

Нами изучен данный показатель при ультразвуковом разрушении ВНЭ, полученных из вышеотмеченных установок.

На рис.3 показаны изменения массовой доли механических примесей в нефти, получаемых разрушением ВНЭ из вышеотмеченных установок в зависимости от интенсивности их ультразвукового разрушения.

Из рис.3 видно, что массовая доля механических примесей в нефтях при наложении ультразвукового воздействия до $U=15 \text{ Вт/см}^2$ уменьшается по экспоненциальному закону в 1,5-2,0 раза. Дальнейшее повышение интенсивности ультразвукового воздействия (более $U=15 \text{ Вт/см}^2$) практически не изменяет достигнутые содержания механических примесей в получаемых нефтях.

Таким образом проведенные исследования показали, что применение ультразвукового воздействия при разрушении устойчивых ВНЭ, полученных из ННЭ «Джаркурган», УПН «Мингбулак» и УПН – 1 «Кокдумалак» способствует повышению качества подготовки нефти к промышленной переработке и получению нефтей, соответствующим требованиям I, II и III групп по стандарту O'z DST 3032: 2015. Причем, установлено, что для изученных ВНЭ ультразвуковое разрушение достаточно проводить до интенсивности излучения $U=15 \text{ Вт/см}^2$, дальнейшее повышение последнего практически не изменяет достигнутый уровень качества подготовки получаемых нефтей.

Список литературы

- [1] ГОСТ 9965-76. Нефть для нефтеперерабатывающих предприятий. Технические условия. М.: Изд. стандартов, 1976 г. – 4 с.
- [2] O'z DST 3032: 2015. Нефть поставляемая на нефте перерабатывающие заводы. Общие технические условия. Ташкент, УзСМ ва СА, 2015. – 10 с.
- [3] Петров А.П., Применение ультразвука в химико – технологических. М.: Химия, 1980 г. -66 с.
- [4] ГОСТ 2477-2014. Нефть и нефтепродукты. Метод определения содержания воды. М.: Стандарты, 2014 г. – 7с.
- [5] ГОСТ 21534-76. Нефть. Методы определения содержания хлористых солей. М.: Стандарты, 1976 г. -9 с.
- [6] ГОСТ 6370-83. Нефть. нефтепродукты и присадки. Метод определения механических примесей. М.: Стандарты, 1983 г. – 11 с.

ШАХС МАЪНАВИЯТИ ШАКЛЛАНИШИДА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ

И.М. Арзиматова, И.Эркинов

*Фаргона давлат университети
(Қабул қилинди 28.04.2017 й.)*

Ушбу мақолада эстетик маданиятнинг шахс камолотидаги ўрни, унинг шахс маънавиятидаги аҳамияти масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: баркамол шахс, эстетик маданият, шахс камолоти, маънавий-ахлоқий фазилатлар, ғўзаллик, маънавият, қадриятлар.

В статье рассматриваются вопросы о значении эстетической культуры в совершенстве личности и его место в формировании духовности человека.

Ключевые слова: гармонично развитая личность, эстетическая культура, совершенство личности, духовно-нравственные качества, красота, духовность, ценности.

The role of the person maturity of aesthetic culture, its problems in the person spiritual importance is given in the article.

Keywords: the perfect person, aesthetic culture, the person maturity, spiritual-moral qualities, beauty, spiritual, traditions.

Ҳар бир давр шахсни ўзининг ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий ва маданий манфаатларидан келиб чиқиб, муайян билимлар, тамойил ва хулқ-атвор қоидалари асосида тарбиялайди. Бу нарсa миллий тараққиётнинг ўзига хос йўлидан бораётган Ўзбекистон учун ўта муҳим. Шахснинг камол топиши, энг аввало, унда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга асосланади. Баркамол шахс ижтимоий, ахлоқий масъулиятни нафақат

дунёвий билимлар, шу билан бирга, гуманистик ва демократик қадриятлар, юксак эстетик идеаллар негизида яшаш ва ишлаш орқали кўникмага айлантиради. Шундай экан, ҳозирги даврнинг ижтимоий-маданий вазияти шахс эстетик маданиятини ҳиссиёт, идеаллар, қараш ва эътиқодлар, шунингдек, оламни гўзаллик қонунларига мувофиқ ўзлаштириш, ўзгартириш, табиат билан алоқани уйғунлаштиришнинг маҳсули сифатида тадқиқ қилишни тақозо этади.

Маънавиятнинг таркибий қисми бўлган эстетик маданият кишилар ижоди ва яратувчанлик қобилиятларини ёрқин гавдалантирувчи соҳадир. Комил инсон тарбияси, умуман жамиятнинг маданий тараққиёт соҳасидаги ютуқлари кўп жиҳатдан эстетик маданиятнинг ҳолат ва даражасига боғлиқ бўлади, шунингдек, шахснинг эстетик равиш топиши унинг ижтимоий фаоллигининг ҳам муҳим омили ҳисобланади.

Эстетик маданиятнинг шахс маънавияти ва ахлоқини поклантиришдаги аҳамияти ҳақидаги қарашлар бутун фалсафий-эстетик фикрлар тарихи ва ҳозирги замон эстетикасининг мазмунини ташкил қилади, деб ҳисоблаш мумкин.

Антик даврлардаёқ, хусусан, пифагорчиларнинг гармонияга оид қарашларида математика, мусиқа ва гармония эстетикаси [1] назарияси яра-тилган, софистлар “сўз”нинг бадиийлигини “риторика, поэзия ва прозадан иборат” санъатнинг тарбиявий аҳамияти асосида изоҳлаб, уларнинг шахс руҳий дунёсига таъсир кўрсатишига алоҳида эътибор берганлар [2]. Афлотун бадиий-эстетик маданиятга воқеликни ўзлаштириш, санъатнинг ижтимоий аҳамияти, инсонни эстетик тарбиялашга боғлаб таъриф беради, “Давлат” номли асарида таъкидлашча, ҳақиқатни акс эттирмаган санъат, хусусан, рассомлик руҳни тарбиялай олмайди [3]. Арасту санъатнинг моҳиятини ҳаётий тажриба ва оламни билиш хусусиятларига боғлаб ўрганади, воқеликни шунчаки эмас, балки қайта англаш, қайта яратиш, ижодкор руҳиятини юзага чиқариш йўли билан кишилар маънавиятига таъсир этиш хусусиятларини тавсифлайди [4].

Хуллас, қадимги юнон олимлари санъатнинг онтологик ва гносео-логик жиҳатлари ҳақида сўз юритганларида, унинг ижтимоий функциясига тарбия воситаси тарзида баҳолайдилар. Бундай қарашлар Европа эсте-тикасининг кейинги тараққиёт босқичларида ҳам мазмунан бойитилган.

Марказий Осиёлик мутафаккирлар адабиёт, шеърят, мусиқа, хаттот-лик, нотиклик сингари эстетик маданият турларини ўрганишда уларнинг мо-ҳиятини ахлоқийлик билан гўзалликнинг уйғунлиги асосида тушунтирганлар.

Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида Марказий Осиё халқларининг заковати, донолиги, гўзал ҳаётдан завқлана олиши каби маъ-навий қобилиятларини таъсирчан шеърӣ мисраларда бадиий ифодаланган. Шеърлардаги теран фикрлар, қиёси йўқ бадиий бўёқлар, самимий лиризм, ҳаётдан маънавий завқланиш эмоционал-эстетик хузувланишнинг конкрет ифодасидир. Мутафаккирнинг бош эстетик мезони маънавий гўзаллик билан уйғунлашиб кетади: “Кимнинг кўнгли бўлса қашшоқ-камбағал, тўқ бўлмайди, бой бўлмайди” [5].

Санъат, шеърят, мусиқанинг руҳий ҳаёт инъикоси эканлигини ҳамда унинг кишиларга чуқур таъсир этиш хусусиятлари ҳақида Абу Наср Муҳаммад ал-Фаробий “Мусиқа ҳақида катта китоб” асарида ёзишча, мусиқанинг уч тури мавжуд, бири инсонга роҳат-фароғат бағишлайди, иккинчиси ҳис-туйғуларни қўзғайди, учинчиси эса кишини ўйлаш, фикрлашга ундайди, хуллас, инсон маънавиятини бойитади [6].

Абу Наср Фаробий маънавиятдаги санъат қадриятлари ва анъаналарни “Илм ҳақида”, “Мусиқа ҳақида катта китоб”, “Бахт-саодатга эришиш ҳа-қида”, “Илмлар ва санъатлар фазилати” каби асарларида ахлоқий тарбия би-лан боғлиқ ҳолда қараб чиқади. Унинг “Мусиқа ҳақида катта китоб” рисо-ласида маънавиятни шакллантиришда мусиқанинг ўзига хос роли кўрсатиб берилган. Асарда товушлар пайдо бўлишининг табиий, илмий таърифи эмас, балки мусиқавий куйлар уйғунлигининг математик тамойиллари ҳам очиб берилади.

Фаробий ёзадики, мусиқа хунари ёки санъати номи билан юрити-ладиган хунар мантиқий ва ақлий таркиблардан иборат ва ҳақиқий тасав-вурлардан туғилган бўлиши керакки, бу тасаввур инсон руҳининг энг нозик еридан қайнаб чиқади. Бундай таркиб

маълум бир шакл остидаги оҳанг ҳолида сезги қувватларимизга таъсир бағишлаб, ўзини кўрсатади [7].

Форобий “Афлотун қонунлари моҳияти ҳақида” асарида бу тушунчани янада чуқурлаштириб, мусиқа ва гўзалликнинг уйғунлиги катта маънавий-тарбиявий восита эканлигини таъкидлаган: “Мусикадан хабардорлик нати-жасида роҳатланиш пайдо бўлади... Гўзаллик - бу турли мусикалар, яхши хулқ-атворга тўғри келадиган, масалан, сахийлик ва жасурлик каби яхши, ижобий хислатлар одамлар эришишга ҳавас қиладиган нарсалардир... Ўзларида маълум бўлган мусикавий санъатлардан тўғри фойдаланишга одат-ланган одамлар таҳсинга сазовордир... кўшиқ санъати жуда фойдали, айниқса ўзининг руҳиятга таъсири ҳамда руҳиятга алоқадор бўлган қонунларга таъсири билан ниҳоятда фойдалидир” [8].

Форобий шеърятнинг эстетик хусусиятлари ҳақида тўхталар экан, юксак шеърят инсон фикрини оидинлаштиради, у инсонни яхши ишлар, фа-зилатли бўлишга илҳомлантиради, ҳасислик, ёмон ва қабих ишлардан сақ-лайди, кишининг руҳий сезгиларини юксалтиради, ҳаддан ташқари эҳтиёт-корликдан холи қиладди, иззат-нафсини поклантиради, ғазабланишдан, ёмон ишлардан эҳтиёт бўлишда кишиларга ёрдам беради [9], дейди.

Абу Али ибн Синонинг “Китоб аш-шифо” асарида ҳам мусиқа киши руҳини даволовчи, инсоннинг қалбига кучли таъсир этувчи эстетик восита сифатида таърифланади. Аллома фикрича, ҳис-туйғу, сезгилар одамларда маънавият туфайли нафосат, инсонийлик касб этади, хурсандчилик, ширин ҳаёт завқини беради: “Шоду хуррам кечса ҳаёт, яйрар бадан”. Бундай фикр-лар унинг “Тиббий достони”да сўз санъатининг таъсир қудрати ва лаззати бағишланган қисмидан ҳам ўрин олган.

Ибн Сино мусикага баҳо берар экан, унга маънавиятни шаклланти-рувчи омил ҳамда ахлокий-эстетик мезон тариқасида ёндашади. Нафсоний кайфиятлар хусусида тўхталганда, борликдан, бадий қадриятлардан эстетик завқ олиш, роҳатланиш “шодликларнинг кўп бўлиши баданнинг яйраши де-макдир” [10], деб ҳисоблайди.

Мусиканинг инсон маънавиятига таъсирига оид тадқиқот олиб борган Феруза Асқарнинг таъкидлашига кўра, Абдурахмон Жомий Шарқ мусиқий эстетик тафаккур тарихида биринчилардан бўлиб, эстетик лаззат, завқ-шавқ маънавий камолот йўлидаги катта ва зарур омил эканлигини баён этади. Чунки мусиқа мисолида Жомий эътироф этадики, “Руҳга лаззат бирор нар-сани тушуниб, билиб олмоқда келади. Нимаики руҳ томонидан тез идрок этилса ва уни ҳайратга, чуқур ўйлашга мажбур этса, у энг лаззатли ҳисоб-ланади” [11].

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида оламни жаннатдан қолишмайдиган бўстон деб таърифлайди, ажойиб қаҳрамонларнинг гўзал қиёфаларини, бадий образларини яратади. Улар тимсолида ҳаёт гўзаллиги-ни туйиш, турмуш лаззатларидан баҳраманд бўлиб яшаш учун кураш ғояси илгари сурилган. Шоир холик-яратувчи Аллоҳ саноси-мақтовига киришар экан, энг аввало, у инсон кўнглини ишқ гулшани, бу гулшанда эса ишқни ха-зинага айлантирилганлигини куйлайди, ишққа, инсонга, қудрат бахш эта-диган яратувчи ҳусн, гўзаллик деб, таъриф берадики, бу қиёс Алишер Навоий даврида кенг тарқалган тасаввуфий тушунчаларга мувофиқ келади. Шу нуктаи назардан шоирнинг яратувчи гўзалликни куйловчи мисраларини дунё ва коинот гўзаллигининг тасвири деб айтиш мумкин.

Алишер Навоий “Маҳбубул-қулуб”да “шодликни оширувчи хонанда, ғамни тарқатувчи созанда” дея куй, кўшиқнинг инсон учун маънавий озик эканлигини юқори баҳолайди: “Кўнгул қуввати-хушнавоздин, руҳ қути-хушовоздин. Хушхон муғаннийидин дард аҳлининг ўти тездур, агар мало-ҳати бўлса, ҳол аҳлиға рустохездур. Ҳар муғаннийки, дардмандонароқ нағма чекар, анинг нағмаси захлик юракка ковгарроқ тегар. Оташин юзлук муға-нийки, хилкидин мулойим суруд чиқорғай, ҳол аҳлининг куйган бағридин дуд чиқорғай” [12]. Демак, кўнгил хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озик олади. Ҳар бир созанданинг куйи дардлироқ ижро этилса, унинг черти-ши дардли юракка қаттиқроқ таъсир қиладди. Очик чехрали хонанда ёқимли овоз билан куйласа, дардли одамнинг куйган бағридан тутун чиқаради. Фаҳм-фаросатли созанданинг ёқимли ижроси ҳатто тошкўнгил одамни ҳам мафтун қиладди.

Алишер Навоий фикрича, авваламбор, санъаткор қалбида маъно дурлари ўрин олиши, қолаверса, фақат қалби тубида қолиб кетмаслиги, уни элга тақдим этиши, яъни санъат асари сифатида уни ижро этишда улар жилоланиши, тингловчилар руҳига нур-зиё бахш этиши лозим. Шоир инсонларни гўзаллик яратувчилар, гўзалликни чуқур ҳис этувчилар, ундан маънавий завқ-шавқ олувчилар, деб баҳолайди.

Марказий Осиёда кейинчалик шаклланган маърифатчилик ва жа-дидчилик ғоялари маънавий ҳодисаларининг эстетик тамойилларини маъри-фат, илму ирфон руҳи билан янада бойитдилар. Санъат, эстетик фаолият тур-лари оламни нафақат маънавий, маърифий, балки бадий-эстетик ўзлаш-тиришда муҳим омил бўлиб шаклланди. Айни вақтда, миллий маънавияти-миз умуминсоний қадриятлар билан бойитилди. Бунда Аҳмад Дониш, Фур-қат, Муқимий, Абай, Саттархон, Фитрат, Бехбудий, Мунаввар қори, Авло-ний [13] каби алломаларнинг хизмати каттадир. Бу ерда Юртбошимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асаридан муносиб ўрин олган Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса-миллат яшайди”, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Театр - бу ибратхонадур” деб айтган сўзларини келтириш ўринлидир [14].

Шундай қилиб, юқоридаги фикр-мулоҳазалар эстетик маданият шахс маънавиятини шакллантиришда тарихан муҳим маънавий-руҳий омил бўлиб келганлигини кўрсатади ва унинг бу хусусият ҳамда тажрибалардан ижодий фойдаланишга урғу беради.

Адабиётлар

- [1] Идеи эстетического воспитания. Антология. В 2-х т. -М.: Искусство, 1973. Т.1. - С.125.
- [2] Лосев А.Ф. История античной эстетики. Софисты, Сократ, Платон. -М.: Искусство, 1969. - С.31.
- [3] История эстетики.Памятники мировой эстетической мысли. В 5-тт.-М.: АХ СССР. 1962. Т.1. - С. 114.
- [4] Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 29.
- [5] Қадимги ҳикматлар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. - 85 б.
- [6] Вызго Т.С. Ренессансные тенденции в средневековой науке о музыке //Художественная культура Средней Азии IX-XIII веков. - Ташкент: Лит-ра и искусство, 1983. - С.183.
- [7] Форобий. Рисолалар.-Тошкент: Фан, 1975. - 62 б.
- [8] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.-Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б. 23, 27.
- [9] Форобий. Рисолалар. - 112 б.
- [10] Абу Али Ибн Сино. Тиббий рисоалар.-Тошкент: Фан,1987. - 35 б.
- [11] Аскар Феруза. Мусика ва инсон маънавияти.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 2000. - 26 б.
- [12] Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 14 т. - Т.: Фан, 1998. – Б. 30.
- [13] Алиқулов Ҳ. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти.-Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006; Маҳмудова Г. Жадиизм ва Туркистонда ахлокий-эстетик фикр тараққиёти.- Тошкент: Давр-пресс, 2006.- 116 б.
- [14] Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 140,144.

ИХТИРОВИЙ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ НАЗАРИЯСИНING РИВОЖЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ҲАҚИДА

А.Х. Юлдашев

*Андижон машинасозлик институти
(Қабул қилинди 19.04.2017 й.)*

Мазкур мақолада замонавий таълим тизимида талабаларнинг ижодий фикрлашларини ривожлантириш учун зарур бўлган долзарб сабаблар ҳақида маълумотлар ва тавсиялар келтирилган
Таяч сўзлар: *ихтиро, ғоя, шахсий интеллект, альтернатив изланиш, генерация, ижод маҳсулотлари.*

В этой статье дана некоторая информация и рекомендации о реальных причинах необходимого развития в современной системе образования, чтобы улучшить творческое мышление для студентов.

Ключевые слова: *изобретение, идеи, личный интеллект, альтернативные исследования, генерация, художественные изделия.*

In this article has given some information and recommendation about the actual reasons of the necessary the development in the modern education system to improve creative thinking of students.

Keywords: *the invention, idea, personal intelligence, alternative research, generation, art products.*

Ҳар қандай моддий янгилик ва янги жараёнлар янги ғоядан бошланади. Бизнинг ҳаётимиздаги ҳар қандай предмет, ҳоҳ у озиқ-овқат бўлсин, ҳоҳ у кийим-кечак, бино, китоб, кўзойнак, стол, қоғоз, ҳаракатланиш воситаси, алоқа, дори ва бошқалар бўлсин, инсон таъсирида, унинг ижоди натижасида яратилган ва номоён бўлган. Инсон томонидан яратилган барча нарсаларнинг қачонлардир мавжуд бўлмаганлиги ўша нарса у вақтда маълум бўлмаганлигида. Номаълумни маълум қилиш – бу ижодий жараёндир.

Янгилик яратиш жараёнининг ўта ажабланарлилиги шундаки, мураккаб янгилик яратиш осон эмас, сода янгиликни яратиш эса ўта мураккаб, яъни ҳарқандай янгилик ҳам ижод маҳсулоти бўлавермайди. Бундан қатъий назар, ихтировий масалаларни ҳал қилиш ва фикрлаш назарияларини ўрганиш бўйича тўпланган тажрибаларни таҳлил қилиш, ижодий фикрлашнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва ижодий фикрлашга ўргатишнинг психологик- педагогик усулларини яратишга имкон беради. Ривожланган ижодий фикрларсиз эса инсоният ХХI асрда яшай олмайди.

Замонавий таълим тизимида ўқувчи ва талабаларнинг ижодий фикрлашларини ривожлантириш зарурати камида куйидаги икки сабабларга кўра долзарб аҳамиятга эга бўлади.

Биринчидан, олий ўқув юрти академик таълимнинг ҳақиқий ҳаёт талабаларидан ажралиб қолганлиги, берилаётган “тайёр” умумий ва касбий билимларидан ҳаёт амалиётига мос келмаслиги талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини сусайишига сабаб бўлади ва бунинг оқибати сифатида олинган билимларнинг сифати пасаяди. Бу билимларнинг ўзлари ҳам кўпинча маълумот ҳарактерига эга бўлиб, ўзлаштиришнинг репродуктив даражасигагина тааллуқли бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, катталар иродасига бўйсунуш зарурати, ўқитувчи ўргатган нарсага сўзсиз ишонч, ҳаётий муаммоларни ҳал қилишнинг ҳар доим самарали бўлавермаса ҳам энг енгил йўлларини топишга интилиш, иложи борича амалий қарама- қаршиликлардан қочишга ҳаракат қилиш ва шунга ўхшаш бизда мустахкам ўрнашиб қолган одатлар, кўпҳолларда, ижодий ёндашувда иккиланишга сабаб бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан, келажаги буюк, ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсадига эришишда, таълим тизимининг асосий вазифалардан бўлиб, ёшларнинг ижодий фикрлашларини ривожлантириш, янгилик яратиш кўникмасини сингдириш, уларнинг конструктив ижод салоҳияти даражасининг мезони деб юритмоғи лозим.

Ижодий фикрлаш инсон тараққиётининг барча соҳаларида, айниқса, санъат ва техникада ўта муҳимдир. Коинотнинг аста-секин забт этилиши, робототехника ва компютер технологиясининг янгидан-янги авлодларининг пайдо бўлиши – бу ижодий фикрлашнинг юқори даражали маҳсулотидир.

Ихтиро – инсон яшовчанлигининг зарурий омилидир. Одамзод бу дунёдан батамом йўқолиб кетмаслик учун ихтиро қилишга мажбур бўлган. У жонли табиатдаги, аёвсиз, рақобатли ҳаёт – мамонт жанглари ва курашда янги сифатга, фикрлаш қобилятига эга бўла олган ягона мавжудоддир.

Анъанавий фикрлаш бениҳоят консерватив, минглаб йиллар инсон онгида ягона метод – тажриба ва хатолар методи ўрнашиб қолган. Одамларнинг жуда озчилигигина, ҳар доим янги ғояларга йўналтирилган, яратувчан – конструктив фикрлашга мойилдирлар. Ижодий ишни тўғри ташкил қилинганда, инсон фикрлашнинг кучли тамонларидан ҳам максимал даражада фойдаланилса бўлади ва бунда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлардан қочиш мақсадида фикрлашнинг кучсиз тамонлари ҳам инобатга олинади.

Биринчи қарашда бу жуда мураккаб кўринади. Лекин аслида эса автомобилни бошқаришдан ҳам осон. Албатта, мақсадга қараб яёв йўлга чиқиб, узоқ адашиб йўл қидириб уни таполмай ва қачонлардир “самовий олов” йўловчини йўлини “ёритиши” керак, деган

умидда ҳаракатланиши ҳам мумкин. Лекин ҳали юрилмаган сўқмоқлардан юракни шувиллатадиган тезлик билан чопиб ўтиш самаралироқ.

Ихтирочилик масалалари ҳеч қачон тайёр ҳолда бўлмайди чунки, техникада фойдаланиш ва уни ривожлантириш кўпсонли, турли – туман масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ. Бу жараёнда эса ихтировий масалаларни ечиш назарияси (ИМЕН) методлари қўлланилади.

Техникада барча ихтировий масалалар икки турга бўлинади: техник тизимларни ўзгартириш (синтез, ривожлантириш) ва техник тизимларни ўлчаш (аниқлаш, параметрларни назорат қилиш). Биринчи турдаги масалаларда энергиянинг ҳаракат йўналиши ҳар доим энергия манбаидан трансмиссия орқали ишчи органга ва ундан буюмга ўтади. Иккинчи турдаги масалаларда эса, аксинча, “Буюм”дан чикувчи ахборот (яъни энергия ёки энергияни ўзгариши)ни, яъни техник тизимларни ёки табиат ва техникадаги жараённинг биз ўлчаётган (аниқлаймиз, назорат қиламиз) қисмини ушлаш талаб қилинади.

Афсуски, ҳаёт биздан юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар етиштиришни талаб қилиб турган шу вақтнинг ўзида академик таълимга асосланиб тузулган замонавий ўқув дастурларда ижодий фикрлашни ривожлантиришга етарлича этибор берилмаяпти. Мактаб ва олий даргоҳларда ижодий жараёни ихтиро даражасига етказа олишга тўла имкон етарли эмас.

Иқтидорли талабалар билан иш олиб боришда ҳам, кўпхолларда, уларнинг шахсий интеллекти ва сайи-ҳаракатларигагина таянилмоқда.

Ихтиро–ноёб янгиликнинг бунёд этилиши, у жамиятга фойда ва муаллифга шон – шуҳрат келтиришини айтаммиз-у, лекин уни барпо этишдаги тўсиқларни қандай бартараф қилиш кераклиги тўғрисидаги назария ва самарали усулларни кенг тарғибот қилмаймиз. Шу каби мақсадларни кўзлаб, унинг юзасидан юритиладиган фикр-мулоҳаза ва танқидий қарашларни бажонудил қабул қилишимиз зарур.

Ижодий масалалар билан инсон бутун ҳаёти давомида тўқнашади, лекин жуда кам ҳоллардагина уни ижодий даражада ҳал қилади. Ижодий даража нима ўзи? Бу оддий англашган ниҳоятда қийин бўлиб кўрилган масалани содда ҳал қилишдир. Кўп ҳолларда бундай ечимларни ўта ақллик ва ихтироли ечимлар дейилади. Янгилик яратишнинг парадокси шундан иборатки, тасодифий янгиликни яратиш осон эмас, оддий янгилик эса ниҳоятда мураккаб, яъни ҳар қандай янгилик ҳам ижод маҳсулоти ҳисобланмайди. Ҳар қалай ихтироли масалалар ечиш бўйича тўпланган тажрибани ва фикрлар назарияларини таҳлил қилиш ижодий фикрлашнинг асосий тамойилларини шакллантириш ва ижодий фикрлашга ўргатишнинг руҳий-педагогик методларини ишлаб чиқишга имкон беради. Ривожланган ижодий фикрлашсиз XXI асрда инсоният яшай олмайди. Бизнингча унинг тамойиллари куйидагилардан иборат:

1. Талабаларни мақсадга эришишли турли йўллари топиш ва хатки энг яхшисини танлашга ўргатиш.

2. Уларни етарли сондаги қўлланмалар ва машқлар тўпламлари билан ижодий кўникмаларни ишлатиш ва машқ қилдириш учун таъминлаш.

3. Зарф саволларни беришга ва муаммонинг мавжудлигини аниқлашга ўргатиш.

4. Талабаларни ҳар қандай сезгилар ва эмоцияларни фикрлашнинг мушмил ташкил этувчилар деб қарашга ўргатиш.

5. Энг аввало ижодий жараённинг ўзидан талабаларни қониқиш ҳосил қилаётганларини кузатаётиб, оригинал ва фойдали ғояларни рағбатлантириш. Талабаларни ўз ғояларини қадрланишини англаб етишларига ёрдамлашиш.

6. Ўқувчиларга ностандарт вазиятларда ечимларни топишни таклиф қилиш. Муваффақиятсизликка учраганда изчилликни намоён бўлиши муҳимлигини исботлаш

7. Ўқувчиларга ечимларни излашни тахминий режалашни тузишни таклиф қилиш.

8. Ҳаддан ташқари тез ярлик очишдан, масалани олдиндан маълум масалар категориясига киритишдан ва шошилиб қарор қабул қилишдан қочиш. Чунки бу ғошишларга ва фикрлаш эгилувчанлигини йўқолишига олиб келади.

9. Фикрлашнинг муҳим элементлари сифатида сари ва эмоцияларни бошқаришга талабаларни ўргатиш.

10. Ғоялар генерациялаш учун шароит яратиш ва уларни объектив ва рационал ташлаш учун шароит яратиш.

11. “Бўлиши мумкин” ва “бўлиши керак” ибораларини фарқлаган ҳолда, кескин тасдиқлардан қолиш.

12. Уларда узлуксиз альтернатив изланишга, янги ёндашувларга ва янги ғояларга мойилликни шакллантириш.

Бундан ташқари, ижодий ёндашувнинг янги ғояларни қабул қилиш ва мустаҳкамланиш жараёнини енгиллатишга ёрдам берувчи бир нечта асосий қоидаларга ҳам амал қилиш лозим:

- Барча нарсалар жуда содда бўлиши керак.
- Чалкашликлардан қочинг.
- Ҳозирги дақиқада бажараётган ишингизга ҳар доим ишонинг.
- Кўп сондаги турли ўргатувчи машқлардан фойдаланиб, методни мустаҳкамланг.

Фикрлашга ўргатиш методикаси ўқув предметларига ўқитиш методикасидан кам фарқ қилади. Ўқитувчи сифатида сиз ўз талабларингизни аниқ ифодалаб, сизни тушунишартиқлигига ишонган бўлишингиз лозим. Тушунтириш учун мисоллардан кўп фойдаланишингиз керак.

Ўқитишни “печкадан бошлаш” муҳим; яъни ниҳоятда содда мисоллардан фойдаланиш зарур. Тушунмовчилик пайдо бўлганда, “фалсафа сотиб” ўтирмасдан (бу ўқитишни “қитмирликдан бошлаш” деб аталади), яхшиси навбатдаги мисолга ўтганингиз маъқул. Ўз талабларингизни ҳар қачон ниҳоятда осон тушуниладиган шаклда баён қилингиз. Эҳтимол дастлабки пайтларда кутилган натижага эриша олмайсиз, лекин шунда ҳам ўзингиз нимага ҳаракат қилаётганингизни билиб турасиз. Ҳар қандай ҳолатда такомилликка эришишга ҳаракат қилиб, тушунилмай қолгандан материални содда ва етиб борадиган кўринишда баён қилганингиз афзалроқдир.

Қандайдир бир топширик ва машқ устида жуда узоқ ушланиб қолмаслик керак. Улар устида ишлаш жуда қизиқ бўлганда ҳам, вақтида навбатдаги топшириққа ўта олиш жуда муҳим. Фикрлаш усуллари шакллантириш учун турли-туман машқлар ва мисоллар қаторлик асосланган методни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар

- [1] Джумабоева Ф., Сўфихўжаев Н., Турсунова З. Талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш (Ўқув – методик қўлланма). Андижон, 2002, 102б.
- [2] Саламатов Ю.П. Как стать изобретателем? М.: Просвещение, 1990. 293 с.
- [3] Национальная программа по подготовке кадров. В кн.: Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. Ташкент: Шарк, 1997.

МОДДИЙ РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙўНАЛИШЛАРИ

М.Х. Ахунова

*Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 15.04.2017 й.)*

Ушбу мақолада моддий ресурсларнинг тавсифи, моддий ресурслар хажмида салмоқли улушга эга бўлган айланма маблағлар, уларнинг таркиби, айланма маблағларнинг айланиш даври, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишлари келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: *моддий ресурслар, меҳнат предметлари, айланма маблағлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, муомала босқичи.*

В данной статье рассматриваются вопросы классификации материальных ресурсов, об оборотных средствах, которые имеют наибольший удельный вес в материальных затратах, срок оборачиваемости оборотных средств. Так же приведены предложения по эффективному использованию материальных ресурсов.

Ключевые слова: материальные ресурсы, предметы труда, оборотные средства, незавершённое производство, стадия обращения.

This article considered the questions of formation of material resources, whirl money at the structure of material resources, their component, the period of whirling money and also offers on the efficient use of material resources.

Keywords : material resources, subjects of labour, whirl money, incomplete industry, treatment of stage.

Тежамкорлик режимини таъминлаш бўйича чора – тадбирлар тизимида асосий ўринни меҳнат предметларини тежаш эгаллайди. Бу маҳсулот сифати, ишончилиги ва узоқ муддат хизмат қилишига зарар етказмаган ҳолда унга сарфланадиган хом ашё, материаллар, ёқилги харажатларини камайтиришни билдиради.

Ҳозирги шароитда айланма маблағларни тежашнинг иқтисодий аҳамияти ишлаб чиқариш харажатларини камайиши ҳамда маҳсулот ҳажмининг ошиши билан ифодаланади.

Айланма маблағлар таркиби ва структураси бир – биридан фарқ қилади.

Айланма маблағларнинг таркиби деганда, уларни ташкил этувчи элементлар йиғиндиси тушунилади. Айланма маблағларнинг айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларига бўлиниши улардан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш доирасида фойдаланиш хусусиятларидан келиб чиқади.


Ишлаб чиқаришда банд бўлган айланма маблағлар микдори асосан маҳсулот тайёрлашдаги ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, техника даражаси, меҳнатни ташкил этиш ва технологиянинг ҳолати билан белгиланади. Муомала фондлари суммаси эса биринчи навбатда маҳсулотни сотиш шарт – шароитлари ва таъминот ҳамда сотишни ташкил этиш тизимлари даражасига боғлиқ.

Айланма маблағлар таркибидаги хом ашё ва материаллар моддий ресурслар ҳажмида салмоқли улушни эгаллайди. Ҳозирги вақтда моддий харажатлар барча ишлаб чиқариш харажатларининг 80-85 фоизини ташкил этади. Ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ўсиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича умумий харажатларда буюмлашган меҳнат улуши ошиб боради ва меҳнат предметлари ҳамда меҳнат воситаларидан фойдаланишни яхшилаш ишлаб чиқариш харажатларини тежашнинг асосий йўналиши бўлиб ҳисобланади. Саноат тармоқлари айланма маблағлари тузилмалари орасидаги фарқ ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятлари, таъминот ва сотиш шароитлари, ресурс етказиб берувчилар ва истеъмолчилар жойлашган ўрни, ишлаб чиқариш харажатлари таркибидан келиб чиқади. Саноат корхоналари айланма маблағларининг энг катта улушини товар моддий неъматлар эгаллайди – 75-87%. Турли тармоқларда товар моддий неъматлар структураси ҳам турличадир. Жумладан, енгил саноат корхоналарида энг салмоқли улушни ишлаб чиқариш захиралари ҳосил қилиб 70% ни эгаллайди.

Айланма маблағлар алоҳида элементлари орасидаги фоизларда ифодаланган нисбат уларни структурасини ташкил этади ва у қуйидаги кўринишга эга (саноатда):

Маълумки, айланма маблағлар тўлиқ айланадиган, яъни ишлаб чиқариш ва муомала даврини ўтайдиган вақт айланма маблағларнинг айланиш даври деб айтилади. Бу кўрсаткич корхонада маблағлар ҳаракатининг ўртача тезлигини ифодалайди. Аммо у маълум турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш муддатига мос келмайди. Шу сабабли ҳам корхоналарда айланма маблағлар самарадорлигини ошириш йўлларида бири айланма маблағларни оқилона бошқариш ҳисобланади.

Айланма маблағлар ҳар доим бир вақтнинг ўзида доиравий айланишнинг учала босқичида мавжуд бўлади ва пул маблағлари, материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар кўринишида намоён бўлади.



Корхоналар ўз – ўзини молиялаштирадиган ҳозирги шароитда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Айланма маблағларни нормаллаштириш ички захираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш давомийлигини қисқартириш, тайёр маҳсулотнинг тезроқ сотилиши имконини беради.

Бу эса ўз навбатида айланма маблағлар айланивчанлигининг тезлашувига ёрдам беради. Айланма маблағлар айланивчанлигининг тезлашуви ҳозирги шароитда корхоналарнинг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Айланивчанликни тезлаштиришга қуйидаги йўллар билан эришилади:

- ишлаб чиқариш захираларини тузиш босқичида иқтисодий асосланган захира нормаларини жорий этиш;

- хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар таъминотчиларининг истеъмолчиларга яқинлашувини таъминлаш;

- моддий – техник таъминотнинг омбор тизимини, шунингдек материаллар ва ускуналар биржа савдосини кенгайтириш ва бошқалар.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш босқичида:

- илмий – техник тараққиётни тезлаштириш;
- стандартизация ва унификацияни ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш шакллари мукамаллаштириш;
- хом ашё ва ёқилғи энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланишни рағбатлантириш тизимини кенгроқ жорий этиш;
- юқори талабга эга бўлган маҳсулот улушини кўпайтириш ва бошқалар.

Муомала босқичида:

- маҳсулот истеъмолчиларини уни ишлаб чиқарувчиларга яқинлаштириш;
- ҳисоб – китоб тизимини мукамаллаштириш;
- бевосита алоқалар бўйича буюртмаларни ўз муддатида ва сифатли қилиб бажариш;

- тежалган материаллардан махсулот ишлаб чиқариш натижасида сотилган махсулот ҳажмини ошириш;

- тузилган битимларга мувофиқ жўнатиладиган махсулотларни ассортиментлар ва транзит нормаси бўйича юкланишини таъминлаш ва бошқалар.

Демак, айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун ҳар бир корхона уларнинг ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш муддати қисқартиришга эришиши зарур. Чунки, айланма маблағларнинг муомала соҳасида секин ҳаракатланиши корхонанинг бу воситалардан ишлаб чиқаришда фойдаланишда эришган ютуқларини йўққа чиқаришдан ташқари, уларнинг умумий айланишини ҳам секинлаштириши мумкин. Шу сабабли тайёр махсулотни истеъмолчига етказиб беришни тезлаштириш ёки махсулотни сотиш муддати қисқартириш ҳам айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Мутлақ озод қилиш корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий – техник чора – тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Нисбий озод қилиш айланма маблағлар ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган махсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, махсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ МОҲИЯТИ

А. Ҳакимов

*Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 8.06.2017 й.)*

Ушбу мақолада девиант хулқ-атвор ижтимоий ҳаётдаги моҳияти, мазмуни ва хусусиятлари очиқ берилган.

Таянч сўзлар: Девиант хулқ-атвор, субмаданият, ахлоқ, оғиш, гендер, девиация, ижтимоий меъёр.

В данной статье анализируется сущность и содержание, и особенность девиантного поведения в социальной жизни.

Ключевые слова: девиантное поведение, субкультура, нравственность, отклонение гендер, девиация, социальные нормы.

This article analyzes the essence and content, and the peculiarity of deviant behavior in social life.

Keywords: deviant behavior, subculture, moral, deflection, gender, deviation, social norms.

Жамият тараққиёти ҳамиша ижтимоий муносабат ва алоқалар натижасини ўзида акс этиб туради. Барча ижтимоий фанлари инсонни хулқ-атворини ўрганади, асосий эътиборини унинг турли жиҳатларига қаратади. Шу маънода социологияда ижтимоий муносабатлар ва меъёр-қоидаларга аҳолини амал қилиш тенденцияларини ўрганиш илмий-амалий аҳамият касб этади, шу боисдан ижтимоий меъёрларга мос келмайдиган фаолият тарзини ўзида намоён этадиган девиантлик ҳолатлари ўрганиш муҳим масалалардан биридир. Одатда девиантлик ҳолатларини жамиятнинг барча табақа ёки гуруҳларига хослигидан шартли равишда муайян давр ва алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида кўриб чиқилиши мақсадга методик жиҳатидан мосдир.

Девиант хулқ-атвор атамаси (лотинча *deviato*-оғиш) лотинчадан таржима қилинганда йўлдан оғиш маъносини билдиради. Девиант хулқ-атвор, шахсни гуруҳ ёки жамиятда кўпчилик томонидан қабул қилинган меъёрлар ва меъёрлар тизимига риоя этмаслиқдир. Шунини таъкидлаш керакки девиантлик атамаси одатда 5 ёшдан катталаргагина қўлланилади.

Ижтимоий меъёр жамият бошқарувининг ажралмас қисми бўлиб, шахс ёки ижтимоий гуруҳ хулқ-атворини муайян ижтимоий муҳитга мослаштирувчи қоидалар мажмуидир. Ижтимоий меъёрнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ҳамда урф-одатларга оид меъёрлар шулар жумласидандир.

Ижтимоий меъёрнинг афзаллиги шундаки, ёшлигиданоқ муайян меъёрларга мослаштириб борилган шахслар кўпчилик томонидан қабул қилинган тамойиллар доирасидан четга чиқмайди ва бошқалардан ҳам шуни кутади. Жамият тараққий этиб борган сари ўрнатилган меъёрлар ҳам эскириб боради ва янги меъёрлар ўрнатилади. Янги меъёрларни ўрнатиш жараёни жамиятда ўрнатилган мавжуд меъёрлар доирасини кенгайтириш ва ўзгартишдан иборатдир.

Бу соҳани таҳлил қилиш жуда мураккаб, чунки ижтимоий меъёр ва қадриятлар қанчалик кўп бўлса, қоида бузиш типлари ҳам шунчалик кўп бўлади. Бундан ташқари, турли маданиятлар, шунингдек субмаданиятларнинг меъёрлари битта жамият ичида ҳам фарқланади. Шунинг учун бир ҳамжамят учун оддий ҳол ҳисобланган нарсаси бошқасида меъёрдан оғиш сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан марихуан - Британия маданиятида “оғиш” ҳисобланади, алкоголь ичимлик ичиш эса “оғиш” ҳисобланмайди.

Девияция муаммоси социологиянинг фан сифатида шаклланишининг дастлабки даврларидаёқ ўрганила бошланган. Бу борадаги дастлабки қадамни француз олими Эмиль Дюркгейм “Ўз жонига қасд қилиш”(1897 й) асарини ёзиши билан девиантологияга асос солинди.

Масаланинг мураккаблиги ва кенг қамровлигидан турли соҳа мутахассислари турлича ёндашув ва таҳлилларни ўтказган. Ушбу ёндошувларни қуйидаги кўринишларга бўлиш мумкин:

- социологик ёндошувга кўра девиантлик ижтимоий жараён сифатида ижтимоий муҳитга ижтимоий ва жисмоний хавф туғдирувчи ҳаракат, жамият ёки ижтимоий гуруҳ томонидан қабул қилинган ижтимоий-маданий меъёрлардан четга чиқиш, шунингдек жамиятда ўз ўрнига эга бўлишни меъёрий бўлмаган услублардан фойдаланиш фаолият тарзи сифатида талқин қилинади;

- тиббий йўналишга кўра девиантлик жамиятдаги инсонлараро муносабатлардан оғиш кўринишлари омиллари сифатидан носоғлом турмуш тарзи, инсондаги асаб-руҳий ҳолатларни патологик кўринишлари, ирсий касалликлар каби жиҳатларни назарда тутати;

- жамиятда ижтимоий-психологик ва ахлоқий меъёрларга мос келмайдиган фаолият тарзига омиллар сифатида қуйидагиларни назарда тутати; инсондаги руҳий чекинишлар, ундаги ички зиддиятлар, ўз-ўзига зарар етказиш ҳолатлари сингари жиҳатларни назарда тутати.

Тадқиқотчилар девиантликни қуйидаги хусусиятларига кўра классификацияга ажратишади.

- “Жиноят моддалари билан малакаланмайдиган” – ижтимоий хавфи юқори бўлмаган қоидабузарликлар, ахлоқий меъёрларни бузиш, алкоголь, психотроп моддалар, тамаки ва токсик хусусиятга эга маҳсулотларни истеъмол қилиш, инсон психикасидаги оғишлар каби фаолият кўринишлари киради.

- “Жиноят моддалари билан малакаланмайдиган” – қонунчиликда белгиланган жиноий моддалар билан таъқиб қилинадиган фаолият тарзи.

Ўзбекистонлик олима Раъно Убайдуллаева бу борада қуйидаги фикрларни илгари суради, бизнинг фикримизча, барча ижтимоий хулқ-атвори меъёрий ва девиант (оғма) (нормалардан четга чиқадиган) хулқ-атворга бўлган маъқул. Нормадан четга чиқиш ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Салбий девиант хулқ-атвор, ўз навбатида ахлоққа зид (инсон ахлоқ нормаларига зид қилмишни содир этади), зиддиятли, ёки деликвент (қилмиш жинояти ҳуқуқидан ташқари, ҳуқуқ меъёрларига зид) ва жиноий хулқ-атворга (ёш инсон жиноят қонунчилиги меъёрларидан четга чиқади) бўлиши мумкин.

Девиант хулқ- атвори ўрганишда гендер асосида ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ. Эркалар ва аёллар хулқ-атворини ўрганар экан социологлар “жинс” эмас “гендер”

тушунчасидан фойдаланишни афзал билишади. “Жинс” эркак ва аёллар ўртасидаги биологик (анатомик) тафовутларни ифодаласа, “гендер” психологик (ижтимоий) маданий тафовутларни, мардлик ва назокат ўртасидаги фарқни ифодалайди.

Девияцияни гендер таснифи асосида ўрганилганда аёллар содир этган жиноятлар; ўғирликлар, масалан дўконларларда содир этиладиган ўғирликлар, ахлоқий бузуқлик яни фохишалик каби аёллар қиладиган типик жиноятлар ҳисобланади.

Ижтимоий чалғишлар (яъни девиантлик) кўп асосларга кўра фаркланади: а) бузиладиган қонун типига қараб (ҳуқуқ, ахлоқ, этика ва бошқалар); б) мақсадли йўналиши ва сабабларига кўра (ғаразли, тажовузкор); в) субъект бўйича (индивид, социал гуруҳлар, ижтимоий ташкилотлар).

Девияциянинг ижобий кўринишларига аскетизм (зоҳидлик, таркидунёчилик), авлиёсифат инсон қиёфасини ўзида акс эттирувчи хулқ-атвор эгаси, истеъдод эгалари, ижодкорлик сифатларига эга инсонлар киради. Унинг салбий кўринишлари ўз навбатида икки қисмга ажратиб кўрсатса бўлади:

1. Ўзгаларга йўналтирилган девиация кўринишлари – тажовузкорликнинг турли кўринишлари, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик.

2. Ўз-ўзига йўналтирилган девиация кўринишлари (ушбу ҳолатни социологияда “қурбонсиз жиноятлар” деб ҳам аташади) – ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фохишабозлик, ўз жонига қасд қилиш.

Россиялик олим Ф. Патаки фикрича девиантликнинг классификациясининг қуйидаги асосий ўзакларга ажратди:

- жиноятчилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фохишабозлик, ўз жонига қасд қилиш;
- девиантликка олиб келувчи омиллар.

Улар қуйидагича кўринишга эга:

- асабий хусусиятга эга хулқ-атвор;
- оилавий зиддиятлар;
- тажовузкор хулқ-атвор;
- меъёрий бўлмаган хулқ-атворнинг илк кўринишлари;
- ўқишга нисбатан салбий қараш;
- паст савия

Девиантлик бўйича изланишлар олиб борган олим В.В.Ковалёв уни уч асосий типга ажратади:

- ижтимоий-психологик тип ўз навбатида қуйидаги кўринишларни ўзида акс этади:
 - тартибсизликка асосланган хулқ-атвор;
 - меъёрий бўлмаган хулқ-атвор;
 - ҳуқуқбузарлик;
 - аутоагрессив хулқ-атвор.
- Психопатологик:
- Шахсий-ўзгарувчан:
 - ҳаракат натижасида мумкин бўлган меъёрдан оғишлар;
 - жисмоний ривожланишнинг психофизиологик хусусиятлари;
 - вазиятлардаги ўзини тута олмаслик.

Девиант хулқ-атвор социологияси муаммолари бўйича Ўзбекистонда кўплаб ишлар қилинган. Девиант хулқ-атворнинг турли кўринишларини республикаимиз олимлари ўз тадқиқот объекти доирасида ўрганганлар. Республикаимиз файласуфларидан Х. Шайхова, Қ. Назаров, М. Холматова, Н. Комилов (шахс тарбиясида маънавий-ахлоқий тарбияг таъсири масалалари), социолог М.Б. Бекмуродов (ижтимоий меъёрларга жамоатчилик фикрининг таъсири жараёнлари), ҳуқуқшунослардан А. Қулаҳметов, Й. Каракетов, М. Усмоналиев (жиноятчиликнинг умумий жиҳатлари ва ўсмирлар жиноятчилиги масалалари), психолог олимлар Ғ.В. Шоумаров, Н.А. Сошнов, С.А. Ахунжонова, З.Р. Қодирова, Э.Ш. Усмонов, Б.М. Умаров (ўз жонига қасд қилиш ва

жиноятчилик муаммоларининг рухийпсихологик асослари), педагог олимлардан О.Мусурмонова, Д.Ж.Шариповларнинг (оилада баркамол шахсни тарбиялаш ҳамда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, чекиш каби иллатларнинг олдини олиш муаммолари) олиб борган илмий ишларини шундай ишлар жумласига киритиш мумкин.

Бугунги кунда жамиятда салбий кўринишни касб этаётган агрессив хулқ-атвор, тобелик хулқ-атвори, анъаналарни тан олмаслик, тартиботларга бўйсинмаслик каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида бир нечта тавсияларни кўрсатиб ўтамыз;

- юртдошларимизнинг маданий савияси, билим ва дунёкарашини ошириш. -
- фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш. -

ёшлар бўш вақтини самарали ва тўғри ташкил этишларига кўмаклашиш ҳамда улар онгига таъсир килувчи бўлган оммавий маданиятнинг салбий таъсирини олдини олиш.

Адабиётлар

- [1] Словарь иностранных слов. М., 1989. С. 151.
- [2] Иванов В. Н. Девиантное поведение: причины и масштабы // Социально-политический журнал. 1995. № 2. С. 47–57.
- [3] Гидденс Э. Социология. –Т. “Шарқ” нашрети 2002 й 166 бет
- [4] Патаки Ф. Некоторые проблемы отклоняющегося (девиантного) поведения // Психологический журнал. Т. № 4. 1987. С. 92–102.
- [5] Ковалев В. В. Психиатрия детского возраста. Руководство для врачей. М.: Медицина. 1981. 607 с.

ЁШЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ОНГИ ВА ИФТИХОРИНИ ЎСИШИДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

А. Мадаминов

Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 8.06. 2017 й.)

Ушбу мақолада ёшларнинг миллий онги ва ифтихорини ўсишида қадриятларнинг аҳамияти, ижтимоий онг таркибида этник онг билан бир қаторда ижтимоий руҳият ва ижтимоий мафкуранинг ўрни илмий – назарий жиҳатдан таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Истиқлол, онг, миллий онг, ижтимоий онг, ижтимоий руҳият, ифтихор, қадрият, урф-одат, миллий хис-туйғу.

В данной статье дан научно - теоретический анализ совершенствовании национального сознания и национальной гордости молодёжи, а также, национальной психологии в составе общественного сознания.

Ключевые слова: независимость, сознание, национальное самосознание, национальное сознание, общественное сознание, социальная психология, гордость, ценности, традиции, национально-чувство.

This article provides a scientific and theoretical analysis of the improvement of the national consciousness and national pride of youth, as well as national psychology as a part of public consciousness.

Key words: independence, consciousness, national self consciousness, national consciousness, social consciousness, social psychology, pride, values, traditions, national feeling.

Истиқлол туфайли маънавий ҳаётимизда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури ўсиб, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга пойдевор яратмоқда.

Ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъий назар, энг аввало ўзининг миллий онги ва психологиясида намоён бўлади. Миллий онг — ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган этник онгнинг асосий шаклидир. Маълумки, ижтимоий онг жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттирувчи, унинг маънавий ҳаёт даражасини ифодаловчи хис-туйғу, ғоя ва қарашларнинг мажмуидир. У жамиятдаги, сиёсий,

хукукий, ахлокий, фалсафий, диний, эстетик қарашлар, кечинмалар шаклида намоён бўлади. Ҳар хил ижтимоий-иқтисодий тузумга ҳар хил онг ва тафаккур услуби мос келади.

Масалан, ижтимоий мулкка асосланган ижтимоий жамоа тузумининг оддий ишлаб чиқариш услуби ривожланмаган ижтимоий онг ва коллектив тасаввурлар асосида фикрлаш усулини вужудга келтиради. «Ибтидоий одамлар тафаккури, - дейди Л. Леви Брюл, - ўз асосига кўра мистикдир, «илоҳийдир», бунинг сабаби ибтидоий инсон идрокининг зарур элементини ташкил этувчи моҳият эътибори билан мистик бўлган коллектив тасаввурларидир» [3].

Ижтимоий онг таркибида этник онг билан бир қаторда ижтимоий руҳият ва ижтимоий мафкура катта ўрин тутди.

Ижтимоий руҳият, психология — кишилар, айрим ижтимоий гуруҳлар ва синфлар ҳаётининг бевосита меҳнат, мавжуд ишлаб чиқариш восита ва қуроллари, турмуш тарзи таъсирида вужудга келган маънавий қиёфаси, урф-одат, анъаналари, хиссиётлар, кайфиятлар, кечинмалар, одатлар, фикрлар, ҳаёллар кабиларнинг тартибга тушмаган назарий жиҳатдан асосланмаган, системалашмаган тарздаги йиғиндисидир. Унда кишиларнинг мақсадлари, манфаатлари ва муаммолари акс этади.

Ижтимоий руҳият ижтимоий борлиқнинг инъикоси сифатида кишилар амалий фаолияти таъсири остида юзага келади ва ривожланади. Ижтимоий руҳият ҳам ижтимоий тузумда шаклланган маданиятни акс эттиради. Уни синчиклаб ўрганмасдан ва тушуниб олмасдан туриб у ёки бу жамиятда яшайдиган кишилар турмуш тарзини билиб бўлмайди.

Ўзбек миллий характер хусусиятларига меҳнатсеварлик, довюраклик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, эрксеварлик, сабр-тоқат, бошқа халқларга ва шу миллат вакилларига нисбатан муносабатлар кабилар киради. Ҳар бир тарихий давр, шу даврдаги ижтимоий муносабатлар йиғиндиси миллий манфаатларга мос келадиган ўз миллий характер идеалини яратади.

Миллий туйғу кишиларнинг воқеликдаги барча нарса ва ҳодисаларга, миллий жараёнларга, шунингдек миллатнинг қадимий тарихий ва маданий меросига бўлган муносабати шаклида намоён бўлиб, миллат маънавий қиёфасида катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, миллий туйғунинг таъсирчанлиги она тилига бўлган муносабатда ёрқин намоён бўлади. Зеро, ҳар бир халқнинг миллий хусусиятлари тил орқали ўз ифодасини топади.

Миллий туйғу ҳам туғма унсур эмас. У тарихий тушунча бўлиб, шу халқ ва миллат вакилларига ички ва ташқи объектив омилларнинг доимий таъсир этиб туриши натижасида вужудга келади. Миллий туйғуларимизда миллий манфаат ва эҳтиёжлар, айниқса унинг ижобийлиги ва салбийлиги ижтимоий воқеликнинг қанчалик миллат вакилига қониқарли ёки қониқарсизлик хислатлари ётади.

Ижтимоий мафкура муайян элат, халқ, миллат ва ижтимоий гуруҳларнинг, синфларнинг ахлокий, диний, қиёсий, ҳукукий, эстетик қарашлари йиғиндисидир. Мафкура устқурманинг бир қисми бўлиб, жамият оддий ҳаёт шароитларида вужудга келади ва ижтимоий - иқтисодий муносабатларни акс эттиради. У ижтимоий руҳиятдан маълум даражада фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, мафкура ижтимоий руҳият сингари стихияли равишда юзага келмайди, балки инсон онгли фаолиятининг маҳсули сифатида тарихий амалиёт жараёнида вужудга келади. Мафкура воқеликни ижтимоий руҳиятга нисбатан анча кенг ва чуқур акс эттиради ва уни жамиятнинг энг етук зиёлилар, олимлари, сиёсатшунослари ишлаб чиқади.

«Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси, - деган эди И.А.Каримов, - умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликли, мардлик ва сабр-бардошликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашмоғи керак» [2].

Ўзбек миллатининг тарихий таркиб топиши, миллат маънавияти (тил, маданият, давлат, турмуш тарзи ва ҳ.к.) ички ривожланиши бетакрор ва кўп қиррали жараёндир. Миллат фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг аجدодлари ҳисобланмиш сакларнинг қадимий ёзма обидалари сак тарзида ёзилган ва талаффуз қилинган. Шарқий Туркистоннинг уч сак, олти сак, тўққиз сак ҳамда туркий қавмга мансуб ёкутлар тарихан сакут деб юритилиши, ҳозирги кунда саха (саклар) атамасининг сакланиши скифларнинг ҳам саклардан эканлигидан дарак беради.

Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида турк халқларининг ҳарбий маҳоратлари, этник хусусиятлари ҳақида шундай дейилган: Турк халқлари бошига узун сура бўрк тиззага қадар устки кийим кийганлар. Бундай этнографик хусусиятларни кўпчилик тарихчилар фикрича сак (скиф) халқига нисбатан берганлар.

Муайян жамиятдаги ҳар бир миллатнинг онги, маънавий қиёфаси ўша жамиятнинг табиий, ижтимоий, тарихий шароитларига қараб ўзгариб боради. Миллатнинг руҳий, маънавий қиёфаси мавжуд ижтимоий онг шаклларида ўз ифодасини топади. Миллий онг ижтимоий онг шакллари сингари маълум даврларда ўзининг нисбий мустақиллиги туфайли жамият асосини ташкил этувчи базис ва устқурманинг моҳиятни тубдан ўзгартириб юборишга фаол таъсир кўрсатиши мумкин.

Миллий онг ва унинг шаклланиши, энг аввало, миллий уйғониш замирида бошланиши табиийдир. Ҳозирги уйғониш давр тақозосига кўра, тараққиётнинг об'ектив ижтимоий воқелигига айланмоқда. Чунки кишиларнинг дунёқараши, ҳаётий ҳулосалар, бир-бирларига бўлган муносабатлар, ирода ва хоҳишлар, миллий турмуш тарзлар, миллий расм-русмлар, одат ва анъаналари туфайли шаклланади ва ривожланади. Шундай экан, миллий турмуш тарзи ва маданият ижтимоий воқеликнинг табиий ифодаланиш шаклидир. Миллийликни тан олиш — миллатга мансуб кишиларнинг ижтимоий-этник барқарорлигини тан олиш демакдир. Миллийликда инсоний ва умуминсоний қадриятлар муайян қиёфа ва шакл касб этган бўлади. Миллийликда миллий мансублик руҳи мавжуд. Миллий руҳимиздаги миллий туйғуларимиз мажмуи миллий тасаввурларимиз, кайфиятларимизда содда онг сифатида ифодаланади. Агар миллий мансублик ва унинг барча томонлари кишилар тасаввурида илмий асосланган бўлса, уни биз миллий ўз-ўзини англаш деб тушунамиз. Миллий ўзлигини англаш илмий сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига кўтарилса, биз уни миллий мафкура деб атаيمиз.

Миллий онглиликнинг моҳияти тўғри тушунилмаслиги оқибатида, баъзи ҳолларда бундай муносабатлар миллатчилик иллатларига мубтало этмоқда. Миллатчилик ғайриинсоний иллат бўлиб, аввало ўзга миллатларга, қолаверса ўз миллатига ҳам худбинларча қараш фожиасидир. Бу ўз миллатини ва унинг манфаатларини худбинлик заминида мутлақлаштириш йўлида бошқа миллатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган, уларни камситиб, тазйиқ ўтказиб, ижтимоий адолацизликлар туғдирадиган иллатдир.

Демак, миллий ғурурни миллатчилик билан айнийлаштириб бўлмайди. Миллий ғурур ҳар бир миллатга хос бўлган хусусиятларни химоя қилиб, уларнинг келажак ҳаётини юксалтиришга қаратилган табиий интилишдир. Миллатчилик эса биттагина миллатнинг муддаосини химоя этиб, бошқа миллатларнинг эҳтиёжларини назар-писанд қилмасдан уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйишга қаратилган ҳаракатдир. «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ота-онасига бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади» [1].

Маълумки, миллий туйғу табиий туйғулардандир. Айни пайтда миллий маънавий ҳаётнинг жуда ҳам нозик элементларидир. Миллий туйғулар эса миллий ифтихор, миллий характернинг, демакки, миллий психологиянинг белгиларидан бири, унинг ажралмас қисмидир.

Миллий хис-туйғу, миллий ифтихор манфаатлари ва халқпарварлик билан боғлиқдир. У ўз миллатининг тарихини, ҳозирги аҳволи, миллий психологияси ва характерини рухий тушуниш, эмоционал шаклда идрок этишдир. Бироқ хис-туйғулар, эмоциялар миллатларнинг туб манфаатларини бевосита ифода қилмайди. Шунинг учун ҳам миллий туйғу миллий онгдан фарқланади.

Миллий туйғулар ва кайфият миллатнинг жипслашуви ва иродаси намоён бўлишида катта рол ўйнайди. Миллатнинг бирикишида, уларнинг миллий қизиқишлари умумийлиги, тарихий ҳодисалар, ўтмиш маданиятига мухаббат, миллий ифтихор туйғулари сифатида намоён бўлади.

Ўз халқининг кўп асрлик бой тарихи, ажойиб маънавий мероси билан ҳақли равишда фахрланиш туйғуси, ўтмишни қўмсаш эмас, балки қадимий тарихни, халқ яратган моддий ва маънавий бойликларни кенгроқ ўрганиш ва очиб бериш, уларни янги авлодлар томонидан аждодлар мероси сифатида ўзлаштиришни таъминлашдан иборатдир. Миллий туйғуларнинг қанчалик қарама-қарши бўлиб қолишига қараб миллий кадр-қимматга бўлган эътиборсизлик шунчалик хавфли тус олиб боради.

Миллий онг ва ўзлигини англаш у ёки бу миллатга мансубликни ҳис қилиш, унинг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ҳар тарафлама чуқур билиш билангина чегараланмайди.

Миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг ҳозирги аҳволи, унинг олдида ечимини кутиб турган муаммоларини билиш ва уларни хал қилишда фаол ҳаракат этишни талаб қилади. Бунинг учун юксак маданият, узоқни кўра билиш ва донолик, ғоявий-маънавий етуклик ва поклик, янгича фикрлаш имкониятларидан, жамият тараққиётини жадаллаштириб, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун замин яратиш йўлида фойдалана билиш керак.

Адабиётлар

- [1] Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқболи ватараққиёти йўли. -Т.:Ўзбекистон, 1994, 77-бет.
- [2] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995, 152-бет
- [3] Люви-Брюл Нервобитное мышление- М., 1930, 26-ст.

САВДО МАДАНИЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ АҲВОЛИ

Д.К. Ганиев

Тошкент тиббиёт акадеияси Фарғона филиали
(Қабул қилинди 8.11.2017 й.)

Бу мақолада ҳозирги кунда савдо соҳасидаги мавзуд муаммолар, аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг юқори даражада эмаслиги, аҳолига савдо хизмати кўрсатишида савдо маданияти қоидаларига риоя қилинмаётганлиги билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Таянч сўзлар: савдо, истеъмолчи, савдо маданияти, сотиш санъати.

В этой статье рассматриваются текущие проблемы в области торговли, отсутствие качественных коммерческих услуг и несоблюдение правил коммерческой культуры в предоставлении услуг торговли населению.

Ключевые слова: продажа, потребитель, культура продаж, продажа искусства.

This article examines the current problems in the field of trade, the lack of quality commercial services and the failure to comply with the rules of commercial culture in the provision of trade services to the public.

Key words: sale, consumer, sales culture, art sales.

Истеъмолчи — фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро бўлганлиги учун унга олий даражадаги савдо хизматини кўрсатиш савдонинг 'нг асосий ва олий вазифаси ҳисобланади. Сизга шундай савдо хизмати кўрсатишмоқдами?

Сотиш – бу санъат. Доимо, тинимсиз сотинг. Бунинг учун эса сотиш санъатини билмасангиз, дарҳол ўрганинг. Зеро, сотиш ҳозирда санъат, илм даражасига кўтарилган. Дунёдаги барча савдогарларга, тижорат аҳлига шундай хитоб қилгим келади: "Сотинг! Доимо сотинг! Тинимсиз сотинг". Сотиш бугуннинг янги илмларидан ҳисобланади. Шунинг учун унинг ҳам бошқа илмлардаги каби асоси, қонуниятлари, шакллари, турлари ва ўзига хос жиҳатлари бор. Бу илм инкор этиб бўлмас даражада очик ва ҳаммага кераклидир. Барча ақлли ва закий инсонларга мурожаат қилмоқдаман. Барчангиз менга кулоқ тутинг! Фақат мени тингланг! Кўмир конида ишлайдиганлар, бу конларнинг эгалари кондаги иш яхши юришини ва мўмай даромад топишни истасалар, албатта сотиш санъатини ўрганишлари керак бўлади. Янги бозорлар топиб, у ерларда ишлари авж олишини хоҳловчи тижоратчилар, ҳатто кўпроқ юк ва йўловчи ташиш учун киракаш ҳайдовчилар ҳам бу санътни ўзлаштиришлари зарур.

Савдо-сотик билан шуғулланадиган барча кишилар ривожланиш ва фойдаларини орттириш учун бу санъатни яхши ўқишлари ва ўрганишлари даркор. Сиз ҳеч қачон сотишни ўз-ўзидан, осонликча содир бўладиган нарса сифатида ҳис қилманг. Баъзи дўкдорлар: "Ишимиз ўзи юришаверади", дея газета ўқиб ўтирадилар ва дўкдорнинг ичида нари бориб-бери келиб юравадилар. Адашяпсиз, жаноблар! Тўғри, ризқни Аллоҳ беради, аммо бу, ҳаракат қилмаса ҳам бўлаверади, дегани эмас. "Сендан ҳаракат, мenden баракат" деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Маълумки, сотиш сотувчи билан амалга ошади. Бу – сотувчининг пешона тери билан яратадиган санъати. Яхши сотувчи бўлишни истасангиз:

Сотадиган нарсангизни яхши билишингиз керак;

Одамларни, харидорларни таний олишингиз зарур;

Ўринли гапира олишингиз даркор;

Харидорларга ҳурмат кўрсатишингиз лозим;

Хушмуомала бўлишингиз талаб этилади;

Ва ниҳоят, мижозни молингизни сотиб олишга "мажбурлашингиз" даркор.

Агар бу сўнгги шартни ҳам бажара олсангиз, Сиз "энг етук сотувчи" даражасига еришган бўласиз. Кўп гапириш, эзмалик билан харидорни овлаб бўлмайди. Аксинча, харидорлар Сизнинг эзмалигингиздан қочадилар ва қайтиб дўкдорнингизга кирмасликка ҳаракат қиладилар.

Мол ҳақида ёлғон гапириш, кўзбўямачилик қилиш савдо илмига зид. Бир вақтлар тижорий ва иқтисодий жиҳатдан орқада қолган мамлакатлардаги савдогарлар ёлғончилик ва кўзбўямачилик билан дўстлик ришталарини боғлашган эди. Бироқ бу хилдаги ёмон дўстлик аллақачон барҳам топган. Зеро, маданиятли давлатларда савдо-сотик учун мижозни алдашга, қаллобликка ҳожат йўқ. Савдо-сотик қилиш мижозни лақиллатиб, унга зарар бериш дегани эмас, аксинча, унга фойдали хизмат кўрсатиш дир.

Сотиш илмининг биринчи ва энг муҳим қондаси қуйидагича: "Сотувчи мижозни ширин сўзи, очик чехраси, тез фаҳмлаши, назокати, ақли ва мантиғи билан молини сотиб олишга мажбур қилсин". Шу тариқа, ҳам ўз дўкдорининг, ҳам харидорнинг манфаатига мос иш қилган бўлади. Кўполлик, қаллоблик, ёлғончилик сотиш илмида бўлмаган, ҳазар қилинган ишлардир. Лозим бўлмаган мол ҳақида кераксиз ва маъносиз сўзлар билан харидор бошини қотириш, эҳтиёжи бўлмаган молни олишга зўрлаш сотиш санъатими? Минг марталаб йўқ!.. Сотиш санъати умуман бундай эмас. Бу бир одамга пичоқ ўқталиб, чўнтагидан пулларини тортиб олиш, қароқчиликдир. Ҳақиқий савдо бундай бўлмайди.

Айримлар бор, тижоратда ёлғон-яшиқ билан муваффақиятга эришишни, ишлари бароридан келишини хаёл қилишади. Бундай ўйлайдиганлар фақат ўзларини алдашади. Гарчи тижорат соҳасида қаллоблик пиллапоя лари билан юксалганлар бўлса-да, улар тезда дами чиқиб ёки ёрилиб кетадиган пуфакка ўхшайдилар. Ёлғончининг шами ёниб тугаганидек, уларнинг ҳам умрлари қиска.

Сотиш санъати кўполлик, зўравонлик эмас. Аксинча, у киши тарбиясини, заковатини бор бўйи билан намоён этадиган соҳадир. Юқорида айтиб ўтганларимизнинг тескарисини қилган киши тузмилтик билан шер овлагани чикқан овчига ўхшайди. Ҳолбуки, тузмилтик

билан шерни ўлдириб бўлмайди. Ёлғончи савдогар ҳам ана шу овчига ўхшайди. Бир гуруҳ тижорат аҳли харидорларга молини америкача усулда сотаман деб янглиш қадам ташлайди. Зеро, бу усул фақат америкалик харидорларга қўлланади. Чунки харидорларнинг ҳаммаси америкалик эмас.

Ҳар бир юртнинг одамлари ўзига хос тушунча ва дунёқарашга эга бўлгани учун уларга ўзлари тушунадиган тил ва услуб воситасида мол сотишингиз мумкин. Мисол учун, америкалик ва англиялик харидор бир- биридан кескин фарқ қилади. Америкаликка мол сотиш қанчалик қийин бўлса, англияликка сотиш ундан ўн чандон қийин. Чунки англиялик харидорни асло алдай олмайсиз. Энг кучли фикрларни олдига ташласангиз ҳам у лаққа тушмайди. Қанча кўп гапирсангиз, молингизнинг сотилиш эҳтимоли шунчалик озаяди. Мен ҳам ҳар бир харидор каби ўзим истаган барча нарсани сотиб олиш учун ўзим бир қарорга келишим лозим. Чунки бу менинг ишим. Нега бошқалар аралашиши керак? Менга "оласан" дейишмасин. Ўзим "оламан" дейишим керак. Чунки кўп гапирган сотув чилардан безиллайман ва у ердан тез чиқиб кетишга ҳаракат қиламан. Шунинг учун қўйинг, харидор ўзи ўйлаб, ўзи учун мақбул қарорга келсин. Харидор ташқарида бегона, дўконимизга киргач эса дўстимиз бўлиши ва унга дўстона, самимий муносабатда бўлишимиз даркор. Бир куни оёқ кийми сотиб олиш учун дўконлардан бирига кирдим. Сотувчидан "Мана бу туфлининг заиф томонлари борми?", дея сўрадим. Унинг "Энг яхши туфли, ҳеч қанақа заиф жиҳати йўқ!" деган жавоби эса ўша дўкондан чиқиб кетишим учун етарли бўлди. Чунки бу сотувчи ҳали сотиш санъатининг алифбосини ҳам билмас экан. Зотан, дунёда ҳеч нарса мукаммал эмас. Ҳар тўқисда бир нуқсон, ҳар гулда бир тикан бўлади. Бизнинг ишимиз гулнинг тиканли эканидан шикоят қилиш ўрнига, тиканлар орасида гул борлигига шукр қилишдир. Шу маънода, сотувчининг менга айтган юқоридаги сўзлари ёлғон эди. Ҳамма харидорнинг ҳам бу соҳада мендек фикрлашига ишонаверишингиз мумкин. Харидорлар сергап сотувчиларни умуман ҳуш қўришмайди. Ақлли сотувчи кўп гапирмайди. Ўзи гапирадиган гапни молига "гапиртиради". Ҳа, молингизни сотмоқчи бўлсангиз, қўйиб беринг, молнинг ўзи "га" пирсин". Бутун гўзалликлари-ю афзал жиҳатларини харидорнинг кўз ўнгидан намоён этиш орқали молни "гапиртиринг". Ярим соат бекорга гапиргандан кўра, молингизнинг бор хусусиятини қисқа фурсатда кўрсата олишингиз харидорни сотиб олишга тезроқ кўндиради. Бунда, энг аввало, харидорнинг кўзига хитоб қилинг.

Шохлари ва илдизлари кўп бўлган дарахт каби сотиш санъатининг бир қанча томонлари бор. Бу то монларнинг нозарур кўринганлари ҳам аслида катта аҳамиятга эга. Булар санаб адоғига этадиган нарсалар эмас. Сотиш кишининг ўзига хос барча жиҳатларини ва қудратини намоёиш этадиган санъатдир. Сотувчиликда яхши натижаларга еришиш муваффақиятининг сирларини билишимиз, ақлимизни чиройли шаклда ишлатишимиз шарт. Яхши сотувчи бошқаларга таъсирини кўрсата оладиган, уларга, таъбир жоиз бўлса, ўз ҳукмини ўтказа оладиган кишидир. Агар Сиз яхши сотувчи бўлсангиз, "кутилмаган янгилик топа оладиган, пайдо қиладиган одам" демасиз. Англиянинг энг машҳур қўшиқчиси Харри Ландер кутилмаган тарзи ва услуби билан ҳамманинг руҳиятига таъсир қилганидан "буюк қўшиқчи" унвонига сазовор бўлган. Куйлашнинг ўзига хос йўли билан катта ютуқларга эга бўлган. Сотувчилар ҳам шундай бўлишлари керак. Шунини асло унутмангки, харидорга молни зўрлаб ўтказишга уриниш фойдали йўл эмас, балки хунук жазодир. Бундай сотувчилар харидорларнинг пуллари чўнтақларида қолиб кетишига сабабчи бўлишади. Яхши сотувчи бўлиш учун ширин тилингиз, назо катингиз, нозик фаҳмингиз билан харидорга таъсир ўтказингки, улар дўстлигингиз ва самимиятингизни ҳис этсин. Асло мажбурламанг, қўйинг, харидор сотиб олиш қарорини ўзи қабул қилсин. Бу ўринда Сизнинг ишингиз – унинг кўнглини молингизга ошуфта этиш. Чунки сотиш санъати алдамасдан, тўғрилиқ, ҳуш муомала билан молингизни сотиб олишга кўндиришдир.

Савдо - жараёни товарларни ишлаб чиқаришдан келтириш, уларни аввал омборларга қабул қилиб олиш, сақлаш, сортировкалаш, чакана савдо тармоқларига жўнатишга тайёрлаш ва у ерда бевосита истеъмолчиларга сотишни амалга оширади. Товар ҳаракатини барча босқичида, яъни товарларни ишлаб чиқаришдан улгуржи савдо

омборларига транспортировкаш, уларни омбор ичидаги ҳаракати, қабул қилиш ва сақлаш, чакана савдо тармоғини товар таъминоти, дўкон ичидаги операциялар, харидорларга товарларни сотиш ва қўшимча хизмат кўрсатишда ҳар хил восита ва меҳнат қуроллари қўлланилади. Шу туфайли ҳозирги савдо савдо жараёнига малакали билим ва тажрибага эга бўлган бўлажак тижоратчи, тадбиркор ва маркетингларни талаб қилади.

Афсуски, бизда бозор муносабатларининг тўла шаклланиши, савдо инфраструктурасининг етарли даражада такомиллашмагани кўп муаммоларни келтирибчиқаряпти.

Бизни олдимиздаги энг катта муаммолардан бири савдо ходимларини малакасини ошириш, қайта тайёрлаш турибди, бундан ташқари ҳозирда савдо ходимларини тайёрлаш бўйича касб-ҳунар коллежлари тизимида ва олий таълимда айнан шу соҳа мутахассислари тайёрланмаяпти. Бу ишлар йўлга қўйилса савдо ва хизмат соҳасига инновацион технологияларни жорий қилишимиз ва аҳолига юқори даражада савдо маданиятини кўрсатишимиз мумкин.

Адабиётлар.

- [1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. «Халқ сўзи», 2003 йил 22 апрел, №85. (3197).
- [2] Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» -Т.: Ўзбекистон, 1998, 97-бет
- [3] Каримов И.А. «Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили» – т.: Ўзбекистон, 1995, 22-бет
- [4] И.А.Каримов «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт приовард максадимиз» Т.: «Ўзбекистон» 2000.
- [5] И.А. Каримов Ўзбекистон ХХИ – асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон 1999.
- [6] Бланк И.А. «Торговый менеджмент», «Украинско-финский институт менеджмента и бизнеса». Киев 1997.
- [7] Лукашевич В.В. «Основы менеджмента в торговле», Москва, «Экономика» 1998.
- [8] Хисрик Р., Джексон Р. «Торговля и менеджмент», Москва, «Филин» 1995.

ОСНОВНЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

О.С. Назарматов, Ф.Ю. Дадабоева

*Ферганский политехнический институт, Фергана, Узбекистан.
(Получена 21.11.2017 г.)*

Мақолада соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистонда халққа тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона ташкилий тузилмаси яратилгани тадқиқ қилинган.

Ушбу тузилма биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш учун белгиланган қишлоқ тиббий пунктлари шунингдек туман(шаҳар) тиббиёт бирлашмалари , вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан тортиб, юқори технологияларга асосланган тиббий хизмат кўрсатиш республика махсус тиббиёт марказларини ўз ичига олиши кўрсатиб берилган.

Таянч сўзлар: реформа, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, ташиқлот, даволаш, профилактика, асосий воситалар

В статье исследовано, что в результате последовательной реализации мероприятий по реформированию системы здравоохранения в Узбекистане создана целостная организационная структура оказания медицинской помощи населению.

Данная структура охватывает все уровни – от сельских врачебных пунктов по оказанию первичной медико-санитарной помощи, районных (городских) медицинских объединений, областных многопрофильных медицинских центров до республиканских специализированных медицинских центров, предоставляющих высокотехнологичные медицинские услуги.

Ключевые слова: реформа, здравоохранение, экономика, организация, лечебные, профилактика, основные средства.

In the article it was investigated that the result of consistent implementation of measures to reform the health care system in Uzbekistan created an integral organizational structure for providing medical care to the population. This structure covers all levels-from rural medical points for the pravision of primary health care, district (city) medical associations, regional multidisciplinary medical centers to the republican specialized medical centers that provide high-tech medical services.

Key words: reform, public health, economics, organization, teaching, prevention, equipping envoys.

В результате последовательной реализации мероприятий по реформированию системы здравоохранения в Узбекистане создана целостная организационная структура оказания медицинской помощи населению.

Данная структура охватывает все уровни – от сельских врачебных пунктов по оказанию первичной медико-санитарной помощи, районных (городских) медицинских объединений, областных многопрофильных медицинских центров до республиканских специализированных медицинских центров, предоставляющих высокотехнологичные медицинские услуги.

На модернизацию и оснащение лечебно-профилактических учреждений самым современным лабораторным, диагностическим и лечебным оборудованием за последние десять лет направлено бюджетных средств и привлечено льготных кредитов и грантов на сумму свыше 750 млн. долларов. Расходы на здравоохранение за годы независимости возросли в 3,6 раза и составляют около 4% к валовому внутреннему продукту, а в Государственном бюджете страны – свыше 15,7%.

В результате осуществляемых мер средняя продолжительность жизни по сравнению с 1990 годом увеличилась с 67 до 73 лет, материнская и младенческая смертность сократилась в 3,1 и 3,2 раза соответственно. Значительно снизился общий уровень заболеваемости населения, особенно туберкулезом, гепатитом, различными инфекционными заболеваниями. В начале XXI века туберкулез и неспецифические болезни органов дыхания сохраняют свою актуальность и являются приоритетной проблемой здравоохранения во всем мире. По данным ВОЗ, несмотря на то. Что в целом ситуация по туберкулезу стабилизирована, нарастает частота его лекарственно-устойчивых форм и сочетания ВИЧ и ТБ. Эти формы болезни становятся все более тревожной проблемой для всего человечества.

В Ташкенте прошел VIII съезд фтизиатров и пульмонологов Узбекистана, организованный Министерством здравоохранения, Республиканским специализированным научно-практическим медицинским центром фтизиатрии и пульмонологии, научно-медицинским обществом фтизиатров и пульмонологов страны.

В мероприятии помимо отечественных врачей принимали участие 90 специалистов из 18 стран, таких, как США, Италия, Германия, Великобритания, Дания, Нидерланды, Россия, Франция, Чехия, Китай, Республика Корея, Индия и другие, а также представители ООН и ВОЗ, USAID, “MSF”, “ProjectHope”, “FIND”, организации «Системы улучшения доступа к фармацевтическим продуктам и услугам» (SIAPS), супранациональной референс-лаборатории из города Гаутинг (Германия). Задача съезда заключалась в том, чтобы рассмотреть приоритетные вопросы здравоохранения и определить программу борьбы с туберкулезом и заболеваниями легких, а также этапы ее реализации на ближайшую перспективу, тем самым внести определенный вклад в борьбу с туберкулезом.

Как отметил на открытии съезда министр здравоохранения Узбекистана А. Алимов, с первых дней независимости в Узбекистане уделяется огромное внимание охране здоровья населения, воспитанию физически крепкого и духовно богатого поколения. В республике принято и реализовано несколько государственных программ по реформированию и совершенствованию сферы здравоохранения. Главная их цель заключена в обеспечении доступа к медицинским услугам, а также перемещении акцента с преодоления болезней на профилактику заболеваний. Проводимы широкомасштабные реформы созвучны стратегии «Здоровье-2020» и направлены на обеспечение интересов и благополучия человека.

В настоящее время в Узбекистане сформирована качественно новая, отвечающая высоким требованиям целостная и надежная система медицинских учреждений, состоящая из

учреждений первичного звена, республиканских и областных центров, специализирующихся на таких отраслях медицины, как хирургия, кардиология, урология, терапия, эндокринология, глазная микрохирургия, фтизиатрия и пульмонология.

Говоря о развитии специализированной фтизиатрической и пульмонологической служб, важно отметить, что они имеют стройную многоуровневую систему оказания помощи населению, куда вовлечены врачи общей практики и смежные специалисты. Благодаря осуществляемым действиям по усилению среди населения пропаганды здорового образа жизни и профилактике распространения инфекционных заболеваний за последние годы в республике заметно уменьшились общие случаи заболеваемости туберкулезом, гепатитом и другими эпидемиологическими болезнями. Продолжается кампания по плановой прививке детей от 11 опасных заболеваний, в том числе и от туберкулеза.

Сегодня эффективность лечения туберкулезных заболеваний, по мировым меркам, составляет 85%. Благодаря вниманию, уделяемому главой государства развитию сферы, а также исполнению задач, определенных в соответствии с целевыми программами, в нашей стране этот показатель достигает 87%. В соответствии с постановлением Кабинета Министров «О дополнительных мерах по снижению заболеваемости туберкулезом в Республике Узбекистан на 2011-2015 годы» укрепление материально-технической базы учреждений в этой области определено в качестве одной из приоритетных задач. Так, по всей стране проводятся масштабные мероприятия по строительству, реконструкции противотуберкулезных учреждений, оснащению их современным оборудованием. На 44 объектах завершены ремонтно-строительные работы, три учреждения из них – новостройки, проведена реконструкция на 33 и капитальный ремонт на восьми объектах на сумму 176,8 миллиарда сумов.

В последние годы в республике достигнуто резкое снижение основных показателей по туберкулезу. Это стало возможным благодаря тесному взаимодействию государственных и международных организаций, программному выполнению рекомендованных ВОЗ стратегий диагностики и лечения этого заболевания и целого комплекса проводимых широкомасштабных противотуберкулезных мероприятий, а также проведению ремонтно-реконструктивных работ в противотуберкулезных учреждениях и оснащению их современным медицинским оборудованием, созданию региональных микробиологических лабораторий, оснащенных новейшими аппаратами диагностики.

Большую роль в решении актуальных проблем в данном направлении играет созданный по инициативе Президента страны Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр фтизиатрии и пульмонологии, координирующий деятельность всех противотуберкулезных учреждений республики. В 2011 году он был полностью реконструирован, и сегодня в нем созданы все условия для оказания квалифицированной помощи. Глубоко символично, что церемония его открытия состоялась в дни проведения международного симпозиума «Национальная модель защиты материнства и детства в Узбекистане»: «Здоровая мать – здоровый ребенок», в котором приняли участие представители таких авторитетных международных организаций, как Всемирная организация здравоохранения, Детский фонд ООН – ЮНИСЕФ, Фонд народонаселения, а также ведущие специалисты из более 50 стран.

Ежегодно центр предоставляет медицинские услуги свыше 25 тысячам пациентов. И если раньше больным приходилось лечиться в течение 10-12 месяцев, то теперь процесс составляет не более 60 дней. Это стало возможным благодаря внедрению прогрессивных методов воздействия на бактерию, своевременному оснащению центра – в его стенах находится Национальная референс-лаборатория, признанная одной из десяти лучших в мире. А также профессионализму врачей, которые регулярно совершенствуют свои знания, обмениваясь опытом с коллегами из авторитетных клиник Великобритании, Германии, Голландии, Китая, Республики Корея, Франции, России, применяют новейшие методы лечения.

Сегодня в республике имеется парк флюорографических установок. Это 14 передвижных машин с флюорографическим аппаратом «Проскан-2000» и установленные в Каракалпакстане, во всех областях и Ташкенте стационарные цифровые флюорографические аппараты. Благодаря комплексному подходу к данной проблеме в последние годы в стране заболеваемость туберкулезом сократилась на одну треть, а смертность от нее – в три раза. Как отметил директор РСНПМЦ фтизиатрии и пульмонологии М. Тилляшайхов, в настоящее время Министерство здравоохранения Узбекистана делает особый акцент на приоритетность профилактического направления медицины, сфокусированное на ранее выявление, предупреждение распространения туберкулеза и на создание универсального доступа к диагностике и лечению в лечебно-профилактических учреждениях на всех уровнях системы здравоохранения.¹ Серьезное внимание должно уделяться интеграции специализированных служб с первичным звеном здравоохранения, чтобы обеспечивать максимальный доступный и удобный для больного уровень обслуживания от диагностики лечения.

По мнению академика Российской академии медицинских наук, директора Московского НИИ пульмонологии А. Чучалина, забота о здоровье населения является приоритетным направлением политики Узбекистана. В это он убедился, ознакомившись с работой Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра фтизиатрии и пульмонологии, оснащенного самым современным диагностическим и лечебным оборудованием. В нашей стране создана универсальная бактериологическая лабораторная сеть, позволяющая проводить исследования на генно-молекулярном уровне диагностики туберкулеза и теста на лекарственную чувствительность.

Проведение VIII съезда фтизиатров и пульмонологов Узбекистана именно в 2015 году весьма символично, так как это последний решающий год реализации постановления Кабинета Министров «О дополнительных мерах по снижению заболеваемости туберкулезом в Республике Узбекистан на 2011-2015 годы» и Декларации тысячелетия.

За короткий период времени Узбекистан достиг весомых результатов в социально-экономической сфере, в частности, в развитии здравоохранения. Наша страна одна из первых в рамках Целей развития тысячелетия достигла национальных целей по улучшению борьбы с туберкулезом, эпиднадзора за этой болезнью и ухода за больными людьми.

Сегодня специалисты медицинской сферы уделяют большое внимание профилактике заболеваний. И узбекистанские врачи не исключение. С этой целью в республике регулярно проводятся Недели здоровья, диспансеризация детей и женщин. В эти мероприятия вовлечено огромное количество специалистов, которые выявляют заболевания на ранней стадии, что позволяет вовремя принять меры. Данный съезд дает возможность обменяться опытом, ознакомиться с последними достижениями Узбекистана в сфере фтизиатрии и пульмонологии, а также совместно найти ответы на актуальные вопросы.

Церемония официального открытия VIII съезда фтизиатров и пульмонологов с участием представителей зарубежных стран и международных организаций состоялась во Дворце «Туркистон». Участники мероприятия ознакомились с выставкой, рассказывающей о достижениях отечественной медицины в годы независимости.

Зарубежные эксперты отметили, что применяемые в Узбекистане современные методы диагностики и лечения различных заболеваний, охраны материнства и детства, воспитания всесторонне развитого поколения дают положительный результат и служат примером для многих стран мира, подтверждают эффективность проводимой сильной социальной политики.

Вместе с тем все еще не отвечают возросшим современным требованиям качество предоставляемых населению медицинских услуг. Особенно на местном уровне, состояние материально-технической базы районных и областных медицинских объединений. Кардинального совершенствования требует система управления республиканскими специализированными медицинскими центрами, реализации в них опыта ведущих зарубежных медицинских центров, а также передовых форм организации и стимулирования труда, развития и укрепления их материально-технической базы.

28 ноября 2011 года Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов подписал Постановление «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения». Целью документа является дальнейшее углубление реформирования системы здравоохранения, повышение эффективности деятельности медицинских учреждений, обеспечение оказания высококачественной медицинской помощи населению в соответствии с современными требованиями и стандартами, внедрение передовых форм и методов управления и организации труда в системе здравоохранения республики.

В соответствии с данным постановлением определен ряд основных направлений дальнейшего углубления реформирования системы здравоохранения республики в 2012-2015 гг. В их числе:

- обеспечение широкой доступности и высокого качества первичной медико-санитарной помощи населению, особенно в сельской местности, повышение эффективности работы диагностических и амбулаторно-профилактических учреждений по профилактике заболеваний и охране здоровья граждан;
- оптимизация и реструктуризация сети медицинских учреждений и коечного фонда на районном (городском) уровне с повышением эффективности использования имеющихся мощностей районных (городских) медицинских объединений, оснащением их современным оборудованием, в том числе за счет льготных кредитов международных финансовых институтов и грантовых средств;
- коренное совершенствование системы управления республиканскими специализированными медицинскими центрами с внедрением современных, апробированных в международной практике методов организационного и финансового менеджмента, дальнейшее укрепление их материально-технической базы, оснащение и постоянное переоснащение самым современным медицинским оборудованием;
- повышение эффективности службы скорой медицинской помощи, оперативности и качества оказываемых ею услуг, переоснащение ее на системной основе новейшим диагностическим и лечебным оборудованием, дооснащение специализированным автотранспортом, укомплектованным современным мобильным медицинским оборудованием и средствами связи;
- совершенствование системы охраны здоровья матерей и детей в соответствии с Национальной моделью охраны здоровья матери и ребенка, дальнейшее развитие и укрепление материально-технической базы перинатальных, скрининг-центрами, родовспомогательных и педиатрических учреждений;
- усиление профилактических мер и повышение надежности защиты населения от вирусных и инфекционных заболеваний. Укрепление материально-технической базы учреждений онкологической и противотуберкулезной службы, формирование эффективной системы профилактической работы, раннего выявления и лечения социально значимых заболеваний;
- упорядочение деятельности и дальнейшее совершенствование лицензирования частных медицинских учреждений, обладающих современным диагностическим и лечебным оборудованием, высококвалифицированными медицинскими кадрами, повышение требований к ним по предоставлению населению качественных специализированных медицинских услуг в строгом соответствии с утвержденными стандартами лечебного процесса.

Список литературы

- [1] Санаев Ф., Мирная И. В приоритете – здоровье человека //Народное слово от 5 мая 2015.
- [2] Тангирова Г. Располагают лучшим оборудованием //Народное слово от 4 февраля 2015.
- [3] Буранова Д. Стоматология: прорыв в образовании//Народное слово от 4 февраля 2015.
- [4] Азимбетова С. Чистая среда для будущих поколений // Народное слово от 17 февраля 2015.
- [5] Раупова Д. Прибавив года, жить здорово // Народное слово от 17 февраля 2015.
- [6] Конституция Республики Узбекистан, 8 декабря 1992.
- [7] Принята госпрограмма по охране здоровья населения до 2018 года / Деловой партнер №33 от 14-2-августа 2014.
- [8] Маметова М. УзА//Новые ориентиры системы здравоохранения//Народное слово от 23 июня 2012.

ПРАВОВАЯ ОСНОВА, НОРМЫ И ОРГАНЫ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Н.И. Аскарлов

Ферганский политехнический институт, Фергана, Узбекистан.
(Получена 21.11.2017 г.)

